=80796

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН 21 июн, № 25 (3362)

КАТТА АШУЛА ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Газетанинг шу йил 7 июн сонида эълон қилинган «Куй авжида ... шурва келмасин» сарлавҳали мақолани ўқиб, куюнчак муаллифнинг фикрларига тўла қўшилдим. Қўшиқни тинглай билиш — жуда катта одоб. ҳофиз дилдилидан хониш қилаётганда, сўзлар қатидаги маъноларни гоҳ нола, гоҳ фиғон билан ифода этаётганида кимнингдир ўринсиз хатти-ҳаракати, ногаҳоний луқмаси ёки бошқа бир бепарволиги кўнгилни ранжитади. Баъзи изидиҳомларда бундан бошқача манзарага ҳам дуч келиш мумкин. Ҳофиз энди бирор бир қўшиқни бошлаганида, кимдир келиб, «Ука, бунисини қўя туринг, бошқасини айтинг», дейди. Бошқасини бошласа, яна кимдир ўтирган жойида «Ҳе, шўхрогидан бўлсин», дея хитоб қилади. Умуман, санъаткорга «уни айт, буни айт», дейиш одобдан эмас. Бордию ҳали ёд олмаган бўлса, мулзам бўлиб қолиши мумкин.

Мен ёши етмишни қоралаб қолган кекса тингловчиларданман. Қўшиқ тинглашни жон-дилимдан севаман. Кўпчиликда бўлгани каби, бизнинг ҳам ойда бир утадиган жўралар йиғилишимиз бор. Оила аъзолари билан бирга ўтириб дам оламиз. Энг қизиғи — ўтириш бошланиши билан улфатлар қўшиқ куйлашни бошлаб юборишади. Марҳум журабошимиз Аббосхон ҳаммамизни куйлашга ўргатган, эринмай қўлимизга энг машҳур қўшиқлар матнларини китобча қилиб бериб қўйган эди. Ҳозир бу ишни ёш академигимиз Нуъмонхон қойилмақом қилиб бажарадилар.

Бугун айтмоқчи бўлган гапим, ҳозир мамлакатимизда ўтаётган қўшиқлар кўрик-танлови дилимиздаги айни муддао тадбир бўлди. Шахсан ўзим туманларда, вилоятларда, Тошкентда ўтган дастлабки босқичларда ижро этилган қўшиқларни мароқ билан тингладим. Янги истеъдодлар етишиб чиқаётганидан хурсанд бўлдим. Аммо, бир мулоҳазам ҳам бор...

Назаримда, халқона, жўр бўлиб хиргойи қилинадиган қўшиқлар барибир оз. Бунинг устига бизда ҳамиша машҳур катта ашулага эътибор ҳамон етарли эмас. Водийда бундай қўшиқ ижрочилари саноқли қолди. Улар ижодини чуқур ўрганиш, издошларини кўпайтириш керак. Бу иш билан айни ҳозир шуғулланмасак, кейин кеч бўлади.

Воҳид СОДИҚОВ

Шеърий лаҳза

Нурали ҚОБУЛ

БОШ УСТИГА, ЭЙ БУЮК РУҲ

Бош устига, эй буюк Рух,
Шоҳижаҳон Соҳибқирон.
Йўлингизга тўрт бўлди кўз,
Сизсиз ғариб мулки Турон.
Ота улус, она Ватан,
Болам Темур деб йиғлади.
Армонлардан адо бўлган
Оқсарой кўксин тиғлади.
Беҳишт Самарқанд боғлари,
Сизсиз хазон бўлдилар-ей,
Або Турким авлодларин,
Бағри қонга тўлдилар-ей.
Э воҳ, падаркушлар улуғ,
Бекларга хезландилар.
Бобурларинг бахтин излаб,
«Ҳинд сори юзланди»лар.
Во дариғким, пири комил,
Бўлди кўп «юз қаролиғ».
Ватан вайрон, миллат сарсон,
Ҳинду афғон аролиғ.
Шаҳрисабз — она бешик,
Бевақт сомон рангиндадур...
Кўктуркларим орзулари
Бу кун осмон тенгиндадур.
Қора кунлар ўтди Ҳазрат,
Алптегинлар келди қайтиб.
Тангритоғнинг эпкинлари,
Ҳур қўшиқлар елди айтиб.
Сиз Ватанга қайтмоқ учун,
Дунёнинг ярми тебранди.
Вужудларда чўккан армон,
Темурий қонлар эмранди.
Бош устига, эй буюк рух,
Шоҳижаҳон, Соҳибқирон.
Йўлингизга тўрт бўлди кўз,
Сизсиз ғариб, мулки Турон.

МИЛЛИЙ РАҚС РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Республикамизда миллий қадриятларимизни тиклаш, санъатимиз дурдоналарига сайқал бериб, авлодларга етказиш йўлида яна бир хайрли қадам қўйилди: машҳур раққоса, ўзбек санъатининг ёркин юлдузларидан бири Мукаррам Турғунбоева номидаги ижтимоий жамғарма ташкил этилди. Жамғарма таъсисчиси ўзбек Давлат «Баҳор» рақс ансамблидир. Мукаррам опанинг собиқ шогирдларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева жамғарма президенти этиб тайинланди.

Шу муносабат билан М.Эргашева мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Жамғармани ташкил этишдан асосий мақсад, ўзбек миллий санъати равнақига янада фаол ҳисса қўшиш, янги рақс усталарининг етишуви ва камол топишини таъминлаш, ушбу санъатни тарғиб-ташвиқ этиш ишларини йўлга қўйишдир. Шунингдек, турли кўрик-танловлар утказиш, рақс заҳматкашларининг шонли саналарини муносиб нишонлашни ҳам олдимиздаги муҳим вазифалардан деб биламиз.

Ўзингизга маълум, ҳозирги кунда Мукаррам Турғунбоева музейи санъат ихлосмандларига хизмат қилиб турибди. Биз ана шу музейни кенгайтириб, унинг экспонатларини бойитиб, ҳақиқий миллий рақс даргоҳига айлантириш ниятидамиз.

Яна бир гап. Биласиз, рақс санъатимиз довруғини олам узра ёйган, жаҳонни забт этган қуплаб фахрийларимиз бор.Ана шуларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни ҳам ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз.

Кези келганда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Халқимиз том маънода завқли, санъатсевар халқ. Айниқса, рақс деса, юрагида ўт чақнайди. Шу маънода агар миллий рақсимиз равнақига ҳиссасини қўшишни истаган шахслар ёки ташкилотлар топилса, бундан фақат санъатимиз манфаат кўрган буларди.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз қуйидагича: 000700503 МФО 172626704 «Замин» махсус давлат-ҳиссадорлик ипотека банки

КОРЕЙС ТЕАТРИ ТОШКЕНТДА

Уч кун давомида пойтахтимизда Алмати давлат корейс мусиқали драма театри гастрол сафарини ўтказди. Мухлислар кўп йиллардан буён бу театр спектаклларини мириқиб томоша қилиб келадилар. Бу сафар улар дастлаб Ҳамза номидаги театр саҳнасида «Сен бўлмасанг, ким?» номли спектаклни намойиш этдилар. Қозоғистон ерларида ўтказилган ядро синови оқибатларини тугатиш йўлларини излаётган фидойи врачлар ҳақидаги бу спектаклни режиссёр А. Пашков саҳнага олиб чиққан. Бош ролларни А. Мун, А. Пяк, Т. Цой, Ким Хан Мен ижро этмоқдалар.

Навбатдаги томоша эса миллий анъаналар руҳидаги енгил юмор билан суғорилган «Ким Сендар найранглари» спектаклидир. Асар бош қаҳрамони Ким Сендар бизнинг Насриддин Афандига ухшаб, халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, золим бойлар адабини бериб юрувчи хушчақчақ бир одам. Шуниси қизиқки, унинг бошидан кечирганлари ҳам бизнинг Насриддиннинг саргузаштларига ухшаб кетади. Бу асарни ҳам А. Пешков саҳналаштирган.

Гастролнинг сўнгги куни эса қардошларимиз «Ариран» эстрада концерт дастурини тақдим этдилар. Корейс санъаткорлари бундан буён ҳам Тошкент билан алоқаларини мустаҳкамлаш ниятидалар. Шу йилнинг август ойларида ўтадиган навбатдаги гастрол улар Гарсиа Лорканинг «Бернард Албанинг уйи» ва Туфон Минуллиннинг «Алла» асарлари асосидаги спектаклларини намойиш этадилар.

Оҳиста ЖАМШИД қизи

ЯККАБОҒНИНГ КАТТА ХИРМОНИ

Юртимизда ёзнинг қайноқ кунлари — саратон бошланмоқда. Поёнсиз далаларда олтиндек товланиб ғалла пишди.

— Бу йил туманимизда ғалладан мўл ҳосил олиш кутилаяпти, — дейди туман ҳокими Холмурод Раҳмонов. — Давлатимиз раҳбарининг дон мустақиллигига эришиш тўғрисидаги даъватига жавобан 23 минг гектарга яқин майдонда ғалла ўстирдик, ўрим ҳозир қизғин. Ҳар гектар майдондан ўртача 30 центнердан ҳосил олаяпмиз. Туман буйича 53 минг тонна дон етиштиришимиз керак. Шунинг камида 45 минг тоннасини давлатга сотамиз.

Яккабоғда, буюк жаҳонгир Амир Темур туғилган маконнинг кўз илғамас кенгликларида пишиб етилган арпа ва буғдойни нобудгарчиликсиз йиғиб олиш ҳаракати кетаяпти. Ахир, бугунги ҳосилни етиштириш учун туман ғаллакорлари озмунча меҳнат қилишдими?! Энди эса доннинг чўғидан ҳокимдан тортиб оддий ғаллакоргача кўнгли тўқ. Кўтаринки кайфият билан ишламоқда. Яқинда Республикамиз Президенти Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига қилган сафари чоғида Яккабоғ ғаллазорларида бўлди, деҳқонлар билан суҳбатлашди, уларнинг ишига юқори баҳо берди, гуриллаб ишлаб турган янги комбайнлар кабинасига утириб ишлашини кузатди.

Наманган тумани ғаллакорлари бу йил гектаридан 50 центнердан буғдой ҳосили олиш ниятидадирлар. СУРАТДА: туман ҳокими ўринбосари Мухторжон Ҳайдаров ва «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Шаҳрибону Эргашева ҳосил чўғини чамалаб кўрмоқдалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

— Юртимиз тинч бўлсин, тезроқ арзончилик, ҳар бир рузғорда тўкинчилик бўлсин! Учрашувда юртбошимизга элнинг билдирган нияти шундай бўлди, — дейди мен билан суҳбатда туман агросаноат уюшмаси раисининг ўринбосари Қўйсин Элмуродов. — Туманда ғаллани 35 кунда уриб олиш чоралари кўрилмоқда. «Ўзбекистон» хўжалигида ҳар гектаридан 45 центнердан дон тушаяпти. Ғузор Уроқов, Тура Маҳкамов, Барот Ҳасановлар бошлиқ ширкатларда ҳосил чўғи анча баланд. Жуман Михлиев номли ширкатлар уюшмасида ҳар бир комбайнда кунига 6—7 гектардан ҳосил ўрилаяпти. Карим Мойлиев, Абдураззоқ Холиқов номли хўжаликларнинг Ҳақназар Раҳимов, Йўлдош Жалолов, Холмурод Худойқулов бошлиқ ширкатларида ғалладан бу йил юқори даромад олиш кутилаяпти.

Абдухалил Умиров — туманда деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси. Биз у киши билан «Турнабулоқ» хўжалиги ҳузурида жойлашган хусусий ер эгаларининг ғаллазорларини айландик. Тоғлиқ жойлар эмасми, ғалла энди пишмоқда. Уюшмага 53 та мустақил хўжалик қарайди. «Хўжаилғор ота», «Қорасув», «Оқтом», «Хосилот бобо» деҳқон-фермер хўжаликларида дон ҳосилдорлиги яхши. Туманнинг тоғли ҳудудларида ҳам дон ўримига киришилди.

Олтин, кумуш тош бўлур, арпа-буғдой ош бўлур, деган нақл бор халқимизда. Яккабоғлик ғаллакорлар халқ ризқи, бебаҳо бойлигини тезроқ йиғиштириб олиш мақсадида асло тиним билишмаяпти.

Норқул ТИЛОВ

ЧАМБИЛ НАВОЛАРИ

Қашқадарёнинг Чамбил қишлоғида вилоят бахши—шоирлари, сибизғачиларининг кўрик-танлови бўлди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати қарори билан биринчи ўринга деҳқонободлик Баҳром бахши Раҳмонов лойиқ деб топилди. У куйлаган «Гуругли», «Алпомиш» достонлари ёшларни ватанни севишга, истиқлолни авайлаб-асрашга чақириқ бўлиб янграгани билан ҳам бошқа ижрочилардан ажралиб турди. Иккинчи ўрин ҳам деҳқонободлик Жовли бахши Тангировга насиб этди. Учинчи ўринни чироқчилик Одил бахши Эргашов эгаллашга муваффақ бўлди. Сибизғачилар беллашувида биринчи ўрин Раҳимбобо Ҳўжақуловга, иккинчи ўрин чанқовузда ажойиб куй чалиб, барчанинг эътиборини тортган Холжон момо Бекмуродовага берилди. Ғолиблар Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят маркази, вилоят маданият ишлари бошқармасининг махсус совринларини олишга муваффақ бўлдилар.

С. СИРОЖИДДИНОВ

ПОКИСТОНЛИК АДИБЛАР ТАШРИФИ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмасида юртимизда меҳмон бўлиб турган бир гуруҳ покистонлик адиблар билан ижодий мулоқот бўлиб ўтди. Меҳмонлар орасида таниқли ҳажвчи ёзувчи, мамлакатда чиқадиган йирик «Вақт» газетасининг фаол муаллифларидан бири Атаул Ҳақ Қосимий, Покистонда машҳур «Ворис» телесериалининг муаллифи, «Жанг» газетаси публицистларидан бири Амжад Ислом, ёш, аммо машҳур ҳажвчи ёзувчилардан Муҳаммад Юнус Бат ҳамда таниқли ношир Тоҳир Аслам Гура бор эди.

Уюшма раиси, Узбекистон халқ шоири Абдулла Орипов меҳмонларга мустақил Узбекистоннинг бугунги бой ва мазмундор ҳаёти, юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг борищи, маданий-маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тараддуди туғрисида, ижодкор зиёлиларнинг бугунги уй-хаёллари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Меҳмонлар ўз навбатида икки қардош халқ ўртасидаги маданий—маърифий алоқаларни янада кучайтириш бугун гоят зарур эканлигини, бунинг учун эса энг аввало маданият ва санъат аҳиллари, хусусан ёзувчилар, ноширлар фаоллик кўрсатишлари лозимлигини таъкидладилар. Бу борада Покистонда қилинаётган айрим ишларни мисол тариқасида келтириб ўтдилар. Жумладан Муҳаммад Юнус Бат Узбекистон тўғрисида алоҳида китоб ёзиб нашр эттирди. Тоҳир Аслам Гура эса ўз навбатида мамлакатимизда бизнес ва тадбиркорлик ишининг ривожланишига доир тупламни босмадан чиқарди. Аслам Гура ўз нашриётининг Тошкентда ваколатхонасини очиш, узбекистонлик ёзувчиларнинг энг яхши асарларини урду тилига ва покистонлик ёзувчиларнинг энг сара китобларини ўзбек тилига таржима қилиш таклифини киритди.

Суҳбат чоғида покистонлик адиблар ва ноширлар билан Ёзувчилар уюшмасининг нашрлари ўртасида амалий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга келишиб олинди. Суҳбатда шоир Жуманиёз Жабборов, «Ёзувчи» нашриётининг бош директори Ҳожиакбар Шайхов; «Узбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Собир Унар ва бошқалар ҳам иштирок этиб икки мамлакат адиблари ва ноширлари ҳамкорлиги хусусида уз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз ахборотимиз

Тошкент жамоли

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Соҳибқирон ўтган йўлларда

Қадимги Оврупо халқларида «Ҳамма йўллар Римга олиб боради», деган нақл бор. Ҳозир, айниқса, ҳурматли юртбошимиз Ислом ака бориб келганларидан кейин барча йўллар Қашқадарёга олиб боради, деган нақлнома бир гап айтсак янглишмаймиз.

Туғри, биз Қашқадарё воҳасига ҳурматли юртбошимиздан бир-икки ҳафта аввал бориб келган эдик. Лекин Президентимиз сафари ҳақида матбуотдаги хабарлар, ойнаи жаҳон орқали берилган ахборотларни кўздан кечирар эканман, биз олган таассуротларда қандайдир яқинлик, уйғунлик борлигини доим ҳис этиб турдим. Биз — мен, атоқли шоиримиз Жуманиёз Жабборов,таниқли журналист Мурод Абдуллаев, ёш адиб Мирзапулат Тошпулатов самолёт зиналаридан тушдигу Қашқадарё вилояти Амир Темур жамғармаси раиси Исмоил Тухтамишев билан бирга Амударё томон от сурдик. Бунинг боиси нимада? Гап шундаки, улуғ бобомиз Амир Темур соҳибқирон ҳазратлари ҳоҳ шарқ, ҳоҳ жануб, ҳоҳ мағриб томон сафарга чиққанларида биз йўл олган томонлардан ўтганлар. Шу боисдан булса керак, ҳар қадамда бобомиз тулпорларининг изларини, ҳазратлари барпо этган хонақоҳлар ва карвонсаройлар вайроналарини, ҳатто бундан олти юз йил муқаддам қурилганига қарамасдан ҳамон «соппа-соғ» турган сардобаларни кўрдик.

Ҳаёт қизиқ экан. Мен адабиёт ва журналистикага қадам қўйибманки, бу гўзал, ўзига хос бетакрор ўлкага камида йигирма марта саёҳат қилгандирман. Бу сафарларнинг сабаби ҳар хил эди, албатта. Бирда Амударё — Қарши канали қурувчилари билан учрашиш ниятида борган булсам, бирда Толимаржон сув омбори лойиҳалари устида ишлаётган геолог ва геодезистлар билан фикрлашиш ниятида, бирда Чимқўрғон сув омборини барпо этаётган азамат ишчиларга ҳорманг дейиш ниятида, яна бирда бу сув омбори қуйисида ташкил булаётган янги совхозларда товламачиликка йўл қуяётган ва халқнинг бошига чиқиб олишга уринаётган айрим эгри қул раҳбарлар устидан тушган шикоятларни текшириш учун борганман.

Уз вақтида бу ҳақдаги мақолаларим республика ва эскича айтганда марказий матбуот саҳифаларида эълон қилинган. Бу мақолаларнинг бири яхши қарши олинган бўлса, бири кўнгилсиз воқеаларга сабаб булган. Лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, воҳага шунча бориб, бу сафар йўл олган жойларни кўрмаган эканман. Шунинг учун ҳам ҳар бир қадимий қўрғон, карвонсарой ва хонақоҳлар вайроналари, даштда ёвшан ва шувоқлар орасида сақланиб қолган бобомиз тулпорлари қолдирган излар қалбимда чуқур ҳаяжон уйғотди. Назаримда, мен бугун эмас, ўша кезларда, бобомиз навкарлари орасида от суриб юргандай эдим. Кенг саҳродаги от суронлари, туялар ва филлар наъраси, карнай ва сурнайлар садоси қулоғим тагида узлуксиз эшитилиб тургандай булди. Яъни Қаршидан чиққандан то нафақат Қашқадарё, балки бутун республикада таниқли булган Жейнов қишлоғига етиб боргунча мен бу ғалати ҳолатдан соқит була олмадим. Тўғриси, соқит булишни истамадим ҳам.

Мен ушбу сафарга чиққунга қадар ҳам бу қишлоқ (ҳақиқатни айтганда Жейновни қишлоқ дейишга одамнинг тили бормайди. Аслида бу — бепоён дашт қўйнида қад кутарган митти-гина, лекин бениҳоя кўркам шаҳарча) ҳақида кўп эшитган эдим. Менинг қулоғимга чалинган миш-мишлар бўйича, бу жойда бобомиз Шом ва Ажам юришларидан, Бағдод ва Дамашқдан бирга олиб қайтган араб усталари, ҳунармандлари, заргарлари ва ҳатто олимларнинг авлодлари яшайди. Уларнинг қизлари сарвқомат, қирра бурун, келишган булади. Йигитлари эса сал чапдастроқ, сиркаси сув кўтармайдиган (яъни ёмон сўз ва дағал муомалани кечирмайдиган) булишади. Хусусан, бу жамоанинг оқсоқоли мулла Муродилла Саидов билан ҳам эҳтиёт муомалада буласиз, токи бу одам тантилик ва тўғрисўзликда танилган-у, аммо лаганбардорлик, хушомадгўйликни, сохта илтифотни кўп ёктиравермайди, дея огоҳлантириб қўйишди.

Мен салкам етмиш йил умр кўрдим. Бу узоқ давр мобайнида жуда кўп раҳбарлар, республикада машҳур не-не раислар, собиқ компартиянинг ман-ман деган раҳнамолари ва хўжалик раҳбарлари билан мулоқотда бўлган қари тулкиман. Уларнинг орасида камтар ва ишбилармонлари ҳам, ишбилармон-у, аммо «ўтказиб қўйган хизматлари»дан бошлари айланиб, босар-тусарини билмай қолган калондимоғ раҳбарлар ҳам, ёзувчи ва журналист сўзларини эшитса бурнини жийириб, тескари қараб кетадиган «хўжайин»лар ҳам кўп эди.

Табиий, кўпдан бери номи газета саҳифаларидан тушмай келаётган бу одам қандай экан деган фикр то Жейнов қишлоғига етиб боргунча хаёлимда айланиб турди. Ростини айтсам, Муродилла Саидов мен билган атоқли раҳбарларга ҳам ухшар, ҳам ухшамас эди. Ухшаш томони «ўзига ишонган», сўзларни кесиб гапирадиган, юриш-туришлари шиддатли, гап-сўзлари ўткир, лочинсимон бир эр эди. Кейин билсак бу «эр йигит»нинг ёши жаноб пайғамбаримиз ёшига етиб қолган экан. Утмишдаги хўжайинларга ухшамайдиган жиҳатлари — ўта замонавий кийинган, соч-соқоллари қунт билан тарашланган, уст-бошини, кийимларини ҳам замонавий усталарга тиктирган. Худди олис бир чўл қишлоғида эмас, Парижнинг киндигида туғилгандай таассурот қолдирди менда.

Бу одамнинг менга хуш келган томони — самимий, очиқ-ёруғ, дилидаги тилида, киёл мақтанчоқ булса-да, «елгон»ларига ҳам ишонтира оладиган, кулдириб ва ўзи ҳам узлуксиз қаҳ-қаҳ отиб гапирадиган бир раҳбар эди. Унча хуш тушмаган томони — хулқ-атвори ва узини тутишида ўша, мен билган илгариги катталардан оз булса-да нимадир қолган. Гап-сўзларида жиндай булса-да лофи бор. Ҳуллас, ҳам яхшилик, ҳам камчиликлардан холи булмаган ўзимиз қатори бир инсон.

Инглизларда ақллиликнинг илк нишонаси — бу юморга, ҳазил-мутойибага тушуниш, деган гап бор. Мен умуман ҳазил-мутойибага мойил булмаган кишиларни кўп хушлайвермайман. Эҳтимол, шунинг учундир ўзим ҳазилга мойил булмасам ҳам, бошқалар билан ҳазиллашиб гапиришни ёктираман ва бу «фазилатим» сабаб ҳазил усталаридан кўп калтак еб юраман. Муродилланинг кейинги йиллардаги ишларини кўриб, кўп хурсанд бўлдик: бобомиз Амир Темур хотирасига бағишланган катта қурилишлар, тарихий осори атиқаларни тиклаш ва таъмирлаш билан бир қаторда катта маданият саройи, дуконлар, чоллар учун чойхоналар, мевани қайта ишлаш цехи, бозор ва бошқа кўплаб иншоотлар қурилган экан. Шу жумладан, музей ҳам барпо этилиб, унда маҳаллий ҳунармандлар тиккан палаклар, сўзаналар; чевар келинчаклар қули билан тўқилган гиламлар, қадимда маҳаллий халқ ишлатган деҳқончилик

Давоми иккинчи бетда

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни— 75 ёшда

ЖОН ИШИГА АЙЛАНГАНДА КАСБ...

Инсон умри — оқар дарё дейдилар. У фақат бир марта бериладиган қисқа, аммо имкониятлари чексиз илоҳий иноятдир. Ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатларни умрининг мазмуни деб билган кишилар, эътиқод ва имонини ҳамиша бут сақлаганлар комиллик йўлида бошқалардан кўра анча олислаб кетадилар, умрлари ибрат намунасига айланади.

Инсон ҳаёти, одатда, бир маромда кечмайди. Ногаҳонда кенг йўллар торайиб, чағир, ўқубатли сўқмоқлардан ўтишга, ҳаётнинг мураккаб синовларига дош беришга, пешонадаги оғир ёзуғларни ўқишга тўғри келади.

Боз устига, яна шундай ҳам бўладики, ишинг юришиб, омад қуши бошингда чарх уриб турганида дўст-ёрон кўпаяди, атрофингдан одам аримайди, аммо ўзингга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда бирон бир мураккабликка дуч келганингда, ишинг юришмай, ўша дўст-ёрон кўмагига муҳтож бўлиб қолганингда атрофинг ҳувиллаб қолади.

Бундай пайтларда кўчли, иродали одамлар ўзларини йўқотмайди, чор-атрофга зир югурмайди, аксинча ўзига ишончи, касбига садоқати янада ортади, ногаҳоний тўсиқларнинг умри вақтинчалик эканлигини аниқ ҳис этиб, ўзини шунга яраша тутади....

Бугун шонли 75 йиллигини нишонлаётган «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош директори Ислом Шоғуломовнинг ҳаёти тўғрисида ҳам юқоридаги фикрларни билдириш мумкин. Меҳнат фаолиятини бундан 50 йил аввал босмахонада оддий ҳарф терувчиликдан бошлаган Ислом ака ярим аср давомида мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Оддий ҳарф терувчиликдан йирик матбаа марказининг бош директори, ноширлик илмининг етук мутахассиси даражасига кўтарилди. «Меҳнат дафтарчамда 2—ҳунар билим юрти ва «Шарқ» нашриёт-матбаа концернидан бошқа бирор ташкилотнинг номи қайд этилмаган дейди,— Ислом Шоғуломов. — Дарвоқе, 2-ҳунар билим юрти, гарчанд расман бўлмаса-да «Шарқ»нинг таркибий қисми саналиб келинади. Шу даргоҳда ярим аср меҳнат қилиш насиб этган экан, мен аввало одамларни, улар қайси ишда ё қандай лавозимда бўлишларидан қатъий назар, қадрлашга, мутахассисларни, фидойи матбаачиларни асраб-авайлашга ҳаракат қилдим. Эллик йил бир жойда ишлаш осон эмас. Турли хил одамлар, турфа хил истеъдодлар билан бирга ишлаш, матбаачилигимизни биргалашиб ривожлантириш йўлида елкама-елка туриб меҳнат қилишга тўғри келди. Уларнинг ҳаммасини ҳурмат билан эслайман, ҳамон хотирам тўрида сақлайман».

Халқимизда «Касбингга меҳр қўйсанг кам бўлмайсан», деган нақл бор. Ислом ака ўз касбини жон-дил ишига айлантирган, шу касб дея ҳузур-ҳаловатга ҳам, эътибору эъзозга ҳам, ва яна азоб-уқубатларга ҳам дучор бўлган инсонлардан. Концерн ўз имкониятлари, мутахассисларининг малакаси бўйича собиқ иттифоқда собиқ «Полииздат»дан сўнг иккинчи ўринга кўтарилгани сир эмас. Йиллар давомида бу қутлуғ даргоҳ Шарқдаги чинакам зиё масканига айланди. Замонавий матбаа жиҳозлари билан ўз имкониятлари доирасини янада кенгайтирди. Бунда корхона раҳбарининг ташкилотчилиги, изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги айниқса қўл келди.

«Шарқ» асосан газетачилик, журнал ва китоб ноширлигига асослангани туфайли фаолиятимизнинг келажаги кўпчиликни қизиқтириши табиий, — дейди Ислом ака. — Ҳозир газеталаримиз ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари сабабли маълум қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Лекин, бу қийинчиликлар вақтинчалик эканлигига ишончим комил. Юртбошимиз миллий ва маънавий қадриятларимизнинг тикланишига, маърифат ривожига алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Ҳукуматимиз шундай қийин шароитларда ҳам маънавий соҳани, хусусан оммавий ахборот воситаларини маълум маънода қўллаб-қувватлаб келмоқда. Қоғоз саноатини ривожлантириш борасида жиддий иш олиб борилмоқда. Демакки, биз танлаган касб бундан буён ҳам халқимиз учун энг зарур, ҳаётда эса энг эътиборли касблардан бири бўлиб қолаверади. Ислом ака билан суҳбатни давом эттирамиз. «Мир Алишер Навоий ҳазратлари келгуси маънавий ворисларига шундай васият қилган эканлар:

Ҳақ йўлида ким санга бир
ҳарф ўқутмиш юз ранж ила,
Айламоқ бўлмас адо онинг
ҳаққин минг ганж ила.

Эътибор берган бўлсангиз, ўн етти қаватли улуғвор биномиз ҳам, газета-журналлар таҳририятлари жойлашган янги замонавий бино ҳам, қолган иншоотларимиз ҳам нимаси биландир улкан-улкан китобларни эслатади. Бизни дунёдан воқиф қилгучи газета, журналлар, китоблар эса бугунги кунимизнинг энг нодир маънавий эҳтиёжлари сифатида биз учун ниҳоят зарурдир. Улар жуда катта инсоний заковат, меҳнат, изланиш ва яна ижодий машаққатлар билан яратилади. Одамлар эрта тонгда ҳозиргина босмадан чиққан у ёки бу нашрни қўлга олиб варақлай бошлар эканлар, шу биргина газета саҳифаларида қанчадан-қанча касб эгаларининг меҳнати акс этганлигини гоҳо хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Хиёбонда, қироатхонада, автобус бекати ёки бошқа жойда китоб журнал мутолаа қилаётган кишиларни кўрган матбаачидан бахтли инсон йўқ бу дунёда. Бу — унинг меҳнати, меҳнат машаққатлари. Шу маънода мен «Шарқ» концернимизни яна бир бор маънавият маскани деб атагим келади».

Собиқ иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин матбаа соҳасидаги мавжуд алоқалар ҳам издан чиқди. Қоғоз комбинатлари, матбаачилик учун зарур бўлган хомашёларни етказиб берувчи корхоналар, фабрикалар билан алоқалар деярли тўхтаб қолди, нарх-наво кўтарилди. Натижада концерн олдида жиддий муаммолар вужудга келди. Буюртмачиларни сақлаб қолиш, меҳнат коллективини барқарор иш билан таъминлаш, маҳсулот сифатини пасайтирмаслик раҳбариятдан янгича шароитларда мустақил иш юритиш, фавқулодда муҳим қарорлар қабул қилишни талаб этарди.

Бундай пайтда, одатда, бедор кечалар бошланади. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини яхши билиш ғоят асқотади. Бош директорнинг ташаббуси асосида Англия, Франция, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Австрия каби ривожланган мамлакатлар матбаачилари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, уларнинг тажрибалари чуқур ўрганилди. Ишлаб чиқариш янги, замонавий технологик усулларга кўчирилиб янада такомиллаштирилди. Ҳарф териш жараёни тўлалигича компьютерлаштирилди. Корхонанинг етакчи участкалари ўз касбини пухта эгаллаган, янги шароит талабларига дош бера оладиган малакали кадрлар билан мустаҳкамланди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бағишланган йиғилишлардан бирида Ислом Шоғуломов шундай масалани ўртага ташлади: «Қўлни қовуштириб ўтирадиган замон эмас. Ҳар бир корхона, ҳар бир мутахассис бугунги талаб ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда ишлаши керак. Биргина газета ёки журнал чиқариш билан кифояланиб бўлмайди. Биздаги имкониятларни ишга соладиган бўлсак, харидорбоп, бугун тақчил бўлиб турган жуда кўп қўшимча маҳсулотлар чиқаришимиз мумкин...»

Таклиф кўпчиликка маъқул тушди. Турли касб эгалари, олимлар, мутахассислар, ёзувчи ва журналистлар билан маслаҳат қилинди. Натижада, орадан кўп ўтмай нашриёт тамғаси билан бадиий китоблар, тақвимлар, Ўзбекистонимизнинг бетакрор табиий манзараларини тарғиб қилувчи суратли албомлар, рангли, безакли буклетлар, ёзув дафтарлари, иш столи жиҳозлари нашр этила бошланди.

Катта иш тажрибасига эга бўлган меҳнат коллективига ишонч билдирилиб, концерн босмахонасида республикамизнинг йирик корхоналари акциялари, қимматли қоғозлар, векселлар, сертификатлар, меҳнат дафтарчалари босила бошланди. Уларнинг юксак сифати таъминланди. Бу эса меҳнат жамоаси моддий манфаатдорлигини бир мунча яхшилаш, ноёб мутахассисларни йўқотмаслик имконини берди.

— Буюртма ва зарур ашёлар бўлса, биз йилига 100 минг тонна қоғозни тайёр маҳсулотларга айлантириш, 10 миллион нусхадан ортиқ қаттиқ муқовали, 150 миллион нусхадан ортиқ юмшоқ муқовали китоблар чоп этиш имкониятига эгамиз, — дейди Ислом ака.

Бугунги шароитларда йирик меҳнат жамоаларига раҳбарлик қилиш жуда катта масъулиятни талаб этади. Ишбоши жамоа аъзоларининг иш шароитлари, саломатлиги, моддий манфаатдорлиги билан бир қаторда ўз корхонасининг эртаси, келажаги тўғрисида ҳам тинимсиз қайғуриши керак. Матбаачилик шундай соҳаки, илғор технологияни тинимсиз ўзлаштириб бориш, дунёвий тажрибаларни тинимсиз кузатиш зарур. Ислом Шомуродович айни шундай раҳбарлардан. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан Буюк Британиянинг «Рэнк-ксерокс» компанияси билан ҳамкорликда «Ўзбек нусха кўчириш тизимлари» қўшма корхонасига асос солинди. «Ал-фаросет», «АВЭНС» корхоналари билан манфаатли ҳамкорлик қилинмоқда.

«Шарқ» тўғрисида ҳикоя қилар эканмиз, бу ерда меҳнат қилаётган матбаачилар, ижодкорлар учун яратилган имкониятлар тўғрисида икки оғиз сўзлаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Шаҳар четидаги «Навбаҳор» дам олиш уйи кўпчилик қаламкашларга яхши таниш. Бу ерда самарали меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқариш, зарур пайтларда даволаниш учун барча имкониятлар мавжуд. Концерн тасарруфидаги болалар дам олиш боғларида эса матбаачиларнинг фарзандлари ҳар ёзда мириқиб дам оладилар.

Ислом ака матбаачилик фаолиятидан, ташқари мамлакатимиз маданий-ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этади. Ёшларга ўз тажрибаларини ўргатади, меҳнат жамоаларида маърузалар ўқийди. Бўш пайти бўлди дегунча, қўлига қалам олиб миллий матбаачилигимиз, матбуотимиз муаммолари, истиқболлари тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини қоғозга туширади. Яқинда унинг навбатдаги «Саодат манзиллари» деб номланувчи китоби нашр этилди. Бу китоб республикамизнинг энг кекса ва байроқдор зиё маскани — «Шарқ» нашриётининг тарихи, бугуни ва эртасига бағишланган. Унда муаллиф ўзи учун кўз қорачуғидай азиз бўлиб қолган корхонада кечган йиллари, миллий матбаачилигимизнинг шаклланиши, бу муҳим соҳанинг жонкуярлари тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилади. Орадан ўтган ярим аср ичида бу қутлуғ масканда қанчадан-қанча истеъдод эгалари вояга етганини, кўпдан-кўп шогирдлари бугунги кунда Ватан, миллат манфаатлари йўлида турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётганларини эслаб «Менинг энг катта бахтим шунда», дейди.

Биз ҳам шундай демоқчимиз. Ҳалол, самарали меҳнат ҳеч қачон изсиз кетмайди. Машаққатлар — ўткинчи, ҳасадлар — ўткинчидир. Кимки буни тўғри тушунса, эл-юрт манфаатлари йўлида ҳалол тер тўкса, шубҳасиз унга бахт ва омад эшиклари очилади, элда эътибор топади.

Ислом ака ана шундай, элда эътибор топган инсонлардан.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни компютер цехида

Қутлаймиз!

БИЗНИНГ ЗИЁД АКАМИЗ

Зиёд акани танимайдиган киши топилмаса керак. Гоҳо эрталабданоқ «Алло, Зиёд акангман, яхши мақола ёзибсан, табриклайман», дея энг кенжа шогирдларнинг ҳам кўнглини тоғдек кўтариб юборади. Бемор ҳамкасбини биринчи бўлиб йўқлайди, таниш-билишларини катта-кичикка ажратмай, ҳолидан хабардор бўлиб туради.

Зиёд ёшлигидан мактабда намунали ўқувчи, жамоат ишларининг фаол иштирокчиси, деворий газета муҳаррири, ёшлар сардори бўлди. 1934 йилда Тошкентдаги матбуот техникумида ўқий бошлаган Зиёд Есенбоев зеҳни, идрок-одоби билан ўз дўстлари орасида намунали бўлди. Газета редакциясида ишлаш орзуси уни 1936 йили республика газетачилик мактабига етаклади. У бу мактабни ҳам аъло баҳолар билан тугатиб, Самарқанд шаҳрига, вилоят газетасига ишга юборилди. Тошкентдаги газетачилик мактабида элга таниқли ижодкорлар Асқад Мухтор, Самиғ Абдуқаҳҳор, Мавлон Икром, Юсуфжон Ҳамдамлар билан бирга таҳсил олган ёш қалам соҳибига соҳибқирон Амир Темур пойтахти бўлган улкан шаҳарнинг қайноқ ҳаёти ижодий ғайрат бағишлади. У газета редакциясининг қишлоқ хўжалик бўлимини бошқарди. Бу даргоҳга ўша вақтларда Самарқанд олий билимгоҳларида таҳсил олаётган Шароф Рашидов, Қодиржон Имомов, Уткир Рашид, Насрулло Даврон, Бурхон Турсунов ва бошқа ижодкорлар тез-тез келиб туришарди. Улар билан ижодий ҳамкорлик Зиёднинг қалами чархланишида муайян из қолдирди. У вилоятнинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, газетани янада қизиқарли, ўқишли чиқиши учун куч-ғайратини аямади. Мен ўша вақтда Самарқанд дорилфунунининг талабаси эдим. Шеър ёзиб редакцияга келганимда кўпинча Зиёд Есенбоевни кўриб, у билан суҳбатлашиб турардим. Вилоят газетасидаги ўша пайтлардаги учрашувлар, ижодий ҳамкорликка мана қарийб 60 йил бўлибди. Шунинг учун дўстимнинг улуғ ёшида уни табриклаб, босиб ўтган йўллари ҳақида сўз юритгим келди.

Зиёд Есенбоев 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилди. Тошкентдаги олий ҳарбий билим юрти курсанти бўлди. Иккинчи жаҳон уруши Шарқий Европа томонга бурилганда курсант Зиёд Есенбоев қурол олиб жангга отланди. Фашистлар Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйини эгаллаб Россиянинг ичкари томонларига интиларди. Урушда тўпчилар зиммасида катта вазифалар бўлади. Улар душман тўпланган жойларни, унинг турли техника кучларини яксон этади. Қўшинларнинг олдинга ҳаракат қилишларига йўл очади.

Гвардиячи сержант Зиёд Есенбоев ҳам тўп командири эди. Бу кучли қурол билан Ғарбий, Калинин ва Болтиқбўйи фронтларида қатнашди. Ўша вақтда мен 2-Белоруссия фронтидаги 1-гвардиячи Дон танк корпусида мото-ўқчи батальон командирининг ўринбосари эдим. Бизлар 1944 йилда Белоруссия ва Болтиқбўйи республикаларини озод этиш жангларида бирга қатнашганмиз.

Урушнинг охирида Байкалорти фронтида тўпчи Зиёд ўз шериклари билан жанговар топшириқларни бажарди. 1946 йилда Зиёд Есенбоев жанговар мукофотлар билан уйига қайтди. Биз уруш ва меҳнат фахрийларининг «Оталар жасорати — фарзандлар мероси» деган сўзимиз бор. Бу оддий мақтов сўзлари эмас. Биз бу эзгу сўзларни эл бошига иш тушганда Ватанни ҳимоя қилишни муқаддас билганимиз — умумжаҳоний хавф-хатарларни даф этишга йўл олиб, кўп қурбонлар бериб, тинчликка эришганлигимиз ифодаси деб биламиз.

Уруш тамом бўлганига эллик бир йил бўлди. Зиёд Есенбоев урушдан кейин Юқори Чирчиқ туманида сўнг Тошкент вилояти ташкилотларида хизмат қилди. У азалдан газетачи, матбуот ходими эди. Газета иши унинг ҳаёт йўли эди. 1947 йилда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси редакциясига ишга келди. Ижодий маҳорати, ташкилотчилиги туфайли газета муҳаррирининг ўринбосарлигига кўтарилди. 1954 йилда янги ташкил этилган «Тошкент ҳақиқати» газетасига, кейин «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинланди. У қаерда бўлмасин ўзини матбуот ходими, тарғиботчи деб билди. Кўп йиллар Республика Давлат матбуот қўмитасини бошқарди. Олий Кенгаш депутати бўлди. Республика журналистлар уюшмаси раиси сифатида ёш қалам соҳибларига ғамхўрлик қилди, газета, матбуот ишларини жонлантиришдан меҳнатини аямади.

Таниқли журналист, жамоат арбоби Зиёд Есенбоев бир неча йилдан буён «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаб келяпти. У катта оиланинг отахони, ёш журналистларнинг устози. Уни қаламкаш дўстлари ҳурмат билан «Бизнинг Зиёд акамиз» дейишади. Мустақил она Ватанга хизмат этиш, эл фарзанди бўлиш унинг улкан бахтидир. Отахон ҳамкасбимиз Зиёд Исломовични қутлуғ 75 ёшлари билан қутлаймиз, бардамлик, куч-ғайрат, ижодий баркамоллик тилаймиз.

НАЗАРМАТ,
уруш ва меҳнат фахрийси,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Соҳибқирон ўтган йўлларда

Боши биринчи бетда

асбоб-ускуналари, кийган кийим-кечакларгача намойишга қўйилган эди. Улар орасида катталиги патнисдай, сопи салкам беш газ келадиган кетмон ҳам бор эди. Уни кўтариб кўрмоқчи эдим, сал лофи билан айтганда, ўрнидан ҳам силжита олмадим. Сўнгра гиламдўзлик растасига ўтдик. Гиламлар жуда гўзал ва ўзига хос услубда тўқилган эди. Шунда менинг ҳазилга мойиллигим тутиб «Муродилла ака, бу гиламларни кўрсатишингиздан мақсад битта-яримтасини совға қилар экансиз-да», деб ҳазиллашдим. Муродилла ака эса ҳозиржавоблик билан «Йўқ, сизга бу гиламни эмас, ана шу кетмонни совға қилмоқчиман», деб жавоб бердилар.

Сўнг, мийиғида кулимсираб:

— Ўзи бунақа кетмонни кўтариб кўрганмисиз. Уни кўтара оласизми? — деб сўрадилар.

Мен Муродилла аканинг ҳазилига гап тополмай бошимни қашиб: — Э, ука, уруш йиллари бунақа кетмонлардан нечтасини ишдан чиқарганмиз. Ғўзаям суғорганмиз, ўроқ ҳам ўрганмиз, кетмон деганингизни ҳам чопавериб ерга кириб кетганмиз, — дедим.

Муродилла ака қўлини силтаб қаҳ-қаҳ отиб кулдилар.

— Э, Одил ака, сиз ветеранларнинг мана шу одатингизни кўп хушламайман-да! Биз нима демайлик, сизлар гапни уруш йилларига буравесизлар. Ундоқ қилганмиз, бундоқ қилганмиз, керилганларинг-керилган. Мен шу бугунни айтаяпман. Шу бугун бу кетмонни кўтара оласизми, йўқми? Ерингиз, экинингиз борми, ўзи?

— Бор, — дедим бўш келмай. — Ҳовлимда бир-икки сўтих ерим бор. Гул экиб, райҳон экиб, гулзор қилиб қўйибман.

Директор яна хо-холаб кулди:

— Икки сўтих? Шу ҳам гулзор бўлди-ю! Мана, укангиз Муродилла салкам 1500 сўтих қақроқ ерни ўзлаштириб, бепоён бир боғ яратиб қўйибди. Мана буни иш деса бўлади!

— Гапни олиб қочишда сизга етадиганини кўрмаганман, — деб кулдим мен ҳам, — 1500 сўтих! 150 гектар, деб қўя қолинг-да, ука!

— Озми, — деб ўдағайлади Муродилла ака.

— Оз эмас. Лекин бир ярим минг сўтих дейилмайди-да, — дедим мен.

Кулишдик.

Кейинроқ хўжаликнинг муҳташам саройида бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган (бу мажлисда Қарши университетининг домлалари, Тошкент ва Қаршидан келган машҳур тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этдилар) илмий анжуман тугагач, биз хўжалик раҳбари гердайиб айтган ўша боғни бориб кўрдик. Фақат боғ эмас, бобомиз таваллудига аталган бошқа иншоотларни, кексалар учун қурилган чойхона ва оромгоҳларни — ҳаммасини айланиб чиқдик. Қашқадарё воҳасининг энг чеккасида шундай улкан ишлар бўлаётганидан чексиз қувондик, уларни ҳаяжон билан томоша қилдик, бу иншоотларни барпо этган қўли гул усталар, меъморлар, қурувчилар ва деҳқонларга минг йил умр тилаб, дуо қилдик. Лекин, ростини айтсам, бари бир энг катта таассурот қолдирган 1500 сўтихлик боғ бўлди.

Билмадим, нега, Раҳматлик бобомлар (илоё жойлари жаннатда бўлғай!) гарчи шайх сифатида ҳурмат топган бўлсалар-да, бутун умр деҳқончилик қилганлар, қора меҳнат билан кун кечирганлар, эҳтимол, шунинг учундир, боғдан гап кетса эриб кетаман. Ижодимнинг катта бир қисми ҳам улкан ва гўзал боғ яратган миришкор инсонлар ҳақида.

Ёдимда бор: бир сафар Чимкент вилоятининг Қорамурт деган қишлоғига сафар қилдик. Шунда, ўша қишлоқнинг тоғ ёнбағирларида 500 гектардан кўпроқ кўркам боғ яратган бир хўжалик раҳбари билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Унинг боғи шундай бекиёс, шундай кўркам эдики, мен ўша кечасиёқ боғ-шийпонида ётиб, бир саҳифалик очерк ёздим. Энг муҳими, бу боғ ва уни яратган инсон ҳақида ёзилган бу очерк ўша маҳалларда собиқ иттифоқнинг энг машҳур нашрларидан бири ҳисобланган «Литературная газета» саҳифаларида эълон қилинган эди.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб кетишни истардимки, сўнгги бир-икки йил мобайнида буюк бобомиз таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Қашқадарё воҳасида жуда кўп боғроғлар яратилибди. Мени энг кўп хурсанд қилган нарса шу бўлдики, ҳозир воҳада вилоят ҳокими Озод Фармонов, Усмон Юсупов тумани ҳокими Ёрқул Турсунов, Яккабоғ тумани ҳокими Холмурод Раҳмонов сингари кўп раҳбарлар боғ яратишдек савоб ишларга енг шимариб киришибдилар. Тоғ ён бағирларида янги мевазор ва арчазорлар пайдо бўлибди.

Бу гапларни эшитиб, бир он кўзимни юмиб бугунги гўзал воҳанигина эмас, унинг бундан ўн йил кейинги манзарасини кўз олдимга келтирдим. Ҳаммаёқ боғ: бодомзор, шафтолизор, анорзор, ўрикзор, тутзор, ёнғоқзор (мен ҳозирча ўзим энг яхши кўрадиган дарахтларнигина санадим). Хурмо ва узум ҳам «хафа» бўлиб қолмасин, уларга ҳам эътибор катта. Ўйлайманки, агар тоғ ёнбағирларига хурмо ва майизбоп узум навлари экилса, Қашқадарё майизи Фориш майизларидан ўтиб кетарди. Шу маънода каминанинг бу камтар очеркига Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари ҳокимларининг ҳам кўзи тушишини истардим. Жуда-жуда истардим.

Қаранг, бир кунлик таассуротимиз қанча бўлибди! Сафаримизнинг иккинчи куни яна бобомиз шарофати билан Қарши педагогика билим юртида бўлиб, жаноб соҳибқирон руҳини шод этадиган дилбар бир учрашувда иштирок этдик. Афсус, минг афсус, газета ажратган бир парча жойда Қашқадарё водийси, унинг пок, ҳалол ва меҳнатсевар кишилари, олимлари, зиёлилари тўғрисидаги дил сўзларимни ҳаммасини айтишга ожизман.

Барча газеталарга юққан бир дард бор. Кафтдай жой ажратадилару юзларча одамларнинг «ёрқин ва улуғвор образлари»ни яратиб берасиз, деб талаб қўйишади. Шунда ичингда «Э, муҳаррир ука, менга берган кафтдай жойингда юзлаб эмас, битта ҳақиқий инсоннинг образини яратиб кўргин-чи», деб ҳайқиргинг келади. Лекин ҳайқирганда нимани ютасан?! Ўша газетадан берилган кафтдай жойдан ҳам маҳрум бўласан. Агар газета муҳаррирининг қаҳри келиб, менинг бу гапларимни қисқартириб ташламаса, мен техникум ҳақида ҳозир ярим саҳифа нарса ёзган бўлардим. Чунки бу техникум шундай мақтовларга сазовор.

Агар янглишмасам, 1929 йили бу билим юртига бободеҳқон раҳнамомиз Йўлдош Охунбобоев ташриф буюрганлар. Ўтмишда бу даргоҳда Раҳмонқул Қурбоновдек улкан давлат арбоби сабоқ берганлар. Жуда кўп атоқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар ушбу билим юртида илм олиб, бутун республика олдида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганлар.

Ҳуллас, каминанинг айби билан эмас, жаноб муҳаррирнинг айби билан техникум ҳақидаги ҳикояни тугатиб, Яккабоғга ўтаман. Ўзбек диёрида Яккабоғни севмайдиган, унинг кўркам боғлари, тоғ ёнбағирларидаги поёнсиз арчазорлари, саратонда ҳам яшнаб турадиган қир ва адирларини кўришни орзу қилмайдиган инсон йўқ бўлса керак. Наинки, мендай ожиз банда, балки ярим жаҳонни забт этган бобомиз соҳибқирон Амир Темур жаноблари ҳам узоқ сафардан ҳориб-чарчаб қайтганларида Яккабоғ тоғларида ором олганлар.

Мен гоҳо-гоҳо бир зум кўзимни юмиб, ўша кўркам манзараларни нигоҳим олдига келтиришни яхши кўраман: тоғ ёнбағридаги арчазор орасида кўк, яшил, аксари олтиндай товланган улкан саропардалар. Улар атрофида оёқ учида юриб хизмат қилаётган бўз йигитлар, нозик, хипчабел келинчаклар. Ер қаъридан қайнаб чиққан булоқлар бўйида бутун-бутун нимталар, от, ҳатто туялар солиниб, биқирлаб қайнаётган дош қозонлар. Мешлардан сувдек оққан қимиз ва қимронлар... Бу қимизлардан булбулигўёга айланган хонанда, созанда ва машшоқлар. Улардан йироқроқда, қорли чўққилар тагида тулпорлар тепишган, улар атрофида оқ биялар ва оқ қулунлар чопишган, кишнашган...

Буни кўз олдимга келтираман-у, ичимда «Ёпирай», дейман ўзимча. Бу саҳий тупроқ ва унинг бешигини тебратган, юзларча, мингларча қабилаларнинг нифоқу низоларига чек қўйиб, улуғ давлат барпо этган бобомиз нақадар бахтли инсон бўлган! Мана, бугун у зоти шарифнинг узоқ набираси Ислом Каримов бобомиз руҳини шод этмоқ азмида нақадар катта ишлар қилмоқда.

Мен башоратчи эмасман, лекин оддий бир инсон бўлганим ҳолда ҳам башорат қилиб айтишим мумкин: боболаримиз руҳини шод этиб, улар номига поёнсиз боғлар яратаётган, ҳайкаллар ўрнатаётган, тарихий ҳақиқатни тикловчи ҳар бир асарга юксак баҳо бераётган юртбошимизнинг иззат-эътибори бобомиз иззат эътиборига уланиб кетиши шак-шубҳасиз.

Йигирманчи асрнинг касали — вақт ҳамиша зиқ. Биз бобомиз тулпорлари тепишган, кишнашган, ҳайқирган чўққиларга, минг афсуски, чиқа олмадик. Лекин бу чўққилар пойидаги шифобахш бир булоқ ёнида бир қанча яхши одамлар билан суҳбат қурдик. Шулардан бири — ҳали айтилган булоқнинг ноёб фазилатлари ҳақида маълумот тўплаб, яхши шифохона қурмоқчи эканлар. У кишига: яхши ният қилибсиз, ниятингиз йўлдош бўлсин, орзуингизга етинг, дея яхши тилак билдирдик.

«Ҳисор» йилқичилик хўжалигининг раҳбари Самадулла Сафаров билан ҳам гурунглашдик. Хўжаликда саккиз минг йилқи бор экан. Буни эшитиб бениҳоя қувондик. Ҳануз эсимда: болалик пайтларимда мен туғилиб катта бўлган Қарноқ деган тоғ қишлоғида ҳар уйда битта от ёки бия бўларди. Мен бу бияларни, айниқса, жажжи, ўйноқи қулунларни ўз укаларимдек севардим. Улар ҳам мени яхши кўришган бўлса керак, бошим, юзим демай ялаб-юлқаб ташлашарди.

Минг афсуски, кўп ишлари билан халқ меҳрини қозонган бўлса-да, битта ножўя иши билан эл қарғишига учраб кетган Хрушчев даврида йилқичиликка қирғин келди. Йилқи гўштига бошқа гўштлар ҳам қўшилиб, «Дружба» колбасалари тайёрланди. Хрушчев йилқидек гўзал, йилқидек кўркам, фариштадек тоза жониворнинг қадрига етмади. Ўйлайманки, шунинг учун ҳам ўша, болалик пайтларимда суйган тойчоқлар, оқ биялар, осмонга сапчиган тулпорлар қарғишига дучор бўлди.

Ҳар сафар мен бу ҳақда хаёл сурар эканман, ҳар бир раҳбар, айниқса, катта раҳбар бирор катта ишга қўл ураётганида етти ўлчаб бир кесиши лозимлигини қайта-қайта кўнглимдан ўтказаман.

Биз хўжаликнинг ёш раҳбари Самадулла укамизни бир биянгиз юзта бўлсин, юз биядан мингта қулун олинг, деб дуо қилдик. Дуоимиз маъқул тушди шекилли: «Бир ойдан кейин келсаларингиз, оғиз-бурнингиздан чиққунча қимиз ичасиз», деб ваъда қилди. Биз эса, ёш директорнинг бу гапидан қимизга тўйгандек яйраб кетдик.

* * *

Саёҳатимиздан бир-икки ҳафта кейин Қашқадарё водийсига юртбошимиз Ислом Каримов сафар қилдилар. Оммавий ахборот воситалари, ойнаи жаҳон орқали кўриб турдик. Юртбошимиз сафари ниҳоятда самимий, дўстона руҳда ўтди. Халқ билан бўлган суҳбатлар худди ота-болалар орасида бўлгандай ўзгача бир самимият ва ошкора руҳда ўтдики, телевизор бизни бунга гувоҳ қилди. Шунда мен ўз сафаримиз ҳақида ўйладим. Сафар пайтида ҳамсуҳбат бўлган ниҳоятда дилкаш, беғубор инсонларни эслар эканман, Президентимиз бу диёрга беҳуда меҳр қўймаган бўлсалар керак, деган фикр такрор-такрор кўнглимдан кечди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори

ЭРКИНЛИК ҲУҚУҚИ ВА АДАБИЁТ ҚИСМАТИ

БАҲС

Инсон учун мутлақ англанган ҳеч нарса бўлмаганидек, доимий англанмайдиган ҳеч нима йўқ. Инсон ўзини нечоғлик яхши англаса, дунёга шунчалик кенг ва хотиржам нигоҳ билан назар ташлайди. Бунинг учун эса ишни ўзни кузатувдан бошламоқ керак. Ўзни кузатишга нисбатан ўзгаларни кузатиш кўп карра осон ва ўнғай. Акс ҳолда инсон фарзанди бошқаларнинг қусур ва камчиликларини кўришдан бунчалик мароқланмас ва ўзининг Шахси билан боғлиқ ўткинчи манфаатлар муҳофазасига бунчалик кўп куч сарфламасди. Дунёда нима яхши, нима ёмон — ҳаёт учун бунинг аҳамияти йўқ. Тўғри нимаю нотўғри нима — ҳаёт бу билан қизиқмайди. У яхшилик томонга ҳам, ёмонлик йўналишида ҳам деярли теппа-тенг ҳаракат қилаверади. Алишер Навоийнинг:

Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда —

деган эътирофи замирида ҳам айни шу ҳақиқат мавжуддир.

Ҳаёт сохтакорликни ёқтирмайди. Сохтакорлик қилишмаса одамлар гўё бир-бирига ёқмайди. Бир-бирининг кўзига қараб алдаш, авраш, чиройли ва ширин сўзлар билан мунофиқлик қилиш одам қавми учун ёзилмаган бир қоида. Мустабид тузум ҳукмрон бўлган даврларда бу «қоида» шу даражада кенг томир ёзган эдики, ундан халос бўлиш жуда оғир кечаётир. Миллат онги ва ахлоқини бундай иллатлардан поклаш учун, энг аввало, адабиёт тилёғламалик ва ёлғондан тозаланмоғи керак. Ҳозир бунга имкон ҳам, шароит ҳам бор, албатта.

Биз давлат Мустақиллигига эришгач, узоқ йиллар англанмаган ва англаш имтиёзлари чеклаб-чегараланиб ташланган буюк ҳақиқатлар, миллий қадриятларни англаш ва ақлий имкониятимиз етгунга қадар уларни чуқур идрок қилиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Лекин бу гал ҳам ақлимизни зиддият туғёнлари тарк этмади. Холис таҳлилий фикрлар билан эмас, танқидий найзабозликлар билан майдонга чиқишлар кўпроқ кўзга ташланади. Янада афсусланарлиси, йигирманчи йиллардаёқ «қораловчи»лик ва «оқловчи»лик вазифасини зиммасига олган адабий танқид ва адабиётшунослик ўтмишда йўл қўйилган қўпол хатоларидан яна хулоса чиқара олмади. Классик адабиётимизнинг ажралмас қисми бўлган диний-тасаввуфий ижод намуналари, миллатчиликда айбланган Чўлпон, Фитрат каби шоиру ёзувчиларнинг асарлари ёппасига қандай қораланган бўлса, шунга яқин тарзда совет даврида яратилган ўзбек адабиёти намуналарини инкор айловчи фикр-мулоҳазалар илгари сурилди.

Дунёда энг осон иш — инкор этиш. «Йўқ!» — дейилдими, бўлди — масала ҳал. Ижодкорнинг хизматини бир пул қилишнинг бундан қулай усулини топиш қийин. «Йўқ, бўлмайди!» — дейиш — сўнгги ҳукм айтилди демак. Аммо қуруқ инкордан ҳеч фойда чиқмайди. Бўлар-бўлмасга ўтмишни айблаш ёки инкор қилиш, истанг, истаманг, кучни беҳуда сарфлашга маҳкум этади. Ўтмишдан хато ахтаришдан янги хатолар юзага чиқади. «Тарих — бу ҳали жавоби топилмаган ва гап билан эмас, балки айни воқеликнинг ўзи билан ҳал бўладиган буюк саволдир...», — дейди ғарб файласуфларидан бири. Биз эса янги воқеликнинг талаб ва эҳтиёжларини саёз англаб, тарих аталмиш «буюк савол»ни гап билан ҳал қилишга уриниб ётибмиз. Ҳолбуки, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётнинг барча жабҳасида бўлганидек, мустақиллик мафкураси адабиётга муносабатда ҳам тубдан эврилиш ҳосил қилишга улгурди. Бу ҳақиқатни билмоқ, унга тўла тан бермоқ учун фақат янги ғоя, янги ақлий қувватга таянмоқ лозим. Кўпчилик илм ва ижод аҳлига айни шу салоҳият етишмаётганлиги кундан-кун равшанлашиб бормоқда. Эҳтимол, буни ҳам табиий ҳол деб билиш керак бўлар. Чунки психологларнинг текширишларига кўра, инсон қирқ ёшда ҳис қилишдан, олтмиш ёшдан ўтгандан сўнг янгича фикр юритишдан тўхтар экан. Ижодий шахсият ва ижод қонуниятларини тадқиқ этган канадалик олим Ганс Селье эса «Орзудан кашфиётга» номли китобида: «Эллик ёшга етгандан сўнг инсонда деярли янги ғоя бўлмайди, яъни у ўзини ўзи такрорлашдан нарига ўта олмайди», дейди. Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Аммо адабиёт оламида уни тасдиқлайдиган далиллар тез-тез учрашини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Шўро даври адабиёти, хоҳлаймизми, йўқми, қуллик, қарамлик ва зўравонлик даври адабиёти. Собиқ совет иттифоқининг бирор-бир жумҳуриятида, хусусан, ўттизинчи йиллардан кейин адабиёт соф санъат қонуниятлари асосида ривожланмаган. Бунинг учун ижодкорни эмас, эркин ижод ғаними бўлган мустабид тузумни қоралаш керак. Мен совет империясининг маккорликлари ҳақида ўйлаганимда Шарқ ривоятларидан бири ёдга келаверади. Унда нақл этилишича, бир сеҳргар бойнинг кўп қўйлари бўлган экан. Лекин бой ўлгудай хасис бўлиб, пул сарфлаб чўпон сақлашни ҳам, кўра қуришни ҳам истамаскан. Шунинг учун қўйлари гоҳ даштга, гоҳ жарларга улоқиб йўқолавераркан. Қизиғи шундаки, қўйлар сеҳргар бойга фақат гўшт билан терилари кераклигини сезган кундан бошлаб ёппасига қочадиган бўлишибди. Бой ҳам бунга қарши чора ахтара-ахтара ниҳоят қўйларни сеҳрлашга қарор айлабди. Ва энг аввало, қўйларнинг абадий умр кўриши, териларининг шилиниши бунга мутлақо зиён етказмаслиги, аксинча, ҳаётлари учун фақат фойда эканлигига ишонтирибди. Иккинчидан, қўйларга дунёда уларнинг хўжайинларидан меҳрибонроқ, ундан саховатпеша ва ғамхўр хўжайин йўқлигига ишонч ҳосил қилдирибди. Учинчидан, бирор-бир мусибат ёки кулфатга йўлиқишса, бу тўғрида заррача ҳам ташвиш чекмасликка ўргатибди қўйларни. Ниҳоят, улар шунчаки оддий қўймас, бирлари — шер, бошқа бирлари — бургут, яна бир қанчалари — инсон, бир тоифалари — афсунгар деган тасаввурни пайдо этибди. Мана шундан сўнг сеҳргар бой барча ташвишлардан халос бўлибди: қўйлар эса ҳеч қаёққа қочмайдиган, гўшт ва терилари хўжайинга керак бўладиган «қутлуғ» кунни бамайлихотир, ҳеч қандай азият чекмасдан, норозилик кўрсатмасдан кутадиган бўлишибди. Бизнингча, ушбу ривоят шўро тузуми зулми остида кун ўтказган мазлум халқларнинг қисмати ва ҳолатини жуда яхши изоҳлайди. Совет мафкураси — макр, сеҳр ва риёкорликларга асосланган ғайриинсоний мафкура эди. Совет сиёсати — инсонни ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам фикрий озодликдан маҳрум айлайдиган, қулнинг ўз қуллигини идрок этишга сира имкон қўймайдиган сиёсат эди. Шундай мафкура ва сиёсатга бўйсундирилган адабиётнинг аҳволи ва тақдирини энди ўзингиз тасаввур қилаверинг. Шунинг учун айрим ёзувчилар «қўй»ни «арслон», «чумчуқ»ни «бургут» қилиб тасвирлашни санъат деб тушунишган. Ва шу ишни астойдил бажаришга уринганлар. Ҳаёт ва воқеликдан йироқ китобий ҳақиқатлар билан ўқувчиларни алдаш — умумий мусобақа мақомига кўтарилган. Бундан нега кўз юмиш керак? Аксинча, басират кўзини каттароқ очиб, фожиани ҳар томонлама, чуқур ва тарихий миқёслари билан мушоҳада этмоқ керак. Бу миллий мафкура тамалини мустаҳкамлаш учун ҳам, янги адабиётимизнинг нуқсонсиз шаклланиши учун ҳам жуда зарурдир.

Маълумки, Платон коллективизм деган тушунчанинг дунё тарихидаги биринчи назариётчисидир. У ўзининг «Республика» номли асарида идеал жамият қуриш, бу жамиятда қандай қонун-қоидаларга амал қилиш ва унинг қандай ижтимоий қатламлардан таркиб топиши ҳақидаги қарашларини баён этган. Юнон олими назарда тутган утопик жамият — ҳамма бир хилда фикрлайдиган, ҳеч кимнинг иқтисодий турмуш тарзи бошқа ҳеч кимникидан фарқланмайдиган, эркинликда эмас, тобелик ва қарамликда одамлар ўзаро жипслашадиган, хуллас, битта қолипга мослашишга мажбур этадиган жамият бўлган. Бу жамиятда Платон ҳаммага ўрин белгиларкан, шоирларга ўрин ажратмайди ва қатъий қилиб: «Бу жамиятда шоирга жой йўқ!», деган экан. Нима учун у шоирга бунчалик ўгай назарда қараган?

Бунинг сабаби оддий: чин шоир Платон кўзда тутган «тенглик»ни эмас, ҳар бир шахс эрки ва фикр мустақиллигини ёқлайди. Ҳақиқий шоир доимо буюк исёнкордир. Рамағида жони бор экан, у одамларга «Кишан кийма, бўйин эгма!» — деб ўргатади. Бу эса зўрлик ва мутелик атрофида бирлашувга тамоман зиддир. Қарангки, Платоннинг утопиясини октябр тўнтариши воқеликка айлантирган. Мана шунинг учун собиқ совет иттифоқида энг улуғ шоирлар, ҳақгўй адиблар қирғин қилиниб, қувғинга учраши тасодифий ҳодиса эмас экан. Бу фожиа ва қабоҳат тўғрисида собиқ совет иттифоқидан бошқа ҳамма эркин мамлакатларда гапирилган ва ёзилган. Ҳиндистоннинг улуғ файласуфи ва илоҳиётчиси Шри Ражниш бу ҳақда шундай дейди: «Россияда шеърият ўлди. Бу — инсониятнинг энг улкан йўқотишларидан бири эди... Хитойда шеърият ўлик, чунки шоирлар сиёсатчига айланишган. Уларга мукофотлар беришади, уларни эъзозлашади, катта-катта лавозимларга қўйишади. Лекин булар битта шарт билан — Эрк ва Озодлик шоири бўлмаслик шарти билан қилинади. Улар қуллик шоирларига айланиб, ҳар турли хизматларни бажаришга маҳкумдирлар. Аммо ҳақиқий шоир шеъриятдан бошқа ҳеч кимга хизмат қилмайди. Шоирни ёзишга ва куйлашга ундайдиган ягона сабаб бор. Бу — ғоя ва ғараздан йироқ соф санъат талаби эрур».

Дарҳақиқат, инқилоб «соф санъат» эҳтиёжининг илдизига болта урди. Шеърият ўзининг олий мақомидан маҳрум бўлди. Руҳониятсизлик адабиётда ҳам табиий ва одатий ҳодисага айланди. Халқчиллик маслагининг ўрнини оломончилик эгаллади. Классик меросни ўқиб-ўрганишда ботиний бир турғунлик бошланди. Ва у ҳанузгача давом этиб келмоқда. Шунинг учун, айтайлик, бугунги шоир Алишер Навоийнинг:

Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қанотим бор,
Қанотим қуйса учмоғдин, югурсам то ҳаётим бор —

байтидаги моҳиятни шу қадар жўн тушунадики, ҳатто уни нотўғри талқин қилишдан ҳам хижолат чекмайди.

«Соф санъат» соддаликка интилмайди. Балки ҳар қандай мураккабликни соддаликка таслим қилади. Унинг тили — рамз ва мажоз тили. У тимсоллардан тилсим яратади. Бу тилсимни кашф этиш доимо сирли кечади. Чунки ўртадан тимсол пардалари кўтарилгач, Сиз янги бир оламга — Руҳоният ва Сир оламига юзма-юз келасиз. Илоҳий Гўзалликдан завқланиш ана шундан бошланади. Кўз ўнгингизда борлиқ-оламнинг ранглари ўзгаради. Атроф-муҳитда янграётган сўзлар шовқинидан фориғ бўласиз. Аста-секин Ҳайрат водийлари чирой кўрсата бошлайди. Ўз-ўзидан ботиний, яъни руҳий фаоллик кучаяди. Кўнгилни шуҳратпарастлик, обрўсеварлик, манманлик, худнамолик майлларидан поклашга қаттиқ эҳтиёж уйғонади. Абадият, буюклик, олижаноблик баҳсидаги ҳар қандай қуруқ сафсата соф гўзаллик ҳавосидан эркин нафас олишга халақит беради. Бунинг билан Сизнинг «оғирингиз» енгил бўлмайди, албатта. Аксинча, қалбдаги дард ва қайғу майдонлари кенгаяди. Чунки, рус файласуфи Н. Бердяев айтганидек, «Юксак руҳоний ҳаётни, руҳнинг олий талаблари ва руҳоний маърифатни бу дунё жуда осон инкор этади. Булар унга кераксизлиги ва дунёни қуриш ишларига халақит беришини сўзлашни дунё яхши кўради. Ва буни у минглаб, миллионлаб овозлар орқали, ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам баралла эълон қилади». «Соф санъат» хизматига ўзни бағишлашнинг бир қийинчилиги ҳам мана шунда.

Ҳеч бир соҳада, жумладан, адабиётда ҳам эскича қараш ва қотиб қолган ақидаларга таяниб янги иш қилиб бўлмайди. Агар бир-бирини мақтаб, «кўкларга кўтаришдан адабиётга манфаат етганда эди, ҳозир ўзбек адабиётидан кўра тараққий топган адабиёт бўлмасди. Мен адабиётимизни камситмоқчи эмасман. Унинг ўзига муносиб обрў-эътибори, ютуқлари бор. Адабий танқид ва адабиётшуносликда ҳам диққатга молик ишлар мавжуд. Балким ўн йил ўтар, ўн беш йил ўтар, лекин эртанги адабиёт — бошқа адабиёт бўлади. Ва шўро замонида бадиий ижодда эришилган кўп тажрибалар уни қаноатлантирмаслиги аниқдир. Шунинг учун қайси йўналиш ёки жабҳада бўлмасин, қанчалик оғир ва аччиғлигидан қатъи назар, ҳақ сўзни, турғунлик ва ғафлат рутубатини қувадиган рост фикрни айтмоқ жоиздир. Шу маънода домла О. Шарофиддиновнинг ушбу газетада босилган (1996 йил, 26 апрел) суҳбатидаги «Ўз вақтида танқидчидан мустақил илмий-назарий дунё яратиш талаб қилинмаган. Унинг елкасидаги асосий вазифа асарни оддийгина шарҳлаш эди. Аниқроғи, ёзувчи ва шоир истеъдодини собиқ совет мафкурасига хизмат қилишга мослаштириш эди. Кўпинча танқидчилар бир-биримизни мақтаб, фалончи адабиётшуносликда мактаб яратди, деймиз. Бекор гап. Ёлғон. Жаҳон эстетикасида янги саҳифа дейишга арзигули мактаб яратган ўзбек адабиётшуноси борлигини билмайман», деган сўзларини оғринмасдан қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Агар адабиётшуносликда чиндан ҳам мактаб яратилганда, ишни у гўзаллик ва нафосатни идрок этишнинг ибтидоий сирларини очишдан бошламасмиди? Ёки адабиётнинг асл моҳияти, миллат тақдиридаги ўрни ва асосий вазифаси ҳақида холис қарашларни баён этмасмиди?

Экзистенциализм таълимотининг асосчиларидан бири Сёрен Киркегорнинг белгилашича, «Гўзаллик ёхуд нафосат одами» — лаҳза одами. У лаҳзада яшайди, лаҳзани ўзиникига айлантиради ва ундан руҳан ҳузурланади. Лекин бу ҳузурланиш унга тўхташ имконини бермайди, балки навбатдаги ҳар бир лаҳзага эркинлик билан ҳукмрон бўлишга даъват қилади. Лаҳза билан ички алоқа ўрнатиш, гўзаллик сирларини лаҳза «чегараси»да кашф этиш аслида тасаввуф аҳли, хусусан, сўфий ёки дарвештаъб шоирларга хос «тажриба». Шарқнинг ҳақиқий руҳониятчи шоирлари лаҳза шавқи, лаҳза сурури билан яшаган ва аксарият шеърларида лаҳзада туғилган ҳолат ва ҳақиқатларни тасвирлашган. Ҳозир «лаҳза файзи», «лаҳза шукуҳи», «лаҳза фалсафаси»ни илғайдиган шоирлар бармоқ билан санарли. Руҳни қувнатиб, кўнгилни суяйдиган сатрлар сийрак учрайди. Бир пайтлар Ф. М. Достоевский улкан рус шоири А. Фетнинг «Диана» номли шеърининг охирги байтини таърифлаб, «бутун бошли миллий шеъриятимизда шу икки сатрдан кучлироқ, ҳаётийроқ ҳеч нимани билмаймиз», — деган экан. Шарқда бундай байтлар — «шоҳбайт» дейилган. Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир шеърларида тез-тез учрайдиган шоҳбайтлар қани бугун? Топиш мушкул уларни.

Хуллас, йигирманчи аср ўзбек адабиётининг хоҳ олдинги, хоҳ кейинги даврларда яратилган ижод намуналари хусусида фикр юритганда сўз санъатининг боқий талабларига асосланиб ҳукм чиқаришга интилмоқ керак. Шунда баланд-паст гаплар, бирёқлама баҳолар барҳам топади. Истеъдодсизга истеъдод ато этиб бўлмаганидек, бадиий қуввати суст, руҳан ўлик асарларни ҳам тирилтириб бўлмайди. Истеъдодсиз битилган ҳар қандай асар унутилиш «қабристони»га кўмилишга маҳкумдир. Бу — бандасининг хоҳиши биланмас, Вақтнинг ҳукми билан амалга ошадиган бир иш эканлигини унутмаслик лозим. Худди шунингдек, истеъдод ёлқинини ўзида мужассамлаштирган асарлар қанчалик таҳқирланиб, ерга урилмасин, улар барибир яшаш ва яширин сирларини ошкор қилишда давом этаверадилар. Шу даъвонинг тасдиғи учун кичик бир далил келтирмоқчиман.

Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» шеъри — шеъриятимиздаги машҳур шеърлардан бири. Шеър ўзининг ички ҳақиқатлари ва бадиий бўёқларини ўзгартиргани йўқ. Ҳаммамиз яхши биламиз «Ўрик гуллаганда» манзара тасвири билан бошланади:

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...
Новдаларни безаб ғунчалар
Тонгда айтди ҳаёт отини...

Бу ҳақиқатда сўздан яралган гўзал бир сурат. Ҳеч бир мафкурага алоқаси йўқ унинг. Лекин илмда шеърнинг бош пафоси ва умумий ғояси «инсоний бахт ва шодлик манбаи бўлмиш совет воқелигини улуғлаш» деб таърифланган. Майли шундай бўлган ҳам дейлик. Агар қийғос гуллаган «ўрик»ни бахт ва совет тузуми бахшида этган бахтиёрлик тимсоли дея тасаввур қиладиган бўлсак, «илк саҳар»да «гулнинг тотини» юлқиб кетган «шаббода» ниманинг тимсоли?

Ва шаббода қурғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини.

Завқдан кутилмаганда кўчиш эмасми бу? Наҳотки, алам ва армон туйғуси сезилмаса бу «хабар»дан? Қолаверса, «гулнинг тоти», яъни «моҳияти»ни олиб кетиш бир баҳордамас, ҳар баҳорда такрорланган:

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.

Шоир эса ҳар баҳорда шундай бўлиши ва ҳар кўклам шундай ўтишини истамайди. Бироқ ички истагидан устун ташқи кучга ён беришга мажбур. Оғир алданишларни чуқур англаган ва ҳис қилган шоиргина:

Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади —

демоққа қодир. Ҳа, у «Еллар» фақат беормас, алдоқчи ҳамдир. Уларнинг беорлигида алдаш, алдоқчилигида беорлик акс этади. Бундай ҳодисанинг бахтга нима алоқаси бор? Бунда бахт шунчаки хаёл. Шу боис шоир алоҳида таъкид билан «Хаёлимни гулга ўрайман», дейди. «Беор еллар» образи таркибига сингдирилган маънодан яланғоч бир хулоса чиқармоқчи эмасмиз. Аммо Абдулла Ориповнинг:

Шамоллар эсгандир ушбу дунёда,
Шамоллар гоҳ қуюн, гоҳида довул.
Улар гоҳ ошкора, гоҳо рўёда,
Қанча бўстонларни совурган буткул —

деган фикрларига ишониб, Ҳамид Олимжон кашф қилган «беор еллар» ҳам бўстонларнинг файзу таровматини юлқиб, боғлар кўркини ўғирловчи «ЕЛЛАР» эди деса бўлади.

Демак, улкан истеъдод энг қийин вазият ва мураккаб шароитларда ҳам барибир ҳақиқатга содиқ қолади. Қай йўсинда бўлмасин, асосий фикр ва туйғуни изҳор айлашга йўл топади.

Эркинлик ҳуқуқи — адабиёт учун ҳам бош ҳуқуқ. Адабиётимиз шу ҳуқуқдан маҳрум этилган даврларда яшаб, ижод этган ҳақиқий истеъдод соҳиблари «Лабда табассуму кўзда ёш билан» қалам тебратганларини ҳамиша эсда сақлашимиз зарурдир.

ТОПҚИР ШОИР ЭДИ



Юсуф Шомансур ўз овози, ўз услубига эга талантли, жўшқин шоир эди. У эллигинчи йилларда адабиётга кириб келди. Ўқувчилик йилларида домла Ғайратий раҳбарлик қилган адабиёт тўгарагига қатнашди. Бу ерда у Эркин Воҳидов, Хайриддин Салоҳ, Сайёр, Анвар Эшонов каби ижодкорлар билан танишиб, ижодий мунозараларга киришди, изланди, тажриба орттирди.

Юсуф Шомансур ўз ижодини болаларга шеърлар ёзишдан бошлади. 1957 йили илк китоби «Горн садоси» босилиб чиқди.

Юсуф ака сермаҳсул ижодкор эди. Қорачадан келган, жиккаккина, бурундор, кўринишидан жуда ҳаракатчан... Ёзувчи Саид Аҳмад бир йиғинда: «Дунёда чиройли одам иккита бўлса, биттаси мен, биттаси Юсуф», деб таъриф берганди. Юсуф ака — қариндошимиз, кўп йиллар бирга яшаганмиз, умрининг сўнгги кунларигача фикрдош, яқин эдик. Кўп шеърларининг ёзилиш тарихидан хабардорман. Юсуф аканинг ижод қилмаган куни йўқ эди, шеър ёзмаса туролмасди. Заҳматкаш, тинмай изланувчан, топқир шоир эди. Ярқ этган янги гап, янги қофия, оҳорли бир ташбеҳ доимо шеърларига жило бериб турарди. У ҳар лаҳза ижод масъулиятини ҳис этиб яшади:

«Она тилим, шоирингни қойиғин, гоҳ ғажидим сўзларингни аррадай».

Чорак асрлик меҳнат ва илҳомнинг меваси бўлмиш «Шеър дардида», «Юрагим», «Меҳрингга тўймайман», «Лирика», «Қуш юрак», «Табассум», «Қалам ва умр», «Қор ва баҳор» каби йигирмадан ортиқ китоблари уни элга танитди. Уларда ўқувчини ҳаяжонга соладиган, эзгу ҳиссиётлар уйғотадиган, яшашга иштиёқ, завқ-шавқ қўзғатадиган шеърлар кўп...

Шеърим, томчи бўлсанг
қилмасман армон,
Сендан баҳра олса бирор
тирик жон!

«Юсуф Шомансур шеъриятимизнинг фидойиси ва заҳматкаши эди. Шеърларини қайта-қайта ишлаб, сайқал беришни яхши кўрарди», деб ёзади Ўзбекистон халқ шоир Эркин Воҳидов.

Табиатан тўғрисўз, чўрткесар шоир ноҳақлик, муросасозлик билан сира келиша олмасди. Унинг ростгўйлик, бурч, садоқат, эътиқодга оид «Қирқдан сўнг» номли шеърий туркуми шу жиҳатдан диққатга лойиқ.

Чучмал гапларга ҳеч тоб-
тоқатим йўқ,
Ёқтирмайман сохта
мулозаматни.

Ёриб кўрсатмоқчун кўнглини
аниқ
Тиғ каби тўғри сўз
лозиммасми?

Шоирнинг воқеликка асосланган, инсон руҳий оламини, кайфиятини таҳлил этувчи шеърлари китобхоннинг эсида жуда узоқ сақланиб қолади.

Шоир — оддий ялпизми, усмами ёки райҳон ҳақида шеър битар экан, унда боғ-далалар тароввати, юрт гўзаллиги балқиб туради. «Манзаралар»ни ўқиганингизда димоғингизга муздай тонгги бедазор нафаси урилгандай, тоғ бағридан отилган шалоланинг заррлари юзингизга теккандай, япроқларнинг майин елда шитирлашини эшитгандай бўласиз.

Юсуф Шомансурнинг турли йилларда ёзилган «Қонсиз фожиа», «Қаватлар қўшиғи», «Райҳон», «Фарзанд», «Ойдан келган болалар» каби унга яқин салмоқли достонлари адабиётимизни бойитди. Шоирнинг дардли юрагидан сизиб чиққан «Изтироб»ни (Ҳ. Салоҳга бағишланган) ва сўнгги достони «Устозлар»ни ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

ЁДНОМА

70-йилларда Юсуф Шомансур пародиялари машҳур бўлган. Мушоираларда пародиялари қарсаклар билан кутиб олинарди. Эсимда, янги йил арафаси эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида байрамга бағишланган катта мушоира ўтказиладиган бўлди. Уюшма раҳбарларидан бири Асқад Мухтор мушоарада янги пародиялари билан қатнашиш учун Юсуф акага, Москвага телеграмма юборди. Юсуф ака у пайтда М. Горкий номли адабиёт институтида ўқирди. Ўткир тиғли пародиялари кимларгадир ёқса, кимларгадир ёқмасди.

У Ҳақназар тахаллуси билан ҳажвий шеърлар, масаллар ёзди. «Анжир шафтоли» номли китоби унинг ҳажв соҳасидаги изланишларининг мевасидир.

Юсуф Шомансур деярли барча жанрларда ижод қилди. Унинг «Ер қайрилиб боқмади» пьесаси вилоят театрларида ўйналди. «Қора марварид» романи қўлма-қўл бўлиб, севиб ўқилди. У сермаҳсул таржимон, фан номзоди эди.

Юсуф Шомансурнинг ажойиб фазилатларидан бири — у ёш ижодкорларга жуда меҳрибон эди. Газета ё журналда бошловчи шоирнинг яхши бир шеърини ўқиб қолса, қувониб кетарди. «Сен фалончи шоирни танийсанми?» деб мендан сўрарди. Юсуф ака албатта ўша шоирни топиб, уни табрикларди. «Шарқ юлдузи» журналида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлаганида ҳам ёшларга доимо ён босарди. Йигирмадан ортиқ ёшларга «оқ йўл» ёзиб, қўллаб-қувватлади; ўзи ёш бўлса ҳам, кўп ёшларга устоз, бош эди. Менга ҳам йўл-йўриқ кўрсатган, ижодга ундаган Юсуф ака бўлади.

Юсуф ака бир куни ўз ижодий режалари ҳақида гапира туриб: «Эркин «Фауст»ни, Абдулла «Илоҳий комедия»ни таржима қилди. Мен Шекспирнинг сонетларини ўзбекчага ўгираман», деди. У таржима устида узоқ йиллар ишлади. «Сонетлар» китоб ҳолида босилиб чиқди. Аммо уни кўриш Юсуф акага насиб этмади. У мустақилликка эришилган шу кунларни орзу қилиб яшади. У бор-йўғи 42 йил умр кўрди. Бир кун ҳам қаламини бекор қўймади, юрт меҳрига, Ватан меҳрига тўймади. У оз яшади, аммо ўз дардини айтиб яшади. Юсуф ака ҳаёт бўлганида 60 ёшга тўларди, ўзининг қутлуғ ёшини янги-янги асарлар билан кутиб оларди. Унинг китоблари биз билан бирга. Ҳали кўп йиллар ўтади, асарлари қайта-қайта нашр қилинади. Жаранглаган шеър-қўшиқлари ёшлар юрагидан жой олиб яшайверади.

Рауф ТОЛИБ

«ВАТАН, НОМИНГ БИЛАН ИСИНДИМ»

НИГОҲ

Мустақиллик даври адабиётида Ғулом Мирзо, Салим Ашур, Иқбол, Қўчқор Норқобил каби ёш шоирларнинг ҳам ўзига хос ўрни, услуби бор. Буни абадий жамоатчилик яхши билади. Уларнинг номлари баъзан М. Юсуф, А. Қутбиддин, Э. Шукурлар қаторида тилга олинади: «Ҳозирги кунда ҳам шеърият, ҳам наср, ҳам адабиётшуносликда бир-бирига ўхшашни хоҳламаган, ягона манзил — руҳ мамлакати томон турли сўқмоқлардан йўлга тушган кўплаб ижодкорларимиз бор» (Р. Қўчқор, «Ассалом, эркин ижодий руҳ», «ЎзАС», 1995 йил, 24 ноябр). Аммо мақолаларда ёшларнинг фақат номлари саналади. Уларнинг бир-бирига ўхшамаган услубий ўзига хосликлари нимадалиги тўғрисида сўз юритилмайди. Бу саволга жавоб бериш уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашувни, муайян таҳлилларни тақозо этади.

С. Ашур ва Қ. Норқобилнинг «Яшил гиёҳ», «Хосиятли дунё» («Ёзувчи» нашриёти, 1994 йил) шеърий мажмуасига ана шу мақсадда мурожаат этдик.

Бодлер, Рембо шеърларида товушларнинг ҳидини, рангини, таъмини, кўринишини ҳис этишга, ифодалашга ҳаракат қилишган. Бу орқали ўқувчининг сезги аъзосига таъсир этишга уринганлар. Балмонт товуш шеъриятини, Хлебников онгдан ташқаридаги тил («заумний язик»)шеъриятини ишлашган. Бизда эса фақат кўз билан кўрилган воқеа-ҳодисаларгина тасвирланади. Сезгининг бошқа турлари ифода сифатида, ижодий услуб сифатида шаклланган эмас.

Салим Ашурнинг бир хил сатрларида одатдаги тасвирдан кўчишга, дунёни ўз сезгилари орқали идрок этишга, сўзда тасвирлашга уриниш мавжуд.

Овозингнинг таъмини
Танглайимда шимийман.

Ушбу ифода-туйғулар оддийгина баён этилган шеърларни ўқишга одатланган шеърхонларга ғайритабиий туюлади. Аммо шоирнинг ўзига хослиги ана шу ғайритабиийликда. Унинг овоз ва таъм сезгиси қаламга олинган.

Йўқ, уйимни кўрсатма, анҳор,
Мен исидан топиб бораман.

Бунда ҳид тасвир воситасига — ифодага айланади. «Уйнинг иси»да қадрдон гўшани, киндик қони томган маконни соғиниш туйғуси сифатланади. «Момом учун тўқилган эртак» шеърида ўз момосидан алвасти, ажина, ялмоғиз кампирлар тўғрисида даҳшатли эртакни тинглаган гўдак вужудининг қўрқувдан қалтираб кетганлари хотирланади.

Оёғимни қитиқлайди писиб ётган хаёллар,
Баданимга югуради яп-яланғоч аёллар.

Даҳшатли эртакдан қўрқиб кетган болакай момосининг тафтидан мадор тиланади, унинг пинжига тиқилади:

Момо, менга қараб ёт,
Мен ухламай ухлама.
Ёқимли иссиғингдан
Мадор бўлдим хомтама.

Бу ҳолат ҳаммамизга ҳам болаликдан таниш, қадрдон. Фақат у хаёлда кечаяпти, қайта тикланаяпти. Агар уни хаёлдан ҳаётга, эртакдан воқеликка кўчирсак, шеър маъноси яна-да кенгаяди. Салим Ашур ҳолат, кайфият ва хотира чизгиларини оқ, қора, кўк, кўпинча яшил рангларда «бўяйди». Рангларнинг маъно ифодаси бошқа-бошқа эмоционал бўёқлар касб этади. «Оналарнинг кўзларида дунёга кўм-кўк нафрат» сатрида кўк ранг қайғу ва фожиа маъносини берса, худди шу ранг «Барг узилар ҳайратини кўтаролмай, Қувончимни кўк сувига чайиб отдим» мисрасида бошқача сифатни олади.

Дарвоқе, у шеърлар тўпламининг номини ҳам «Яшил гиёҳ» дея атаган. Бу кўчим шоир хаёлига экилган хотиралар уруғидан униб чиққан ям-яшил туйғуларнинг умумий номидир. «Кўздан чунон ёш тўкгил, имонинг баҳра олсун, Боғу чаман кўкармас ёмғур қуюлмагунча» (Машраб), деганларидек, ушбу «Яшил гиёҳ» ҳам шоирнинг кўз ёшларию юрак ҳароратларидан озиқланиб кўкарган.

Сағир йилларни еб ўгай йўлларда
Бўғин-бўғин куй сочиб синдим.
Қор остида яшил дарахтдай
Ватан,
Номинг билан исиндим.

Мана, «Яшил гиёҳ»дан ўсиб чиққан дарахт, «яшил дарахт» — шоирнинг изтироби. Унда кўнгил синиқлиги сарбастнинг синдирилган сатрларига, мунглиғ ҳолат «бармоқ»нинг бўлинган бўғинларига қиёсланади.

Салим ўзи ва туғишганлари ўртасидаги айрилиқни — аскарлик хизматидаги мусофир кунлари кечинмаларини 1941—1945 йиллардаги жаҳон уруши ҳақидаги тасаввурлари билан ёнма-ён хотирлайди. Ушбу икки воқеа орасидаги вақт, 40-50 йиллик фарқ маконда — Ватанда, Ватан соғинчи туйғусида умумлашади. Ўзбекистондан Русиягача чўзилган масофада бирлашади. Шеърда уруш ва тинчлик мавзуи бўртади. Изтироб битта рангда — Яшил. Туйғулар битта рангда — Яшил. Ватан — Яшил, соғинч — яшил, ишқ — яшил, қайғу — яшил.

Шаҳидлар заминга бош қўйса аста,
Юрак,
Қутлуғ ниятларнинг исини тарат!
Она,
Сен акангдан қора хат олдинг,
Синглим мендан кутади қорхат.

Яна ис — «Қутлуғ ниятларнинг иси». Кўринадики, Салим Ашурнинг тасвир воситаларини сезгилар бошқаради, ҳаракатлантиради.

Бедазор мавжига ғарқ қилар руҳни
Қишлоқнинг ислари, ноннинг ислари.

«Яшил гиёҳ»нинг бош мавзуи — Ватан, Ватанга муҳаббат.

Қўчқор Норқобилда бу ҳодиса талабалик муҳити орқали юзага чиқади. Бу муҳитга сиғмайди у. Ўзини ёлғиз ҳис этади. Гўё ҳамма унга терс «Бу тун ҳамма нарса менинг рақибим».

Севмаган доцентлар, эслатманг менга
Беҳуда ўтувчи нурсиз онларни.
Билинг, ҳеч бир толиб эплолмас мендай
Ёлғизлик фанидан имтиҳонларни.

Ҳа, унинг кўнглини ҳеч нарса, сабоғу китоблар ҳам, эришилган-эришилмаган висоллар ҳам қониқтирмайди. Бир қарашда ўзини бошқалардан юқори тутишга, манманликка ўхшайдиган ушбу шоирона кайфият тозариш, кўнглини яланғочлаш, маънавий камолотга эришиш йўлидаги иштиёқу машаққатлардир.

Лирик қаҳрамонни қониқмаслик, безовталик ҳолатига солган одамлар эмас, балки улар муносабатидаги «сунъий тавозеъ»дир, улар ижро этган яшаш ўйинидир: «Тамом! Зериктирди яшаш ўйини, Жонимни оғритар сунъий тавозеъ». Яшаш бу — ёниш. Аммо у ҳаётда ёниш учун ўтин ҳам бўла олмади. Ўзидан ўзи ёзғиради: «Наҳот шунча йилни яшаб билмадим, Наҳот шунча йиллар кечдилар хато?»

Умрининг мазмунсиз кечганига у айбдор эмас. Чунки теграсида «оловнинг ўзи йўқ» эди. Афсус, бундай кун кечириш яшаш эмасдир. Шунинг учун у ўзини яшаётган эмас, ўлган ҳисоблайди, йўқ ҳисоблайди:

Мен ўлдим... Чин...
Чирияпман.
Ёпдим хонам — гўримни...
Тақдир,
қара,
бир қиз ювар
Йўқ одамнинг кирини.

У барибир бундай бедаво ҳолатдан қутулмоқ истайди. Талабалик ётоқхонасини, шаҳарни, дунёни тарк этади: «кетдик, ҳаммасига ётоқ айбдор...», «майли, шаҳар, майли яхши қол...», «Олинг, дунёнгизни, қайтариб бергум. Яшашни билмадим... Хайр, гумроҳлар...»

Йўқ, руҳий мувозанатсизликдан қутулмоқнинг чораси бу эмас. Инсон беқарорликдан фориғ бўлмоқ учун ўз ичидаги «мен»ини енгиши лозим.

Ичимдан отилса хиёнаткор «мен»
Хоин аскардайин сўраб омонлик.

Ўша хиёнаткор «мен»идан қутулмоқ учун ўзини ўзи қийнайди, фош этади, юрагини тиғлайди: «мен ўқман... ўзимга отилдим охир, жирканиб қўйдилар хоин жўралар».

Вақт — ҳакам. Ҳаммасини вақт ҳал қилади, вақт кўрсатади. Аммо вақт ҳеч қачон кутмайди. Зеро, инсон умри ўткинчи. Одамзот умрининг мазмуни, савобу гуноҳи мана шу оний лаҳзада фарқланади:

Билсанг, вақт — оқ халат кийган ҳамшира,
Айри олиб кетар ярадорларини.

Мана шу тарзда Қўчқор безовтаю беқарор инсон кўнглини очишга, руҳиятини ифодалашга ҳаракат қилади. Сўзлари аччиқланган кишининг атрофдагиларга жаҳл ичра ҳайқирганидай дилгир, ғафлатдагиларни шошилинч огоҳлантирганидай шитобли. Унинг ҳолатида гапни пардалаб, чўзиб ўтиришга имкон йўқ. Шоир бир шеърида: «...тушунмайман образларини, билганим шу шеър деб атайман далли дилнинг аразларини...», деб лутф этганидек, ўзининг дилгир кайфияту кечинмаларини кўпинча очиқ ёзишни маъқул кўради. Шеър яланғоч ётган одамнинг қулаётган том ичидан ташқарига қочиб чиққанига ўхшайди. Жон кўзига ширин кўринганидан керакли нарсаларни олиш у ёқда турсин, ҳатто кийинишга ҳам улгурмайди у.

Бу услубда энг муҳими мақсад, ҳолат ва вақт ўртасидаги меъёр. Масалан, бирон-бир хавфли воқеанинг юз беришини олдиндан билган одамнинг бошқаларни огоҳлантирувчи хабари ўша воқеанинг содир бўлишидан анча олдин етиб келиши зарур. Воқеанинг етиб келиш жараёнига кетган вақт, уни хабар қилишга, огоҳлантиришга сарфланган вақтдан қисқа бўлмаслиги шарт.

Бугунги шеъриятдаги фаол воситалардан бири — ўхшатиш. Ўхшатишлар фикр айтишнинг ўзига хос усули. Топиб айтилган жўяли ўхшатиш қиз яноғидаги холдай шеър чиройини очади. Аксинча, бир шеърда қалаштириб ташланган ўхшатишлар ифодани мавҳумлаштиради, сўзни бачканалаштиради. Шеър юзини хол босиб кетган қиз аҳволига тушади.

Салим Ашур ҳам ўхшатишларга жуда ўч. У ҳам бир-икки шеърга хол қўйган.

Узоқдан деворлай кўринган кўшкдай
Уфқдан расмдай кўчса хушларим.

Ёки

Ота, бир сўз топсам сенга муносиб,
Кун келиб чақноқдай портлаб кетса у.
Камалак-чақмоқдай оний бўлса ҳам,
Терим мавсумидай бўлса у мангу —

каби мисраларда ана шундай услубий қусур мавжуд. Шунингдек, «Опамнинг узугининг кўзлари қамашади, Сирли шуъла сочаётган кўзларим оловидан», сатридаги каби бир гапда қаратқич келишиги — «нинг» кетма-кет келиши ҳам услуб оҳангини бузади. Матндаги ташхис ва муболаға ёрқинлигини тўсади.

Қўчқорнинг чиройли образларидан бири — «олма». Маълумки, «олма» образи халқимиз оғзаки ижодиёти анъаналарида азалдан мавжуд. Қўчқор бу образни ўз матнига кўчиради, ўзлаштиради ва унинг янги ҳолатини тиклайди. Гўзал истиора ва кўчирим воситасида яралган бир тоза ҳилқат беихтиёр хаёлимизни ўғирлайди:

Энтикади уятчан шомлар,
Дилда гўзал исён топади...
Баҳор севиб қолган сулувнинг
Тўшагида олма пишади...

Мана шу сатрларни битган шоирнинг «тушунмайман образларини» деган қайсарлигидан ажабланманг. Негаки, бу — «далли дилнинг аразлари»дир...

Рустам МУСУРМОН

НАЗМ, НАСР

ҚАДИМ ҚЎНҒИРОҚ

Мен Туроннинг қадим қўнғироғимен,
Жаранг берсам, қир, даласи уйғонар,
Алахсибми, бироз тиндим чоғи мен,
Саҳар кўнглим шалоласи уйғонар.

— Болам кимсан, ким бобонгнинг қотили?
Билармисан туркнинг тўқсон зотини?
Томиримдан чиққудайин отилиб
Найман онанинг ноласи уйғонар.

Қўймам тўнган кўл, ғамларга чўмгани,
Ерпарчин ҳам кўтаради ўмганин.
Тобутда ҳар мангуга кўз юмгани,
Бешикдаги ҳар боласи уйғонар!

Мен Туроннинг қадим қўнғироғимен!

БИРЛАШИНГ!

Кел, ўрмоннинг тулкисими, шери сен.
Ким бўлсанг ҳам, кел ёнимга, бери сен,
Сен ёт эмас. Худди мендек, эртага —
Гўдакларнинг босиб юрар ери сен.

Ер устида чиқмадик урушлардан,
Ер устига сиғмадик, лек ботармиз.
Ер остида бу хунолуд ишлардан
Афсус чекиб, пичирлашиб ётармиз.

Эй, Сиз туркнинг тик ўмровли шерлари
Сур-сурлашмай, сурон солинг, эрлашинг!
Бугун — одам, эрта —туркнинг ерлари, —
Ерга айланмасдан туриб, бирлашинг!

МЕҲМОНДОРЧИЛИКДА...

Ажаб меҳмондорчилик:
Рақс тушади меҳмонлар,
Бири—чироқ,
Бири—пилик,
Мос тушади меҳмонлар.
Кейин бироз қизишиб
Ойни талашадилар.
Бир-бирини сузишиб
Жойни талашадилар.
Талатўпда — оҳу улар,
Қўзи билан қўй талош.
Дала ҳовли торт-торт бўлар,
Қўш айвонли уй талош.
Кейин... кетган пирлар талош,
Келганини кўрмаслар.
Сулувлар, суқсурлар талош,
Ёқавайрон, кўр, мастлар.
Ёпишарлар, бойлик тўнга,
Енгта кирадигандай.
Булар сира ўлмайдиган,
Мингта кирадигандай.

Ҳолбуки, дунё беш кунлик...

ЎЗИНГДАН УЗИБ БЕРГИН...

Жонни иситар танча,
Шифил мева берар боғ.
Ўзни сарфласак қанча,
Яшаймиз шунча узоқ.

Бўлолсак суянч тоғи,
Борни этолсак тортиқ,
Тоғдай баландмиз тағин,
Ризқимиз тағин ортиқ.

Ўзингдан узиб бергин —
Майли ош, майли ёвғон.
Қарамай кетавергин —
Ортингдан келар совғанг.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Узбекистон халқ шоири

СЎЗИН АСРАМАСНИНГ СЎЗИНИ АСРА...

Эккан-тиккани сайин —
Гуллайдиган жой, одам.
Нурин тўккани сайин
Тўладиган ой, одам.

Жон тикар — ўт, жон тикиб.
Бу дунё шундай, қизиқ.
Берганинг ўзингники —
Яширганинг — ютқизиқ.

МАЙСА...

Мен — майсаман, ўлмаган умид,
Қийналиб қиёқлаган майса.
Қийратар дўл, офатларга зид —
Кўклаш кучин сақлаган майса.

Кўрсатмайди мунгли кезини,
Кўклардай гуллатар кузини,
Номард дуч келганда ўзини —
Ўқлаш кучин сақлаган майса.

Ўлим билмас қасоси, хуни,
Севгиси ҳам буюқдир унинг,
Пирларининг гўрида уни,
Йўқлаш кучин сақлаган майса.

Қодир Аллоҳ ҳукм этмиш шундоғ,
Тушмагайдир ҳаётига доғ,
Қаролиғлар ичра ўзин оқ
Оқлаш кучин сақлаган майса.

УМИД

Гоҳ само ҳам кетар торайиб,
Ёруғланиб кунлар қайтади.
Эскирган япроқлар қорайиб,
Сориғланиб, видо айтади.

Кексайган қуш кўнгли осмонда,
Йиғлар эски инини суваб.
Биз узамиз истаган онда,
Эски ғамлар келмайди чуваб.

Бу дунё шу — Эски ва Янги
Мангу ўйга толар кунгача.
Биз жаннатнинг гулимиз, мангу —
Қор остида қолар кунгача.

Гул очамиз ҳали қизғиш, оқ,
Ҳали бахтдан маст бўламиз, ёр.
Биздан келар қиш ҳали узоқ
Ҳали ёғмас бизни кўмар қор.

ТЎРТЛИКЛАР

Навоий — нон. Тўсма. Унга борар йўлдан қоч
Ғашлик қилма, тўрт ённи ҳам ёритаркан тож.
Навоийга ўзин урса, урма кофирни
Ахир нонга мусулмону кофир бирдай оч.

* * *

Бирлашмаган элда ҳар тоқ йиғлайди,
Суянч устуни йўқ ҳар тоғ йиғлайди,
Оёқ остда тупроқ изиллаб йиғлар
Бош устида ҳўнграб байроқ йиғлайди.

* * *

Ҳар ким-ки тиз букиб ошга етади,
Тил бошқа, нияти бошқа, етади.
Ҳазир бўл, оёқда ётган итлардан,
Оёқ ялаган ит бошга етади.

* * *

Хато қилдим, хатоларим зоғ илиб, ёйиб кетган.
Савдогарлар йўқ сиримни сотишиб, бойиб кетган.
Йиғлаган кўз қора бўлар, — дерлар, ростга ўхшайди,
Боқсам, кўзгудаги кўзим тағин қорайиб кетган.

* * *

Йўлимиз шу. Келар-кетар тилсим, кетамиз.
Офтоб кулар, ёмғир ёғар сим-сим, кетамиз.
Яссавийдек турк довруғин кўкка ўрлатиб,
Ўзимиз ернинг остига жим-жим кетамиз.

* * *

Отанг-онанг бағридайин бағр-ку, оҳ йўқ.
Суюкли ёр оғушидай оғуш, учоқ йўқ.
Ўттанлардан сўраб кўрсам бундай дедилар:
«Одамзодга тупроқдайин иссиқ кучоқ йўқ».

* * *

Топмадик биз дўстнинг номард, мардини,
Ўпмадик ҳам бирор оёқ гардини —
Улар энди бизмас, тупроққа айтар —
Ўзи билан олиб кетган дардини.

* * *

Сўзин асрамаснинг сўзини асра,
Ўзин асрамаснинг ўзини асра,
Воҳ, кўр қилмоқ учун тайёрланар кул,
Олдинни кўрарнинг кўзини асра.

Хуршид ДУСТМУҲАММАД

ОТАМНИНГ ОШНАСИ

Ҳикоя

Отам футболга қизиқмайдилар, шунинг учун ошналари кечикаётганига парво қилмай кўприк панжарасига бемало-ол суяниб турибдилар. Менинг эса ичим таталаб кетяпти. Гурра-гурра бўлиб стадион томон ошиқаётган ишқибозлар оқимидан кўзимни узолмайман. Дам анҳорга қарайман — тўлиб оқаётган ўйноқи сув ҳам футбол томошасига шошаётганга ўхшайди. Отам рухсат берсалар, жоним борича югуриб стадионга кириб оламан!..

Йўқ, отамнинг ошнаси билан шу ерда учрашишга келишилган, кутишимиз керак.

— Кемай қолсалар-чи? — деб хавотирда отамнинг юзларига қарадим.

— Келади, — дедилар отам, — сўзида туради. Катта одам-да, иши бошидан ошиб ётибди...

Кеча эрталаб равонда, хонтахта атрофида нонушта қилиб ўтирганимизда ҳам отам шундай дедилар:

— Иши бошидан ошиб ётибди, бир кеча ётадию, индин жўнаю кетади.

Онам индамай бош иргадилар. Бобом гап ким ҳақида бораётганини тусмоллаб сездилар шекилли, отамдан сўрадилар:

— Қайси ўртоғинг келармиш?

— Чўлдаги-чи, каттакон бўлиб кетган. Уша.

— Райунни каттасими?! — астойдил қизиқиб суриштира бошладилар бобом.

— Каттасимас... катталаридан бири.

Отамнинг совуққон жавоби бобомни қониқтирмади.

— Манавинда чиқадими, катталиги шу-да! — дедилар бобом ўдағайлагудай зарда аралаш телеойнага ишора қилиб. — Қайси куни кўрдим, жа-а бийрон, сипо!

Бобом чордона қуриб ўтирганича нон кавшаётган отамнинг жуссасига бир қур назар ташладилар-да, илова қилдилар:

— Сенга иккита келади-ёв!..

Отамга «иккита келадиган» одамни ярим соатдан бери кутавериб хит булиб кетдим. Футболчилар майдонга чиқиб машғулотни бошлашдиямки, ундан дарак йўқ!..

Отамга мўлтираб қарадим. «Ишқилиб, оғайнилари келсин-да!» Кемай қолса борми, «Футболингга тоқатим йўқ, уйга кетдик» деб қолишдан ҳам тоймайдилар. Ўзи нима жин уриб футболдан гап очилдия!..

Катта одамнинг ҳурмати катта бўлар экан. Онам кун бўйи ошхонадан чиқмадилар. Алланеча хил таому ширин нонлар пиширдилар. Оқшом, гираширада «Келишди!» деган хабар эшитилдию ҳовлида, уйда, йўлакда ивир-шивир, югур-югур бошланди. Менинг доимий вазифам — меҳмоннинг қўлига сув қуйиш!

Гулзор чеккасига бориб обдастани икки қўллаб кўтарганча турган жойимдан йўлакни кузатдим. Оқ куйлакли, ёқавайрон бақалоқ киши икки кўлида катта-катта тарвуз қўлтиқлаб кирди. Ғизиллаб изига қайтди. Зум ўтмай иккита узун-узун қовун кўтариб яна йўлакда пайдо булди.

— Анграйма! — шивирлаб дағдаға қилдилар бобом. — Ўнг қўллаб қуйгин!..

Кўча томондан эшитилаётган ғунғир-ғунғирнинг ваҳимасидан ҳовлимизга бир автобус меҳмон қаторлашиб кириб келадигандек туюлди. «Катта одамнинг ҳамроҳлари ҳам катталар булади-да!..» Қулларим, унга қушилиб тиззаларим «қалт-қалт» титрай бошлади.

Бобом йўлакка ўтдилар, дарвозага етмай изларига қайтдилар. Менга яқинлашдилар.

— Шалдиратмай қуй!..

Бобомнинг саросима аралаш ҳаяжонлари менга кўчиб баттар тиззам қалтиради. Сув қуяман деб обдастани энгаштирсам, қопқоғи «Шара-аққ!» этиб меҳмоннинг кафтига тушса. Отамга иккита келадиган одам булса у!..

Сув қуйишни насия қилиб жуфтакни ростлаб қолишни мулжалладим. Улгурмадим. Йўлакда отам, отамнинг ёнида меҳмон кўринди. Назаримда йўлак ёришиб кетди. Аскарчасига гоз қотган бобом меҳмонга пешвоз чиқдилар.

— Э-э-э! Ас-саломалайкум!..

Катта меҳмоннинг товуши кенгтина йўлагимизга сиғмай, ошиб-тошиб ҳовлига ёйилди. Меҳмон бобом билан қўш қўллаб кўришди. Кўришаётиб юзи туйқус ёришди. Тиззамнинг қалтироғи босилди. Зум ўтмай меҳмоннинг чеҳраси қандай тусатдан ёришган бўлса шундайига қўққисдан тундлашди.

— Хуш келибсизлар! — Бобом шундай деб яна келувчилар бор деган ўйда дарвозанинг очиқ тавақасидан кўча томон кўз ташладилар. — Нега меҳмонлар киришмаяпти?

— Узрлари бор экан, — дедилар отам бобомга, — шунча қилсак, кўнишмади. Рухсат бердик. Майли, узимиз ёйилиб гурунглашамиз.

Басавлат меҳмон отамнинг гапларига эътибор қилмади. Ҳаёл олиб қочдими, рўпарамга келиб қулини ювишга чоғланди ҳамки, бир оғиз сўз қотиш у ёқда турсин, мени кўрмади ҳам.

Мен баттар ўзимни йўқотдим.

Айтдим-ку, уйимизга келган меҳмоннинг қулига сув қуйишни доим менга топширишади. Бобом атай ўргатганлар: энкайиброқ тўриш, обдастдани икки қуллаб тутиш, сувни оширмай-тоширмай, сачратмай уч марта қуйиш — бутун бошли мактаб!.. Яна, чиройим очилиб туриши шарт, обдастанинг қопқоғи тушиб кетишидан-ку, худонинг ўзи асрасин!..

Одамларнинг ҳовучи ҳам ҳар хил бўлади. Кимдир икки кафтини устама-уст қилиб тутади, кимдир иккала кафтини жуфтлаб ҳовучини очади. Ҳовучи тезроқ тўлақолсин деган хаёлда обдастани кўпроқ энгаштираман, шунда қопқоғи тушиб кетай дейди!..

Кафтлар ҳам бири-бирига ўхшамайди: бировнинг бармоқлари семиз, бировкиники ор-риқ. Кафтига о-озгина сув кетадиганлар бор, ҳар кафтига бир пиёла сув оладиганлар бор. Бир хиллари-чи... кап-катта одамлар кафтида сувни тутиб туролмайди, нима бало, кафти тешикми дейман!.. Бир тоифа одамларнинг кафтидаги чизиқлар яққол кузга ташланади, бир хилларинкини фарқлаш қийин. Кафтини қадоқ босган меҳмонлар ҳам келишган, бундайлар қулини ювса ҳам тоза бўлмайди.

Хуллас, меҳмоннинг ҳовучига сув қуятуриб унинг чап бошмалдоғи ёстиқчасидаги эски, лекин чуқур тиғ изига кузим тушди. Чамамда меҳмон уни ювиб ташлаш хаёлида кафтларини қаттиқ-қаттиқ ишқади. Яра ўрнидан қон қочиб юқариб кетди, зум ўтмай тиғ изи янгигина кесилгандек қонталашди. Каттакон одамнинг бармоғи қаерда шунчалик кесилиши мумкинлигига ақлим етмади.

Меҳмоннинг хаёлчанлиги менга юқдими, унга қай алфозда сув қуйдим, салом бердимми-йўқми — эслай олмадим.

Отамнинг ошнаси қулини сочиққа артатуриб баттар хаёлга чалғиди. Секин «уф» тортди.

Уйимизга келган ҳамма меҳмонлар қулига сув қуйганимда, «раҳмат» дейди, «катта йигит булинг» деб дуо қилишади. Бу эса... бобом, отам жим. Чунки меҳмон жим.

Ниҳоят, меҳмон ҳушини йиғди. Атрофдагиларни маҳтал қилиб қуйганини сезди, лекин хижолат чекмади — хаёли паришон одам хижолат булишни ҳам унутар экан — вазминликни бой бермай сочиқни менинг кифтимга ташлади. Шу пайт ҳушёр тортди шекилли, бирдан тилга кирди:

— Угилчани уйлайдиган буппиз-да!..

— Жиндай бор ҳали, — дедилар отам жилмайиб.

— Пидвол тепишдан бўшасин, уйлантирамиз.

Бобомнинг гаплари узларига нашъа қилди, овоз чиқариб кулдилар. Отам бобомга жўр булдилар. Меҳмон бобомнинг гапларини эшитмади. Балки эшитмаганга олди. Индамай, зина томон юрди.

Сипо одам шунақа булса керак-да. Булар-булмасга тиржаявермайди, енгил-елпи мутойибага хаҳолаб кулавермайди.

Энди уйлаб кўрсам футболдан дастлаб бобом сўз очган эканлар. Отамнинг ошнаси, «У-ў, футболчими, ўглинг?» деб сўраб-суриштиришга тушади деб кутгандим, қаёқда! — «чурқ» этмади, отамнинг изидан равонга кирди, отам меҳмонхона эшигини ланг очдилар, меҳмон эса равон ўртасидаги хонтахтани кўриб, кўпдан буён истаб етишолмай юрган нарсага кўзи тушган одамдек тухтади.

— Шетта ўтирамиз, — деди дуриллаб.

Бобом билан отам қўярда-қўймай меҳмонни ичкарига таклиф қилишди. Меҳмон қаққайиб тураверди.

— Уят буладия, болам! Ичкарида жой тайёр.

Меҳмон биринчи марта кўраётгандек бобомга серрайиб қаради, «Нималар деяпсиз?» деган оҳангда лабининг бурчаккинасида сезилар-сезилмас илжайди ва кўпдан буён етолмаган орзусига эришган одамдек севиниб тилга кирди:

— Би-ир чордона қуриб ўтирайлик!..

Меҳмоннинг раъйини қайтариб булмади. Эрталабдан буён зир югуриб кўрилган ҳозирликлар — меҳмонхонадаги столни кенгайтирганимиз, қўшниникидан янги стуллар ташиб чиққанимиз, топган-тутганимизни дастурхонга тиқиштирганимиз — ҳаммаси зумда бекор булди.

Онам, онамнинг изидан мен ичкари хонага югурдик, тахмондаги меҳмон кўрпачаларни ағдардик. Мен равонга ташидим, онам хижолат булибшошиб хонтахтани гир айлантириб тушадилар. Мен бир бурчакда қисилиб туриб қолдим.

Бобом меҳмонни кўрпачага таклиф қилдилар. У жойлашиб ўтириш ҳаракатида энгашиб мушти билан хонтахтага таянди, шунда қип-қизил гулдор бўйинбоғи дастурхон устига тулғониб осилиб тушди. Бўйинбоғ чироқ нурида шишадай ялтираб кўзимни қамаштириб юборди. Меҳмонга таққослаганда отам жудаям оддий, ҳатто ожиз одамдек кўриниб кетдилар кўзимга.

Кўприк устида турибмизу, бир кун бурун шу хаёлга борганимни эслаб отамни бош-оёқ кузатдим. Отам ҳар нарсага қизиқавермайдилар, қизиқсалар-да, ҳаяжонларини ортиқча сездирмайдилар. Бирга ўқиган ошналари шундай катта одам бўлиб кетганига ҳавас қилмаганларини қаранг!.. Ёки ҳавас қилармиканлар?.. Панжарага суянганча шуни ўйлаётгандирлар, ҳойнаҳой?..

Кунглимга келган саволни ёрилиб отамга айтолмадим. Аслида кеча меҳмон билан очилиб-яйраб гурунглашиб ўтиришмагани сабабини суриштирмоқчи эдим, унга ҳам юрагим бетламади.

Онам кўрпача тўшагунларича, сўнг меҳмонхонадаги тайёр дастурхонни равондаги хонтахтага кўчиргунларига қадар ҳеч кимдан садо чиқмади. Уша жимликда бурчакда қисиниб турган куйи чордона қуриб ўтирган меҳмоннинг қордай оппоқ носкисига кўзим тушди. Кўзим тушдию... «Шунчалик савлатли, овози дўриллаган одамнинг оёғи шу қадар кичкина буладими?!» Ҳайро-он қолдим!

Онам ҳовлига чиққанларини сезмабман, орага чўккан унғайсиз сукунатни меҳмоннинг узи бузди.

— Пудвол тепади денг?..

У нимадан сўз очганини дабдурустдан бобом ҳам, отам ҳам тушунишмади, пича фурсатдан сўнггина меҳмон бобомнинг ҳовлида айтган гапларини давом эттираётгани ёдга тушди.

— Ҳа-ҳа, шундай, — дедилар бобом, шошиб, — фикри-хаёли пидвол. Коптовқувардан бери кемайди.

Бобом «футбол» сузини тўғри талаффуз қилолмасликларини у кишининг кексаликларига ё булмаса бу гаройиб уйинни улгудай ёқтирмасликларига йўйиб юрар эдим. Меҳмоннинг «пудвол» деганини эшитиб ичимдан мириқиб, қиқирлаб кулдим.

— Айтмоқчи, «Пахтакор» ҳалиям борми? Уйнаяптими? — сўради меҳмон. Сўрай туриб, ҳарсилладими ё яна «уф» тортдими — сезмай қолдим.

Бобом овоз чиқармай енгил кулдилар.

— «Пахтакор»ини билмасам...

Бобом саволга жавоб беролмаганларидан менга жон кирди.

— Ҳозир «Пахтакор» яхши уйнолмаяпти. Узбекистон — зур! Эртага уйнайди!..

Узи футболдан сўз очиб, ўзи савол берган меҳмоннинг бирдан афти тундлашди, шунақаям жиддий тортдики, гапим бўғзимда қолди. Нафасимни ичимга ютдим. Отам жонимга оро кирдилар.

— Амакинг ашаддий ишқибозлардан!

Отам ниманидир эслаб шундай дедилару қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар. Меҳмон булут орасидан «йилт» этган қуёшдай бир лаҳзагина жилмайдию яна жиддий тортди. Бош иргаб отамнинг гапини тасдиқлади.

Меҳмоннинг бу қадар жиддийлигига, камгаплигига ҳайро-он қолдим. «Каттакон одамлар шунақа булади-да!» Ҳавасим келдики!.. «Мен ҳам бекордан-бекорга вайсамайдиган, тишимнинг оқини кўрсатиб тиржаймайдиган одам буламан!..» Сипо одамнинг авзои қандай булиши кераклигини яхшилаб ўрганиш ниятида ҳар сафар равонга чой киритиб ёки ликопчаю косаларни йиғиб олаётганимда меҳмонни зимдан кузатдим.

Бобом ҳовлига чиқдилар, ошхонага яқин келганларида онам ичкаридан шивирлаб, сўрадилар:

— Яхши ўтиришибдими?..

Бобом «ҳа» деган маънода бош иргадилар, равон томонга орқа ўгириб туриб, онамга нимадир дедилар. Қулоғимга, «тилини ютворганми...» деганлари чалинди, холос... Чиндан ҳам меҳмон ёстиққа ярим ёнбошлаган куйи телеойнадан кузини узмай тек қотиб ўтираверди. Томошалар унга маъқул келяптими, уларга қизиқяптими-бефарқми, билиб булмади. Отам билан очилиб-яйраб ҳангома қилишганини ҳам, ё булмаса эски қадрдонлардек сирлашиб-ҳасратлашиб гурунг қуришганини ҳам кўрмадим. Фақат у дамо-дам, «Яхши-и-и» деб чўзиб пишиллар, нимани маъқул қилаётганини отам ҳам фарқига бормаётган эдилар. Назаримда, меҳмоннинг ичига керагидан ортиқ ҳаво йигилиб қолаётгану шундай деб уша ҳавони ҳайдаётгандек эди.

Равонга неча марта кириб чиққанимга қарамай меҳмон қайтиб бирон дафъа менга эътибор қилмади.

Стадион томон ошиқаётган ишқибозлар оқими анча сийраклашди, «учрашув бошланиб кетди» деган хаёлда йиглаб юборгудекману, кечалан буён билгим келаётган нарсани отамдан сўрадим:

— Ада, огайниз, жудаям кам гапирар эканлар-а?

— Илгари жа-а сергап эди.

— Қандай қилиб камгап булиб қолади, одам?

— Иши, ташвиши кўпайса...

— Оғайниззиям ташвиши кўпми?!

Сўрадиму саволим ёқмади деган ўйда отамнинг кўзларига жавдирадим, отам аввалига энсалари қотгандек кўринди ва бирдан чиройлари очилди.

— Ана, амакингни ўзидан сурайқол.

Отам гапларини тугатиб улгурмай биз томон яқинлашаётган меҳмоннинг таниш гавдасига кузим тушди. Суюнганимдан турган жойимда иргишлай бошладим.

Меҳмон аввал отам билан, сунг мен билан қул олишиб кўришди. Аҳдлашилган вақтдан анча кечиккани учун узр сўрайди, деб ўйлагандим, йўқ, сурамади. Учовимиз индамай, ҳатто қадамимизни жадаллатмай учрашувга кечиккан ишқибозлар оқимига қушилдик.

Узимга қолса қанот чиқариб учиб кириб кетардим-а! Лекин отам, бу ёқда меҳмон... футболга мутлақо ҳуши йўқ одамлар билан томошага келишдан оғирроқ уқубат булмаса керак!..

Булмаса вақт алламаҳалда, телеойна томошалари тугагач, меҳмоннинг «ашаддий» ишқибозлиги тутиб сўради:

— Эртага уйин бор де? — деди у хаёлида нимани-нгдир режасини тузиб ўтириб. — Одамлар кўп тушадими?

— Рос-са кўп! Стадион лиқ-лиқ тўлади!

Меҳмоннинг кузи чарақлади, росмана қизиқиб суриштирди:

— Лиқ-лиқ тулади, дегин... Ҳалиям бири-бирини қучоқлаб-кутаришиб, қийқиришиб стадионни кучириб юборай дейдими, одамлар?

— Бизникилар гол урса-да! Роса қийқириқ булади!

— Ҳа-а-а, яхши-и-и...

Отамнинг ошнаси қай ният-қай муддаода шундай деди, билолмадим, фақат пича ўтгач у мақсадга кучди:

— Би-ир пудвол қурайик!

У шундай деб отамга қаради, оғир қузғалиб ўрнидан турди. Жиддий ва сипо афти назаримда маъюсдай туюлди.

Кеча оқшом йўлакка қовун-тарвуз қуйиб кетган оқ куйлакли бақалоқ киши эрталаб «Волга»да келиб отамнинг ошнасини миндириб кетди.

ОШНАСИ

Ҳикоя

— Қандай юмуш минан кеган экан? — сурадилар бобом отамдан.

Отам елка қисдилар, сунг «айтмадиям» деб қушимча қилдилар.

Стадион зинасининг юқорисига чиққунча меҳмоннинг авзои ҳали-ҳали кечагидай маъюс эканига эътибор қилдим. Катта одамлар ҳе-еч шошилмайдилар, босайми-босмайми қабилида қадам ташлайдилар. Отамнинг ошнаси ҳам шундай: гўё у киши кириб уз жойини эгаллаб ўтирмагунича футболчилар учрашувни бошламай куте-еб турадигандек бамайлихоти-ир, ҳатто имилла-аб қадам оларди.

Уйин эса бошланиб кетибди, ишқибозлар зич, «гув-гувв» қилиб футболчиларимизни олқишлашни бошлаб юборишибди.

Чиптамизда кўрсатилган жойни изламадик — одам сийракроқ уриндиқни мулжаллаб, жойлашдик. Ҳамманинг кузи майдонда. Футболчиларимиз олдинга ташланди дегунча бути-ун стадион ларзага тушар, минглаб мухлислар олқиши ҳавода гулдирос ҳайқириққа, наърага айланар, футбол шу-унча одамни бирлаштириб юборар эди. Бундай жойда ўтириб футболга қизиқиб кетмасликнинг иложи йўқ! Шундай булди ҳам — атрофдагиларнинг қийқириғи кучайгани сайин отам билан меҳмон уларга жўр була бошлашди.

— Нечанчи марта келишинг? — деб сурадилар бир пайт отам меҳмондан.

— Қаерга? — сўради меҳмон майдондан кўз узмай.

— Умуман, футболга-да?

Шовқин-суронда жавобни эшитмай қолишдан хавотирланиб буйнимни чўзиб меҳмоннинг оғзига қарадим.

— Иккинчи!.. — деди меҳмон.

Отам ха-холаб, ҳузурланиб кулдилар. Елкамга қул ташлаб, кулаётганлари сабабини менга тушунтирдилар:

— Тошкентта бири-инчи келган йили «Пахтакор»нинг уйинига тушганмиз. Курсдошлар қуярда-қуймай олиб келишган икковимиззи... Йигирма йил булди...

Меҳмон яйраб жилмайди. Оғир, сергушт кафти билан бошимни силади.

— Уша-уша, иккинчи мартаси шу, — деди у, отамнинг гапини тасдиқлаб.

Уйин қизигандан-қизиди. Майдон марказида рақибларнинг икки уйинчисини алдаб ўтган ярим ҳимоячимиз тўпни олдинга ташлади, марказий ҳужумчи ўнг қанотга, ўнг қанот ҳужумчи тўпни чунонам зарб билан тепдики, тўп дарвоза тусинига урилиб майдонга қайтди.

Эллик минг ишқибоз оёққа қалқди, эллик минг ҳамнафас одам наъра тортди.

— А-а-а-аҳх! — деб юборди меҳмон: ўнг қул муштини чап кафтига уриб.

«Қизиқиб кетди» деган ўйдан севиниб беихтиёр меҳмонни кузата бошладим. Майдонга қайтган тўпни футболчиларимиздан бири тухтатмай дарвозага йўллади. Меҳмонлар дарвозабони бало экан — у чапдастлик билан узаласига ирғиб, тўпни мушти билан уриб юборди. Стадион ларзага келди.

— Ия-а-а!..

Ҳамма бақиряпти. Ишқибозларнинг бақир-чақиригига қулоқ куникиб кетган, лекин...

Меҳмоннинг бу тахлит ишқибозлиги қулоғимга жуда ғалати эшитилди. Бир-икки дафъа сездирмайгина унинг афтига кўз қиримни ташладим.

Ҳужум устига ҳужум кучайди. Иккинчи, учинчи зарбалар ҳам дарвоза чизиғидан ўтмай қайтаверди.

— Вой-й-й!..

— Вой-я-а-а!..

— Им-м-мм!..

Меҳмон ўрнидан туриб олган, қулоқни қоматта келтираётган қий-қириқларга қушилиб дам ундай-дам бундай овоз чиқарар, унинг олқиши, наъраси бошқа мухлисларникидан яққол фарқланиб қулоққа ботар, ҳар сафар овоз чиқарганида беихтиёр «Бир нарса булдими?!» деган хавотирда у кишининг афтига қарай бошладим.

Тўп рақибларнинг жарима майдонидан узоқлашамаяпти. Бизникилар рос-са қисувга олмоқда. «Туққизинчи» ҳужумчимиз тўпни «тўртинчи»га узатди, «тўртинчи» жуссаси ихчам булсада, узи жуда абжир! У тўпни шерикларига оширишга шайлана-шайлана турди-да, тусатдан чап оёқлаб тепди, тўп устуннинг ёнгинасидан ўтиб оппоқ тўрни силкитиб юборди!

Қийқириқ!..

Ур-ре-р! — деганча жоним борича бақирдим. Отам ҳам оёққа турдилар «Қойил-е!» деб қарсак чалиб юбордилар. Мен отамни қучоқлаб олдим. Меҳмон эса...

— Ийя-а-а-а!.. Вой-вой-я-а-а!!

Полвонлар кўтарадиган ўттиз икки килоли тош синфдош дустимнинг оёғига тушиб кетганда у худди шундай ўкиранган, ингранган, ҳушидан кетиб қолаёзган, мажақланган тирноғини кўрганда яна баттар дод солгани ёдимга тушди. Бизникилар гол киритганини унутиб меҳмоннинг бетига анграйдим. Меҳмон икки қулини мушт қилиб боши узра ҳаволатганича, товушининг борича наъра тортди:

— Вой-я-а-а-а!! Го-олл-эй-й!!

Ана шундагина отамнинг ошнаси тумонат қийқириғи, шовқини орасида... укираётганини пайқадим. Қурқиб кетдим. «Ялт» этиб отамга ўгирилдим. Отам узлари билан овора эдилар. Меҳмон томонга бурилдим. У зумда нафас ростладию яна ич-ичидан тошиб-купириб чиқаётган ўкиришни ортиқча ҳавога қушиб таг-туги билан чиқариб ташлагудек важоҳат билан кекирдагини чўзиб... қаттиқ ўкчиб борди. Кузидан тирқираб ёш чиқди.

Футболчиларимиз бир-бирларини қучоқлашиб, қутлашиб майдон марказига қайтишди. Шовқин пасайди. Мен меҳмоннинг кузидан нигоҳимни узолмадим. Меҳмон ҳам менга қаради, бир зумгина кузимиз тўқнашди. Бир нафаслик нигоҳлар тўқнашуви асносида икковимизнинг хаёлимиздан аллақанча шубҳа-гумон ўтиб, «сухбатлашиб» олдик: мен унинг ғалати ўкиргани-ни сезганимни сезди — сезмаганликка олди... ғалати ўкирганини сезсам-да, сезмагандек туришимни сезди — афтида хижолат аралаш чуқур мамнуният аломати куринди...

Дарҳол ундан нигоҳимни уздим. Ерга қарадим. Меҳмоннинг гудак болаларникидек жажжи оёғига кузим тушди — «Кечагидан ҳам кичрайиб кетибди!..» — Унга ачиниб кетдим...

Учрашув давом этди. Бироқ уйиннинг шиддати пасайди. Бизникилар ниятига етгандай кифояланиб, ҳимояга ўтишди. Ортиқча шовқин-сурон кутарилмади. Отамнинг ошнаси ҳам бақирмади. Бақирмадию менинг елкамдан қучиб олди. Узуқ-юлуқ булса-да, гаплаша бошлади. Енгил тортди, ёйилиб-яйраб ўтирди. Кечадан бери тунд чеҳрасига нур югурди. Лекин мен унинг оёғига тегирмон тоши тушиб кетган одамдек бу қадар алам билан ўкиргани сабабини суролмадим. Мен у пайтлар анча ёш эдим, шу боис кўп нарсаларни тушунмас эдим...

Умарали НОРМАТОВ

ҲАҚИҚАТНИ ЁЗИШ БУРЧИМИЗДИР

Газетамизнинг 1996 йил, 16 феврал сонида адабиётшунос Ҳ. Абдусаматовнинг «ХХ аср ўзбек адабиёти» дарслиги ҳақидаги мақоласи эълон қилинган эди. Қуйида сиз дарслик муаллифларидан бири, Республика таълим илмий методика маркази ўзбек адабиёти кенгашининг раиси профессор У. Норматовнинг Ҳ. Абдусаматов чиқишидаги танқидий мулоҳазаларга муносабати билан танишасиз.

* * *

«ХХ аср ўзбек адабиёти» дарслиги узоқ йиллар мактабларимизнинг юқори синфларида ўқитиб келинган, ун бор қайта нашр этилган «Ўзбек совет адабиёти» дарслиги ўрнида яратилди. С. Азимов, Қ. Аҳмедов, Ю. Султонов (уларни Аллоҳ раҳмат қилсин) қаламига мансуб «Ўзбек совет адабиёти» ўз даврининг маҳсули, замонасининг ҳукмрон мафкураси ва талаблари асосида ёзилган эди. Мустақиллик эълон этилишидан олдинроқ — 1991 йилнинг баҳорида Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан етакчи адабиётшунос олимлар, малакали методист-муаллимлардан иборат ижодий гуруҳ ташкил этилганди. Ижодий гуруҳ қисқа фурсат ичида умумтаълим мактабларида ўзбек адабиётини ўқитиш ва ўрганишнинг янги концепциясини ҳамда дастурини ишлаб чиқдилар. Дастур лойиҳаси «Маърифат» газетасида ўша йилнинг кузида эълон этилиб, кенг муҳокама қилинди, ниҳоят, 1992 йил март ойида тасдиқланди. Айни шу дастур асосида V—XI синфлар учун ўзбек адабиёти ўқув қўлланмалари яратишга киришилди. 1993 йили V—VIII синфлар дарслик-мажмуалари, IX—XI синфлар учун эса мажмуалар чоп этилди; юқори синфлар дарслигини яратиш бир оз чўзилиб кетди. Иш жараёнида кўп асрлик миллий адабиётимиз тарихини янги концепция бўйича муайян системага тушириш муаллифлар уйлагандан кўра ун чандон мушкулроқ экани маълум бўлиб қолди. Ниҳоят, машаққатли меҳнат, изланишлар самараси ўлароқ, XI синф учун тайёрланган «ХХ аср ўзбек адабиёти» дарслиги чоп этилди. IX—XI синф дарсликлари нашр арафасида.

Кузатишлар, мактаб ўқитувчилари билан мулоқотлар, матбуотда эълон қилинган тақризлар шундан далолат бераётирки, «ХХ аср ўзбек адабиёти» дарслигини аксарият мутахассислар маъқуллаб қарши олмоқда. Адабиётшунос Ҳ. Абдусаматовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида чиққан «ХХ аср ўзбек адабиёти дарслиги хусусида баъзи мулоҳазалар» мақоласида диққат-эътибор кўпроқ дарсликнинг кам-кўстларига қаратилган бўлса ҳам, муаллиф қўлланмани кўпчилик қатори қувонч билан кутиб олгани, китобда XX аср адабиёти, йирик адиблар ижоди, машҳур асарлар ҳаққоний тадқиқ этилгани, энг асосийси, талқининг замонавийлигини эътироф этади.

Ҳ. Абдусаматовнинг дарслик хусусидаги танқидий мулоҳазаларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ мулоҳазалар дарслик матнида учрайдиган таҳрирга оид камчиликлар ҳақидадир. Дарҳақиқат, дарсликда бундай камчиликлар, услубий ғализликлар, бир-бирига зид жумлалар, ҳатто имло хатолари бор, уларни осонгина бартараф этиш мумкин. Бироқ мунаққид бу каби камчиликларни топишга ҳаддан ташқари берилиб кетади, айрим ибора ва жумларни матндан юлиб олиб, бирёқлама хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. Мақоладаги бу хил ўринларни шарҳлаб ўтиришни ортиқча иш деб биламан.

Энг асосий баҳо дарсликнинг дастури, композицияси, унинг бош мақсади, вазифаси масалалари билан боғлиқ. Мунаққид дарсликда «Бутун адабий жараён, ундаги барча йирик қаламкашлар ижоди таҳлил қилиндими?» деган савол қўяди ва саволига дарсликдан қониқарли жавоб олмаганини айтади. Унингча, Ҳамза, Суфизода, К. Яшин, Уйғун, Р. Бобожон, Ҳ. Ғулом, И. Раҳим каби адибларга етарли эътибор берилмагани, уларнинг айримлари, асарлари айтарли тилга олинмагани гўё дарсликнинг жиддий камчилиги экан. Бундай даъвога жавоб беришдан олдин, дарсликнинг манбаи — объекти, бош мақсади, тузилиши, дарслик учун адиблар, асарларни танлаш тартиби, адабий ҳодисалар, асарларни таҳлил, талқин этиш принциплари ҳақида, бу борадаги жиддий янгиликлар хусусида икки оғиз гапириб ўтай.

Маълумки, собиқ совет адабиётшунослиги, адабий таълими ягона ҳукмрон мафкура, марксча-ленинча методологияга, партиявийликка асосланар, бинобарин, адабиётни даврлаштириш, дарслик учун адиблар, асарлар танлаш ва уларнинг талқини ҳам шу усул бўйича амалга оширилар эди. Биз бундай йўл-йўриқдан дадил воз кечиб, биринчи галда бадиийлик мезонларига, бадиий ижоднинг ўз ички қонуниятларига таяниб иш кўришга жазм этдик. Натижада миллий адабиёт тарихини мафкуравий-сиёсий жиҳатдан иккига — инқилобдан бурунги ва кейинги адабиётга ажратиш, адибларни қайси мафкурага мансублигига қараб баҳо бериш, дўсту душманга ажратиш тажрибасидан воз кечилди; қайси мафкуравий-сиёсий, фалсафий, адабий оқимга мансублигидан қатъий назар, улар яратган асарларнинг бадиияти, ҳаққонийлиги, гуманизми, санъат даражаси бош мезонга айланди. Кейинги тадқиқотлар шуни тасдиқлаётирки, XX аср кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида алоҳида босқичми ташкил этади, яхлит ҳолда уни жаҳон адабиётшунослигида қўлланадиган атама билан модерн, яъни янги ўзбек адабиёти деб аташ мумкин. Янги замонавий дабиётнинг туғилиши, ривожи, бизда аср давомида ғоят мураккаб, зидиятли ижтимоий—сиёсий шароитда, уч хил тузум, — чоризм истибдоди, совет ҳокимияти ва истиқлол даврида, хилма-хил мафкуравий оқимлар — истибдод сиёсати , жадидчилик, миллий озодлик ғоялари, болшевизм мафкураси, миллий истиқлол тафаккури таъсири остида кечди. Ғоят катта қийинчиликлар, ғовлар, йўқотишлар, ҳар хил таъқиб-таҳдидларга қарамай, XX аср ўзбек адабиёти замонавий жаҳон адабиётининг энг етук намуналари билан беллаша оладиган, А. Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли нодир асарлар яратишга, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек каби жаҳон тан олган моҳир сўз усталарини етиштиришга муваффақ бўлди.

«ХХ аср ўзбек адабиёти» дарслигининг асосий мақсади, Ҳ. Абдусаматов даъво қилганидай, «бутун адабий жараён, ундаги барча йирик қаламкашлар ижодини таҳлил қилиш» эмас; бундай талаб олий ўқув юртлари филология факултетлари дарслиги олдига қўйилиши мумкин. Умумтаълим мактаблари ёппасига адабиётшунослар тайёрламайди. Мактабдаги адабий таълим талаб ва табиатдан келиб чиқиб, дарсликда янги ўзбек адабиёти, унинг тараққиёт йўли, босқичлари, йирик намояндалари, энг ёрқин асарлар ҳақида ҳар бир маърифатли фуқаро билиши лозим бўлган адабий ҳодисалар ҳақида тасаввур беришдан иборат.

Дарсликда XX аср ўзбек адабиёти беш босқичга бўлиб текширилган: аср бошидаги адабиётнинг икки намояндаси — Беҳбудий, Авлоний; 20-йиллар, 30—40- ва 50—80-йиллар адабиётидан тўрттадан адиб ижоди дарсликка киритилган, истиқлол даври адабиёти эса обзор қилиш билан чекланилган. Бунинг устига XX аср жаҳон адабиётидан учта улкан санъаткор ҳам дарсликдан ўрин олган. Мактаб адабий таълим методикасидан хабардор кишилар учун аёнки, дарсликларни кўпдан-кўп фактлар, адабиёт намояндалари билан кенгайтириш яхши натижа бермайди, бунинг имкони ҳам йўқ. Ҳозирги ҳолда ҳам «ХХ аср ўзбек адабиёти» китоби бир оз «семириб» кетганини муаллифлар тан олади.

Дарслик учун адибларни танлашда холисликка эришиш, тарафкашликка йўл қўймаслик мақсадида биз Республика мактаб ўқитувчиларига XI синф дастуридаги адиблар ўрнига сиз қайси ёзувчиларни киритишни истайсиз, дея мурожаат этгандик. Дастур лойиҳаси муҳокамаси вақтида ҳам, дарслик чиққандан кейин ҳам бу ҳусусда бирорта бошқача фикр айтилмади. Мана энди Ҳофиз ака О. Ёқубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов ўрнига Суфизода, Уйғун, К. Яшинни дарсликка киритиш таклифи билан чиқаётир. Аввало Суфизода 20-йиллар вакили, Уйғун билан Яшин эса Ойбек, Ғафур Ғуломлар авлодига мансуб. Чўлпон ва Қодирий ўрнига Суфизода дастурга киритилса, Ойбек ва Ғафур Ғулом мунаққид таклиф этган қаламкашлар билан алмаштирилса адолатдан буладими?!

Дастурга, дарсликка нега фалон қаламкаш кирмай қолган деган хавотир, таъналар учун асос йўқ; янги йўл-йўриқлар бўйича адабиёт муаллимлари дастурдаги 10—15 фойиз материални эркин ўзгартириш ҳуқуқи берилган. Бу ҳақда дастурнинг тушунтириш хатида аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Масалан, ўқитувчи 20-йиллар адабиёти намояндаларидан бири, айтайлик, Чўлпон ўрнига Суфизода ёки 50—80-йиллар адабиётидан А. Орипов ўрнига Р. Бобожон, Ҳ. Ғулом шеъриятини, О. Ёқубов ёки П. Қодиров ўрнига И. Раҳимов романларини ўрганишни лозим топса, марҳамат. Бу адабиёт муаллимининг ташаббуси, савияси, адабий билим, дидига боғлиқ.

Қуйи синфларда айрим адибларнинг ижоди бир неча синфларда берилгани, масалан, Яшин, Уйғун фақат бир синфда берилгани ҳолда А. Орипов ижоди намуналари уч синфда ўрганилиши ҳам эътирозларга сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, Абдулла Ориповнинг Ватан ҳақидаги уч шеъри — «Ўзбекистон», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Она сайёра» шеърлари 5-, 6-, 8-синф дарслигидан жой олган экан, бунда ҳар бир шеър Ватан, фуқаро тушунчасини янги томондан бадиий кашф этилгани назарда тутилган, бу уч шеър босқичма-босқич ўқувчининг Ватан, фуқаролик туйғусини шакллантириб, бойитиб боришга хизмат этади. Бунинг устига дарсликларидан ўрин олган Давлат мадҳияси ҳам Абдулла Орипов қаламига мансуб. Шу хил оригинал, таълимбоп баркамол асарлар тизими бошқа бирор шоирда бўлганида, у ким бўлишидан қатъий назар, бажонидил дарсликка киритган бўлардик. Айтайлик, бир қатор донгдор шоирлар қолиб Рауф Парфи дарсликка киритилган экан, бунинг учун дарсликка кирмай қолган ҳурматли шоирларимиз ўзларини камситилган санамасликлари лозим. Рауф Парфи шеърлари мисолида муаллифлар ўқувчиларга бугунги шеъриятимизда кенг тарқалиб бораётган метафоризм тамойили ҳақида таълим беришни назарда тутганлар. Р. Парфи бу йўналишнинг бошида турган шоир. Бусиз ҳозирги шеъриятдаги муҳим жараёнларни англаш мумкин эмас.

Дарсликда, умуман янги дастурда рус адабиёти намояндаларининг йўқлиги ҳақидаги эътирозларга келганда шуни айтиш мумкинки, бу масала беш йил бурун узил-кесил ҳал этилган, жамоатчилик бундан хабардор қилинган эди. Узоқ йиллардан бери ўзбек мактабларида ўзбек адабиёти билан баробар махсус рус адабиёти предмети ҳам ўқитилади. Биз янги дастур устида иш кўрган 1991 йили ўзбек мактабларининг V—XI синфларида рус адабиёти учун 400 соат атрофида вақт ажратилган эди. Шуниси қизиқки, ўзбек адабиёти учун белгиланган 700 соатлик дастурнинг 20—25 фойизини ҳам рус адабиёти намуналари ташкил этар, кўп ҳолларда рус адабиёти дарсларида ўтилган адиблар, асарлар ўзбек адабиётига ажратилган дарсларда ҳам такрор ўрганилар, ўша кезлари бу тўғрида эътироз билдириш миллатчиликка йўйилар эди. Биз истиқлол арафасида бунга барҳам бериш ташаббуси билан чиқдик, раҳбарият ўша кезлардаёқ бизни қўллаб-қувватлади; бир оз қисқартирилган бўлса-да, бугунги кунда ҳам ўзбек мактабларида рус тили ва адабиётига муносиб ўрин берилган; чунончи, X синфда XIX аср, XIX аср, XI синфда эса XX аср рус адабиётини ўрганиш мўлжалланган; X синфда А. Пушкиндан тортиб А. Чеховга, XI синфда эса М. Горкийдан А. Фадеевга қадар унлаб машҳур адиблар ижоди ўрганилади, М. Горкий ижодини ўтиш учун бутун бир чорак бағишланган. Шундай бир шароитда «ХХ аср ўзбек адабиёти» дарслигига А. Пушкин, А. Чехов, М. Горкийларни киритишга ҳожат борми?!

Дарсликда драматургия қисми бўш ва саёз чиқиб қолган, қатор машҳур драматурглар, драматик асарлар эътибордан четда қолган, деган эътирозларга қўшилиб бўлмайди. Бир дарслик доирасида «Падаркуш», «Заҳарли ҳаёт», «Абулфайзхон» асарларининг махсус таҳлили доирасига тортилганлиги етарли эмасми?! Бундан ташқари, қуйи синф дарсликларида К. Яшиннинг «Нурхон», М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» каби асарлари ўрин олган, муносиб таҳлил этилган. Шунингдек, XI синф дарслигининг турли бобларида «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши», «Гулсара», «Номус ва муҳаббат», «Алишер Навоий», «Ҳаёт қўшиғи», «Олтин кўл», «Тобутдан товуш», «Келинлар қўзғолони», «Олтин девор», «Нодирабегим», «Қора камар», «Искандар» каби ўнлаб машҳур драматик асарлар эҳтиром билан тилга олинган.

Жамоатчиликка аёнки, кейинги йилларда XX аср ўзбек адабиётининг қатор йирик намояндалари ҳаёти, фаолияти, ўз вақтида юксак баҳоланган довруқли асарлар теварагида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди, бу хил баҳолар ҳамон давом этаяпти. Жумладан, Ҳамза ҳаёти, хусусан, унинг шўролар давридаги фаолияти, фуқаролар урушидаги иштироки, «босмачилик ҳаракати» деб аталган ҳодисага муносабати, Шоҳимардондаги кечмиши, ҳалокати ҳақидаги аввалги талқинларга зид қарашлар айтилди, айтилмоқда. Шунингдек, «Бой ила хизматчи», «Сароб» «Қутлуғ қон», «Синчалак» каби асарлар устида бўлиб ўтган баҳсларни четлаб ўтиш асло мумкин эмас. Айниқса, битирувчи синф ўқувчиларини бу хил гаплардан бехабар қолдириш гумроҳлик бўлар эди. Дарсликда имкон қадар ўқувчилар эътибори шу хил баҳолар доирасига тортилган.30-йиллар шароити таъсирида «Қутлуғ қон» романида, хусусан Мирзакаримбой образи талқинида синфий ёндашиш муайян бирёқламаликларга олиб келгани сир эмас. «Бой ила хизматчи» драмасининг тикланган, бошдан-оёқ қайта ёзиб чиқилган варианти ҳақидаги мулоҳазани Ҳамзага нисбатан ҳақорат деб билиш, менимча, ўринсиз. Драманинг тикланган варианти Ҳамза етти ухлаб тушига ҳам кирмаган саҳналар, Ҳожи она, Пошшо ойим, Хонзодахон, Гулбаҳор каби персонажлар билан тўлдирилгани, асарга 30-йиллар руҳи сингдирилгани кўпчиликка аён. «Бой ила хизматчи» Ҳамзанинг ижодий тақдири учун ҳаётмомот масаласи эмас. Бизгача, асл ҳолда етиб келган асарлари билан Ҳамза XX аср ўзбек адабиётининг мумтоз намояндалари сафидан ўрин олишга ҳақли. Ёки Ҳамзанинг Шоҳимардонда руҳонийлар билан тўқнашувда ҳалок бўлгани, бунда Ҳамзанинг ҳам муайян айби борлиги реал ҳақиқат! Қолаверса, бу ҳол даврнинг фожиаси. 20-йиллари даҳрий болшевиклар авж олдирган «жанговар атеизм» компаниясига деярли барча қаламкашлар жалб этилди. Фитрат, Чўлпон, ҳатто Қодирий ҳам муайян муддат шу васваса домига тушди, Ҳамза эса шу мудҳиш компаниянинг қурбони бўлди. Бу аччиқ, ҳақиқатни, тарих сабоғини унутишга ҳаққимиз йўқ. Бу хил аччиқ ҳақиқатларни ғараз билан эмас, самимият билан эслатиш, эътироф этиш улкан адиблар қисмати, хизмати, улар яратган шоҳ асарлар қадр-қимматини тераноқ англашга йўл очади. Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидай «дарсликлардан тортиб олдий китобларгача ҳаммасида ҳақиқат ёзилиши шарт. Бу бизнинг ота-боболаримиз руҳи олдидаги қарзларимиздир!».

Хайр мактаб

МУҲАББАТ ЗЎР ЭКАН ДУНЁДА...

Суйдирди бу муҳаббат,
Куйдирди бу муҳаббат.
Юрагимда қат-қат нафрат
Туйдирди бу муҳаббат.

Азим СУЮН

— Муҳаббат борлигига ишонмайман!

Эҳтимол, пана-панада ҳеч кимга билдирмай йиғлаб-сиқтаб юрадиган Муқаддас юрагидан отилиб чиққан бу сўзларни бундан беш йил аввал айтганида ҳаёти бутунлай ўзгариб кетармиди?.. Беш йил аввал эса... У ун саккизга ҳам кирмаганди, лекин ота-онаси олдига қатъий шарт қўйганди:

— Мени шу йигитга — Акбарга узатмасангизлар, дунёдан тоқ ўтаман!

Ушанда қишлоқ қизлари Муқаддаснинг юриш-туришига ўзгача ҳавас-суқ билан қарашарди... «Қизириқда ундан да сулув, ундан-да бахтли ва келишган қизни тополмайсиз», дейишарди йигитлар.

Акбар эса шаҳарда ўқир, қишлоққа ҳар келганда тенгқурларининг кўзини ўйнатиб, маҳаллий урф-одатга ярашмаган бир тарзда, Муқаддас билан киноларга борарди. Иккаласи кечалари ариқ бўйида ўтириб олиб, тонг бўзаргунча гап сотишар эди...

Тўй ўтгач, улар катта шаҳарда яшай бошладилар. Дастлабки беш йил ёш келин-куёв учун тотли, ҳаяжонли, эсда қоладиган воқеаларга бой бўлди. Улар, шоирлар таърифлашганидек, севги сеҳридан маст бўлдилар. Кейин эса, ҳаммаси ўзгариб кетди...

Куёв институтни битиргач, амалдор оғайнилари кўмагида ўзи айтгандек, ёғли жойга ишга кириб олди. Бошқа шаҳарларга бир ой-ун беш кун ном-нишонсиз, изсиз кетадиган бўлиб қолди. Шу орада яп-янги «Жигули» сотиб олди. Сўнгра машинасида қизжувонларни миндириб юрадиган, баъзан улардан бирортасининг уйида ётиб қоладиган одат чиқарди.

Вақт ўтган сайин аввалларидек бир-бирини кўрмаса тўролмайдиган ошиқ-маъшуқлар ўртасидаги муҳаббат иплари унчалик мустаҳкам эмаслиги аён бўла борди. Акбар бир куни дабдурустдан арзимаган баҳонада хотинини дўппослай бошлади.

— Нега бунақа бўлиб қолдингиз? Нима қил, дейсиз? Кўзларига ёш тўлган Муқаддас эрига жавдирай боқди.

— Йўқол, кўзимга кўринма! Бу уйда иккинчи қорангни кўрсатма!..

Бу гапни эшитиб Муқаддас ғазаб ва алам ўтида қоврилди, ёнди-куйди. Аммо айтилган сўз отилган ўқ эди: Муқаддаснинг уйдан кетишдан ўзга иложи йўқ эди.

— Мана», бир йил бўляптики, ўғилларимни тирик етим қилиб, уйда сўпайиб ўтирибман, — дейди у. —Баъзан зерикканимда мен каби алданган, севгисига содиқ қололмаганлар ҳақидаги киноларни кўраман, китобларни, шеърларни ўқийман. Айниқса, таниқли шоир Усмон Азимовнинг қуйидаги сатрларини қайта-қайта тилга оламан:

Севгилим! Ўйланма, кел интизорман,
Келгин, ғуссанг билан тўлган уйимга.
Ҳали ҳам севгингга содиқман, ёрман,
Шодлик бўлиб қўшил, ғамгин куйимга...

Улар ёшликдан бирга ўсишган, бир ариқдан сув ичиб катта бўлишганди, бироқ севишмагандилар. Фақат ўртада бир гап бор эди. Ҳали болалик кезларидаёқ ота-оналари келгусида уларнинг бошларини қовуштиришга аҳд қилишганди. Йигит билан қиз, вақти-соати келиб, бир-бирларига унаштиришларини қалбдан ҳис этган, англаган ҳолда ўсдилар...

Ниҳоят, тўй ҳам ўтди. Уларнинг бир-бирларига суяниб қолишганини, ўзаро иноқлигини кўриб, айрим кишилар ҳайратдан ёқаларига туфлаб қўйишарди: «Севмасдан ҳам аҳил яшаса бўлар экан-ку? Ишқилиб, кўз тегмасин...»

Йўқ, уларга кўз тегмади. Лекин йиллар оша иккиси ҳам битта тирноққа зор бўлишди. Ахийри, бўлмади, хотин бир куни юрак ютиб, сўз очди:

— Мен сизни бахтли қилолмадим. Энди бундай юрманг, бошқа бировга уйланинг, мен розиман...

Хайрулланинг бадани музлаб кетгандек бўлди. Шундай эсада, тутақмади. Хотинига термулиб туриб, ўз қарорини айтди:

—Бу гапни иккинчи марта тилингга олма, акс ҳолда, мени хафа қиласан. Сенсиз яшашим қийин.

Шу-шу бўлди-ю, хотини ҳам кейинчалик ҳеч қачон бу ҳақда оғиз очмади. Аҳча йиллардан сўнг улар бир болани фарзандликка олдилар. Уни уйли-жойли қилдилар...

Ҳозир эр-хотин олтмиш ёшни қоралаб қўйишган, ҳамон Бандихон туманида яшайдилар.

Қизиқ, улар ҳаётларини бир-бирларисиз тасаввур қила олишмаса, бу ниманинг белгиси? Севгининг қудратими? Ундай десак, лоақал ёшликда ҳам бир-бирларига қўнгил қўйишмаган-ку?..

Хайрулла ака билан унинг садоқатли аёли ҳаёт дафтарини варақлар эканман, Муқаддас ва унинг бойвачча эрини эсладим. Хаёлимни шундай фикрлар чулғади: «Нега ёш оилаларнинг бир қисми омонат? Ажралишлар шаҳардагина эмас, айрим қишлоқларда ҳам кўплигининг туб боиси нимада? Ёки бунга «Ҳаёт ўткинчи карвон», — дея уни фақат айш-ишрат билан ўтказаётган баъзи пулдорлару босар-тусарини билмай қолганлар сабабчимикинлар? Улар Хайрулла ака ва унинг садоқатли, меҳр-оқибатли аёли каби инсонлардан ўрнак олишса бўлмасмикин?

●

Назар чўпоннинг ёши олтмишга бориб қолган эди: Ўғиллари уйли-жойли бўлиб кетишган, неваралари ҳам бир этак. Беқасам чопони, сур телпаги уни ёшига нисбатан улуғроқ қилиб кўрсатиб турарди. Умр бўйи қўй ғўшти, қуйруқ мой тановвул қилиб юрганиданми, икки юзи худди қон томчилаётгандай қип-қизил. Куч-қуввати ҳам шунга яраша. Эллик-олтмиш килолик қўйларни осонгина эшагига ўнгариб олар, мабодо, бирор совлиқ касал бўлиб қолса, икки-уч дақиқа ичида сўйиб, саранжом-саришталаб оларди.

У тез-тез чўлигининг уйидан чой ичиб турар, баъзан унинг уйида ётиб ҳам қоларди. Кутилмаганда, «Назар бобо билан унинг чўлигининг эндигина гулдай очилиб келаётган қизи бир-бирини яхши кўриб қолган эмиш», деган гап ҳамма ёққа овоза бўлиб кетди. Шубҳасиз, бу шов-шувларга кўпчилик ишонмади: «Афсонангни қўй, ҳали гўшанга кўрмаган қиз ҳеч жаҳонда бобоси тенги чолни яхши кўрармиди?», — дейишди.

— Нима, чўпони тушгур қизимизни иссиқ-совуқ қилдириб, ўзига мойил қилиб олдимикин? — деди саросимага тушган ота-она. Ҳатто чўлиқ бобо туман газетаси таҳририятига келиб, муҳарриридан қари ошиқ ҳақида фелетон ёзишни талаб қилди. Кейин прокурорга арз билан борди. Шунга кўра, қизни прокуратурага чақиришди. Лекин унинг хоҳишига ҳеч ким тўсиқ бўлолмади:

— Мен шу бобони яхши кўриб қолдим. Энди нима қилай, ўзимни ўлдирайми?..

Кейинчалик бу муҳаббат савдосининг туб сабаби маълум бўлди. Айтишларича, қиз ёшлигида онасидан жудо бўлган, бир оғиз ширин сўзнинг гадоси бўлиб усган экан. Унга айрим тенгдош йигитларнинг

Шероботлик Муҳаббат узукнинг кўзидай чиройли қиз эди. У бир синфдошини барча йигитлардан аъло биларди. Кейинчалик улар ҳақида: «Фалончининг қизи писмадончининг ўғли билан севишибди», деган гап-сўзлар қишлоқдан ташқарига ўрмалаб кетди. Бироқ йигит мактабни битиргач, қизникига совчи юбориш учун отасининг қўли калталик қилди. Сўнгра йигит армияга кетди.

Бир қовун пишиги ўтгач, Муҳаббатга бадавлатроқ оиладан совчи келди. Аввалига қиз кўнмади. Бироқ ота-она ҳам ўз сўзларида оёқ тираб туриб олишди: «Фақат шунга унаштирамиз, тамом-вассалом!»

Пировардида, тўй куни белгиланди. Қишлоқ таомилига кўра қалин анча дуруст бўлди. Бўлажак келинникига қимматбаҳо нарсалар — ипак газламалар, ун бош қўй, шифонер, қалин гиламлар, сандиқлар юборилди. Уларни кўриб қиз томондагилар ҳайратдан оғизларини очиб қолишди.

Муҳаббат ҳам аввалига бухчадаги бир умр кийишга етгудек кийим-кечакларга ва матоларга бепарво қарагандай бўлди. Кейин негадир индамай уйга кириб кетди. Орадан кўп ўтмай ўша бадавлат хонадонга келин бўлиб тушди.

Бир йилдан сўнг йигит ҳарбий хизматдан қайтди. Аввалига Муҳаббатнинг бевафолигига ишонмай икки ўт орасида юрди. Бора-бора тақдирга тан берди, бировга уйланди.

Хуллас, икки-уч йил аввал худди Лайли ва Мажнун каби бир-бирига қайноқ меҳр-ла талпинган ёшларнинг бири бошқа оилага келин, иккинчиси эса, ўзга бир оилага куёв бўлди.

Ҳайрон қоламан: уларнинг севгиси қоғоз туллар каби сунъиймиди ёки телбаларча ҳаваснинг натижасимиди? Нега бу севгидан мол-дунёни ортиқ кўриш ҳисси устун чиқди? Агар қизнинг муҳаббати сохта бўлмаса, у соф муҳаббатдан юз ўгириб, ишининг тайини йўқ, лекин доимо «Волга»нинг устидан тушмайдиган бадавлат оиланинг фарзанди ҳисобланган йигитга кўнгил қўярмиди? Энди эса кеч, жуда кеч.Муҳаббатнинг дард-армонларига даво йўқ. Эри уни хору-зор қилиб ҳайдаб юборган.

— Кўр бўлмасам, жувонмарг ўлгурнинг ялтир-юлтир кийимларига учаманми? — дейди Муҳаббат алам билан. — Мен бевафолик қилган синфдошим ҳозир оиласи билан бинойидек яшаяпти, қишлоқда уларникидан бадавлатроқ оила йўқ — ўзи фермер. Мен эса бир вақтлар уни камбағалнинг боласи, деб ноз қилгандим...

●

Ёшлар ҳаётда баъзан янглишадилар. Бироқ бу борада фақат ёшларни айблаш тўғри эмас. Уларнинг хатолари замирида ўзларига боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам талайгина. Мана, масалан, Қизириқ, Бандихон, Бойсун, Қумқўрғон туманларидаги клубларда йиллаб бадиий филмлар кўрсатилмайди. Музработ туманидаги баъзи хўжаликларда аҳвол ундан ҳам баттар. Кутубхоналар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари йил сайин камайиб бораётир. Стадионлар қурилишига яхши эътибор йўқ. Кўпчилик хўжаликлардаги маданият ва истироҳат боғлари худди ўгри уриб кетгандек шип-шийдам, йил давомида тузукроқ талбир ўтказилганлигини эслай олмайсиз. Газета-журналлар, китоб ўқийдиганлар ниҳоятда оз.

Қишлоқ қизларининг эса бир-бирлари билан гурунглашгиси, янада очиқроқ гаплашгиси келади. Бунинг учун улар қаерга боришсин? Туман ва хўжаликлар раҳбарлари ёшларнинг дам олиши, ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир қизиқарли тадбир ўтказиш учун нега қайғурмайдилар?

Иккинчи бир жиддий муаммо — қалин масаласи. Бу офат Сурхондарёда ҳали ҳам ёшларнинг эркин қовушишига тўсқинлик қилиб, кўпларнинг турмушига хавф солиб келаётир. Йигит билан қиз бир-бирига кўнгил қўйишди, дейлик. Фотиҳа куни албатта нон синдирилади ва шу аснода йигит томонга қиз тарафдан бир талай оғир шартлар қўйилади.

Яқинда Қизириқ туманидаги «Истара» ва Шеробод туманидаги Н. Муродов номидаги хўжаликларда қиз билан йигитнинг фотиҳа туйида қатнашгидим.

Қудалар қуйидаги шартларни ўртага кундаланг қўйишди:

1.Ун бош семиз қўй. (Тахминан ҳар бири икки минг сўмдан).

2. Ун минг сўм пул.

3. Битта қалин гилам. (Уч минг сўм туради).

4. Икки сандиқ. (Уни қиз тараф харид қилишига келишилди. Нархи икки минг сўмга яқин).

5. Уч той пахта (Олти минг сўм туради).

6. Битта шифонер. (Уч минг туради, қизнинг ота-онаси харид қиладиган бўлди).

7. Қизни узатиш куни эллик кило гуруч ва эллик кило ун қуданикига албатта олиб келиниши шарт.

8. Бухча.

Шу ўринда «бухча»га озроқ изоҳ бериш лозим. Бухча куёв томондан қиз тарафга юборилади ган бир неча юз метрлик сарполар. Унда турли қимматбаҳо матолар, румоллар, кўйлаклар, ҳар хил тақинчоқлар бўлиши шарт. Уларнинг умумий баҳоси 50-60 минг сўмни ташкил этади. Шундай бўлгач, куёв тарафнинг аҳволини ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Энди тўй чоғидаги ҳаражатларни қаранг: базм куни олтистти яшик ароқ ичилади. Минг сўмга тўйни видеога тушириш келишилади. Ҳаваскор артистларга икки-уч минг сўм берилади. Камида битта-иккита ҳўкиз, икки-учта қўй сўйилади.

Бу дахмазаларни ҳеч ким уйлаб топмаган, лекин неча йиллардан буён урф-одатга айланиб қолган. Мабодо, буларнинг бирортасини қилмасангиз, маҳаллада гап-сўз кўпайиб кетади. «Фалончи қиз кимдан кам? Тўйи расво бўлиб ўтди. Отаси «вечер» қилиб беришни ҳам елчитмади, сепига яхши нарсаларни юбормапти... Тагин улар культурний тўй қилаётган эмишлар...»

Қизиқ, бир неча ўн минг сўм пулнинг бошига етадиган қалин харажатлари ва бошқа расм-русмларнинг севгига нима дахли бор? Йигит-қиз севишдими, оддийгина тўй қилаверишсин-да. Бундай ортиқча дахмазалар айрим қули калта оилаларнинг фарзандлари муҳаббатига раҳна солмаяптимикин? Қишлоқ оқсоқоллари йигинлари, хотин-қизлар кенгашлари бу долзарб масалалар билан қачон жиддийроқ шуғулланишади? Ортиқча исрофгарчиликлар, дабдабалар қачон барҳам топаркин?

Менинг фикр-мулоҳазаларимга қўшилиш ёки қўшилмаслик сизнинг ихтиёрингизда. Бироқ, Робиндранат Тагорнинг мана бу сатрларини эсланг:

Оламда муҳаббат бор. Муҳаббат зўр куч экан...

Жовли ХУШБОҚОВ

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МАРДОНА, МОҲИРОНА РАҚС

Санъатнинг шоҳона турларидан бири рақс инсон қалбига ором, кўзларига нуру завқ бериши, яйратиши азалий ҳақиқатдир. Ҳинд ва испан — андалуз рақслари ғоятда ҳаяжонли, аммо фарғонача бебаҳо ўзбек рақсининг довруғи дунёга кетгани, ер юзидаги миллионларни ҳаяжонга солгани асло муболаға эмас. Жавоҳарлаъл Неру ҳазратлари: «Бобуршоҳдан кейин Мукаррамхоним иккинчи бор Ҳиндистонни ўз рақси ила забт этди...» деб бадиий ўхшатиш қилгани бежиз эмас. Зотан, кичик бир санъаткорнинг ўз она юртига ўзга мамлакатлар халқлари меҳр-муҳаббатини тортмоқлиги ҳазилакам гап эмас! Шу сабаб, камина «Темур Малик» романимда раққоса Нигинанинг маҳорати, жамолини, муҳаббат қудратини бутун бир лашкарга қиёс этган эдим.

Бу даромад сўзлар катта истеъдод эгаси, ҳақида. У эркаклар рақси билан қизлар рақсининг фарқи қолмай, мужмаллашиб, анча йиллардан буён энсани қотириб келаётган бир даврда мардона, фарғонача — йигитона ўйинимизни ажратиб олиб, беқиёс маҳорат билан ижро этиб (ҳар бир рақс машқида у эриб, бир қошиқ сув бўлиб кетади...) юртга кўрсатмоқда. «Бу, тоғдаги босмачилар ўйини-ку!» деб, илгари шундай истеъдод эгаларини Куйбишевга ўхшаган сиёсатдонлар йўқотиб юборган эди. Аллоҳга минг қатла шукрки, биз тилга олмоқчи бўлган раққос анча кейинроқ дунёга келибди.

Самарқанд осмонида эмас, бутун ўзбек миллий рақси осмонида бир ёруғ юлдуз пайдо бўлди, у ғоятда диққатимизни тортиб, хурсанд этмоқда. Ҳасадли кўзлардан уни Аллоҳ ўзи асрасин, баъзи беистеъдод, ўзини ҳамма ёққа ураётган, санъатни пулга сотаётган кимсалардан эмас. У ҳали номи тилга тушмаган санъаткордир. Ёзувчилар назаркарда инсонлар бўлади; мақтови ҳам, қарғиши ҳам ўткир, улар севган истеъдод барқ уриб камол топади. Шунинг учун ҳам у ёзувчи.

Бу ёруғ юлдузнинг номи Нарзиддин Шерматовдир. Унинг вақти етиб, Мукаррамхониму Вийжантимала, Нуриеву Бейшаналиевалар каби дунёдаги улуғ санъаткорлар сафига киришига иймоним комил. Югурганлар эмас, буюрганлар халқ дилига тушади!

Юқорида айтилганидек, Нарзиддин — мўъжиза, унинг вужудидаги Сирдарёдек оққан қудрату ғайрат, замон компютеридек бир дақиқанинг мингдан бирида миллионлаб ҳаракатта раҳбарлик қилаётган зако-тафаккур, беҳисоб машқлар самараси ўлароқ етилган инсоний гўзал пайлар, жисму жамоли, худо берган касбига муҳаббат... Самарқанд рўйи заминида вояга етибди. Ота-онангга балли, улар ўзбек халқига бир катта иқтидорни совға этибдилар!

Яхши рақсга тушмоқ мумкин, аммо Нарзиддин Шерматов чангда қолиб, бузилган, ўзга, бемаҳорат қўллар тегиб, сийқаси чиққан йигитлар рақсига жон бериб, уни яратди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона рақслари қандай гўзал! Илгари уялиб кўрадиган рақсимиз ўрнини мардонавор, чинакам йигитлар рақси олди. Кавказда ўйин билмайдиган кимса йўқ. Бу — яхши! Бизда эркаклар рақсга тушмас, сўмрайиб ўтириб, фақат қизларни томоша қилардилар. Имом Ҳожа Аҳмад Яссавий тўғри айтганлар: «Тўпланиб бир неча бўйиний йўғонний, ўртага солурлар қийзу жувонний...»

Ҳа, Нарзиддин Шермат боласи шер бўлиб, йигитлар рақсини тиклади, энди, йигитлар фақат томошабин бўлмайди. Нарзиддиннинг маҳорат-қудрати туғёнларни очиб юборди, энди унинг кетидан кўплаб санъаткорлар эргашиб, рақс санъати наҳримиз тўлиб, айқириб оқади. Адабиёт ва санъатнинг юксалиши мустақиллигимиз бахти демакдир. Кимда ким буни тушуниб етмас экан, катта хатоликка йўл қўйган бўлади.

9 июн куни Ўзбекистон телевидениесида Нарзиддин Шерматов санъатига бағишланган кўрсатув берилди. Хас-чўплар, орасида қолган ноёб гавҳар кўзга ташланиб, топилди. Камина бу раққосни кўпдан буён кузатиб келардим. Офарин!

Хушовоз хонанданинг куйлари жонга роҳат,
Сен қандай хонандасан, жим турсанг жонга роҳат...—

деган эди улуғ Шайх Саъдий. Баъзи «санъаткор»ларнинг сурункасига кўриниши жонга теккан эди. Ойнаи жаҳон Нарзиддин Шерматов донғини кўтарди, ўзи ҳам катта обрў топди. Қуруқ ва узун тузсиз гаплар истеъдодсиз концертлар энди меъдага тегмасин! Яқин келажакда телевидениемиз, хомхатала, думбул гапу кўрсатувлардан ҳоли бўлишига иймонимиз комил, Шермат ўғлидек санъаткорларга эшик очилди.

Азизим Нарзиддин! Одамлар сени кўриб барака топ, болам, деяптилар, вақти келиб, сенинг санъатинг ҳақида мукаммалроқ ёзармиз, умринг Самарқанддай боқий, ҳаётинг Амир Темур соҳибқирондай долғали, зўр ва матонатли бўлсин.

Даврон ЗУННУНОВ:

«ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛСАМ...»

Суҳбатдошим ўзига хос овозга эга бўлган, эшиттиришларга «жон» киритадиган таниқли телевидение диктори Даврон Зуннунов. У кишининг дикторликдек масъулиятли ва фахрли ишни бошлаганларига ҳам 35 йил бўлиб қолди. Самимий, дилкаш, кенг феълли инсон. У киши билан суҳбатимиз самимий бўлди.

— Даврон ака, дикторликка қандай кириб келгансиз?

— Кечагидек эсимда. 1961 йили институтнинг иккинчи курсида ўқирдим. Бешинчи курсда ўқийдиган Турғун Бегматов деган акамиз бир куни: «Давронбек, яхшигина овозингиз бор экан, радиодаги Оқил ака Убайдуллаев деган диктор билан таништириб қўйсам», дедилар. Шу тариқа Оқил ака билан танишиб олдик. У киши мени республика радиосига олиб бордилар. Бир неча киши овозимни эшитиб кўришди. Маъқул келдим шекилли, «Қатнашиб туринг», — дейишди. Шундай қилиб, олдинига Тошкент вилояти, шу билан бирга республика радиоси эшиттиришларида қатнаша бошладим ва Ўзбекистон халқ артисти Қодир ака Махсумовнинг назарига тушиб қолдим.

— Қодир Махсумов устозингиз экан-да?

— Ҳа, илоё худо раҳматига олган бўлсин, Қодир акадек ажойиб инсон устозим бўлганидан фахрланаман. Ўта талабчан, ўз ишининг ҳақиқий устаси, самимий инсон эдилар. Устознинг ажойиб одатлари бор эди: ишда ўта талабчан, жиддий бўлсалар-да, давраларда хушчақчақ, меҳмондўст, бағрикенг, шинаванда эдилар.

У кишининг тавсиялари ва оқ фотиҳалари билан телевидение кўрсатувларида ҳам қатнаша бошладим.

— Кўпинча санъат оламида юрганларнинг қонига бу касбга муҳаббат она сути билан кирган бўлади...

— Нима демоқчилигингизни тушундим. Йўқ, оиламизда мендан олдин бу соҳага қизиққан бирор кишини эслай олмайман. Раҳматли отамиз Ҳасан Зуннунов илм-фан, айниқса, адабиётга қизиқувчан киши эдилар. У киши узоқ йиллар ўрта мактабда ёшларга ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ бердилар, республика «Ўқитувчилар газетаси»да хизмат қилдилар, анча йиллар «Совет мактаби» журналида бўлим мудири бўлиб ишладилар. Таниқли шарқшунос, адабиётшунос олим, бир неча китоблар муаллифи Шорасул Зуннун эса амаким бўладилар. Менинг адабиёт ва санъатга қизиқишимда отам, амакимларнинг таъсирлари бўлган бўлса, ажаб эмас.

— Дикторлик санъати ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Биласизми, инсонга санъатнинг қайси тури бўлмасин, иқтидор берилибдими, бу энг аввало табиатнинг унга инъомидир. Дикторлик ҳам

шундай — катта санъат. У доимий билим, изланишни талаб қилади. Дикторни миллионлаб телетомошабинлар кузатиб турадилар. Бинобарин, унинг кўриниши, кийиниши, нутқи, экран қаршисида ўзини тутиши, ҳаракатлари — барча-барчаси томошабин назарида. Шундай экан, диктор том маънода миллионлар эътиборига мос, муносиб бўлиши керак.

Бу касб баъзилар ўйлаганчалик, шунчаки телеэкран қаршисида ўтириб олиб, тайёр матнни ўқиб бериш, дегани эмас. Машаққатсиз роҳат бўлмайди. Дикторлик ҳам бошқа касблар қатори қаттиқ меҳнат, ўз устида, айниқса, матн устида жиддий ишлаш, тинимсиз изланишларни талаб қилади. Республика радиоси ва телевидениесининг ўзига хос дикторлик мактаби бор. Бетакрор овози, ажойиб хислатлари билан элга танилган устозим Қодир ака Махсумов, касбини эъзозлаб, тингловчилар қалби тўридан жой олган Р. Ашрапова, К. Халилова радиодаги дикторлар мактабининг илк қалдирғочларидир. Шунингдек, радиодаги устоз дикторлар Т. Юнусхўжаева, Б. Соатқулова, Ҳ. Сафаров, К. Юсупова, Қ. Тожиев, телевидениедаги Ўктам ака Жобиров (марҳум), Насиба Қамбарова, Насиба Иброҳимова билан ишлаган ҳар бир кунимни ҳаётимдаги энг бахтиёр онлар, деб ҳисоблайман.

— Ўрни келганда шогирдларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Минг бора шукроналар айтаманки, телевидениедек улуғ даргоҳда хизмат қилиб, кўплаб дўст-биродар, обрў топдим. Шогирдлар ҳақида айтадиган бўлсам, улардан кўнглим тўқ. Уларнинг телеэкрандаги ҳар бир чиқиши мен учун катта қувонч. Раҳматилла Мирзаев, Дилфуза Юсупова, Мавлуда Аҳмедова, Дилдора Низомхўжаева... мен улардан керакли маслаҳатларимни аямайман.

— Даврон ака, телевидениеда бирмунча вақт кўринмай қолдингиз....

— Бироз муддат соғлиғимни тикладим... Яқинда қадрдон телевидениега қайтиб, ишимни давом эттираяпман. «Ахборот» таҳририятида муҳаррир — шарҳловчиман. Шу билан бирга, телевидение эшиттиришларига чиқаётган ёшларга мураббийлик қиламан. Кези келганда айтишим керакки, кейинги вақтларда телевидениемизда анча-мунча ўзгаришлар рўй беряпти. Кўпгина кўрсатувларнинг савияси ошди, жонланиш сезиляпти. Шунингдек, ижодий ходимларга ҳам эътибор берилаётгани кишини қувонтиради. Бу омиллар яқин вақтлар ичида ўз мевасини берса, ажаб эмас.

— Иш жараёнида фавқулодда кулгили ҳодисалар ҳам бўлиб турса керак?

— Ҳа, бундай воқеалар кўп бўлган. Уларнинг қайси бирини эслайсиз? Биттасини айтиб бера қолай. Ўшанда «Ахборот»ни иккита диктор олиб борар, кўрсатувлар кўпинча эфирга тўғридан-тўғри бериларди. Бир куни ҳамкасбим билан ёнма-ён ўтириб, кўрсатувни олиб бораётган эдик. Ҳаммаси яхши борарди. Кўрсатув ўрталарига келиб кутилмаганда томоғим қичишиб, йўталгим келиб қолди. Ўқиш навбати менга келган. У вақтларда ҳозиргидек микрофонни ўчириб, яна очиб бўлмасди-да. Иложсизликдан йўтални бартараф қилиш учун бир ютиниб олдим. Томоғимдан «қирт» этган овоз чиқди. Микрофон ўта сезгир эмасми, ютиниб олганим ёнимдаги ҳамкасбимга ҳам эшитилди. Овоз ғалатироқ эшитилди, шекилли, ўзини тутиб туролмасдан, кулиб юборди. Кейин ўрнидан турдида, студиядан чиқиб кетди. Бир амаллаб, ўзимга тегишли матнни ўқидим. Навбат шеригимга келди. Қандай бўлмасин, вазиятдан чиқиш керак. Секин шеригим ўтирган столга қўл чўзиб, матн ёзилган қоғозларни олдим ва унинг ўрнига ҳам ўқиб турдим. Хайрият, ҳаммаси жойида бўлди. Ҳали-ҳали ўша воқеани эслаб кулиб юрамиз.

— Даврон ака, мутахассис сифатида умидли ёш дикторлар фаолиятига бироз тухталсангиз.

— Ёш дикторларимизнинг ҳаракати анча яхши.

Бироқ кейинги вақтларда баъзи ёш дикторларимиз тилида ғализлик, шевачилик сезилмоқда. Уларнинг эфирга чиқишга иштиёқи кучли. Аммо ўз устларида ишлашлари ҳам керак-да! Баъзи ёшларимиз бир-икки марта телевизорга чиқиб, босар-тусарини билмай қолишади. Бундай қилиш ярамайди. Ўшандай ука ёки сингилларимга маслаҳатим шуки, ўз соҳангизнинг ҳурматли кишиси бўлишни истасангиз, оддий, камтар, самимий бўлинг. Шундагина томошабин назаридан тушмайсиз. Пайтдан фойдаланиб, кўрсатувлари телетомошабинларга манзур бўлаётган ёш журналист ука-сингилларимдан Абдуҳаким Турғунов, Рўзибой Қўлдошев, Анвар Рашидов, Қобилбек Каримбеков, Севара Турсунова, Муҳаммаджон Обидов, Гулнора Маҳкамова қизиқарли кўрсатувлар тайёрлаётганларини айтиб ўтмоқчиман. Улар билан ҳамкорликда ишлаётган ўз касбининг моҳир усталари — режиссёр Мирсиддиқ Устабобоев, Абдухалил Эгамбердиев, Қодир Сулаймонов, Ҳасан Мирбобоев, Ботир Шарипов ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдиргим келади.

Даврон ака билан узоқ суҳбатлашдик. Бу одам яхши ижодкорлар бўлиш билан бирга, оилапарвар одам. Рафиқалари Мамлакатхон опа ҳамкасблари. У киши республика радиосининг «Ватандош» эшиттиришида дикторлик қиладилар. Катта ўғиллари Мардонбек телевидениеда тасвирчи бўлиб ишлайди. Касбига қизиқади, ишидан мамнун. Қизлари Дилнозахон радиожурналист, иккинчи ўғиллари Сардорбек қурувчи, учта набиралари бор.

Даврон ака аввало, одамларга яхшилик қилсам, дейди. Бировларнинг корига яраса, оғирини енгил қилса, ўзини бахтли ҳисоблайди. «Яхшилик» деган сўзни ҳаётининг мағзи деб билади. «Мен учун энг катта қувонч,— дейди Даврон ака, — телетомошабинларнинг илиқ фикрлари, дил изҳорлари, кўрсатувлардан мамнунликлари. Санъаткор учун энг муҳими ҳам шу бўлса керак»...

Юсуф ҲАМДАМОВ
суҳбатлашди

МЎЪЖИЗА ҚАРШИСИДАГИ ЎЙЛАР

Ёшлар тарбиясида телевидениенинг ўрни ҳақида айрим мулоҳазалар

Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбеккино» ҳамда «Ўзтелерадио» ҳақида қабул қилган ҳар икки фармонларида ёшларда замонавий дунёқарашни шакллантириш, юксак маънавий фазилатларни тарбиялашда аудиовизуал санъатларнинг хизмати нақадар катта ва масъулиятли эканлиги алоҳида қайд этилган.

Ёшлар тарбияси борасида режалар тузиш ва уларни педагогик, илмий, ижодий, ижтимоий фаолиятимизда амалга оширишда ҳам мазкур фармонлар руҳидан, аниқ кўрсатмалардан келиб чиқишимиз табиий. Зеро, миллий кино ва телевидение ҳақида қабул қилинган мазкур ҳужжатлар оммавийлашиб кетаётган санъатларимиз тараққиётида муҳим босқич бўлишига ишонамиз.

Дарҳақиқат, тарбия соҳасида санъатлар ичида энг муҳимларидан бири телевидение бўлиб қолди. Бунинг сабаби кўп. Биринчидан, асримизнинг сўнгги чорагида «электрон маъбуда» — телевидение мустақил санъат сифатида шаклланиб, ҳар бир хонадонни забт этди. Қадимда Юнонистонда театр, Уйғониш даврида тасвирий санъат, XIX асрда адабиёт инсоният заковатини оширишда кўпроқ хизмат қилиб келган бўлса, замонавий оммавий ахборот воситаси ҳамда тасвир, овоз, электрон монтажга таянган санъатни ўзида синтез қилган ТВ мўъжизаси пайдо бўлди. Шундай қилиб, эринчоқ томошабин хонадонига театрнинг саҳнага мосланган спектакли, махсус концерт залида ижро этилиши кўзда тутилиб ёзилган симфоник мусиқа, катта экран эстетикаси назарда тутилиб суратга олинган кинофилм, кўргазма залида кўрсатилиши лозим бўлган экспонатлар, полотнолар «кириб келди»...

Иккинчи сабаб, қудратли техникага таянган ТВ миллий қадриятлардан озиқ олиши, турли студиялар, компаниялар билан узвий алоқада бўлгани ҳамда шу кун воқеаларини ҳам, ўтмиш саҳифаларининг бадиий тасвирини ҳам кичкинагина экранда намоён эта билиши туфайли тезда шуҳрат қозонди.

Эндиликда беқиёс имкониятга эга телевизион санъатдан ўқув ва тарбия ишларида, бадиий дидни ўстиришда, турли тайёргарликка эга бўлган телетомошабинларга маънавий озиқ беришда фойдаланиш ҳамда унинг кўмагида ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш масаласи кун тартибига қўйилди. Бу муаммолар ҳал этилса, аввало, ёш томошабинлар — ўқувчи ва талабалар, аскарлик хизматини ўтаётган йигитлар ҳамда ёш мутахассислар, қишлоқ йигит-қизлари наф кўриши ўз-ўзидан маълум.

Телевидение санъатлар оиласида энг «демократик» тур бўлиб, у бир вақтнинг ўзида шаҳар ва қишлоқ аҳолисига, академик ҳамда тижорат ходимига, нуроний отахон ҳамда бошланғич мактабдаги ўқувчига хизмат қилади. Кичик гуруҳлардан иборат бу жуда катта «телетомоша зали» аста тарқаб кетмаслиги учун асар мавзуси ва қаҳрамони кўпчиликда қизиқиш уйғотиши, телемаҳсулотнинг шакли ихчам, мазмунан теран бўлиши, таъкидлайман, телеэкран эстетикасига тўла-тўкис жавоб бериши талаб этилади. Кўпгина телевизион асарларга шундай бадиийлик мезони билан баҳо берадиган бўлсак, очиғи, қониқиш ҳосил қилмаймиз. Теледастурлар баъзи ўринларда талаб даражасида эмаслиги кўз ташланади. Драматургиядаги юзакилик, сохталик, режиссурадаги бадиий қашшоқлик, тасвирдаги нўноқликни кўриб, телевидениеда аввало малака, бадиий дид, эстетик мустақиллик масалалари ҳал этилиши зарурлиги ҳақида ўйлаб қоласиз. Таълим-тарбия бобида айтилган гапнинг мазмуни билан бирга ўша гапнинг шакли, қурилиши, талаффуз этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бинобарин, ёшларга умуман, барчага аталган теледастурнинг мавзуси қизиқарли бўлиши билан бирга, фалсафий пойдевори бақувват, шакли гўзал, олиб бориш мароми, тасвир ва овоз воситалари ўзаро уйғун бўлиши, энг муҳими, экран томошабинда олижаноб ҳис-туйғулар уйғотиши, чуқур мушоҳада қилишга ундаши лозим. Юртбошимиз И.А. Каримовнинг гўзал Францияда бўлиши, маъруза қилиши, суҳбатлашишини акс эттирган лавҳалар телевидениенинг техник ва эстетик имкониятлари беқиёслигини, телепублицистика қандай бадиий умумлашмаларга келиши мумкинлигини яна бир бор эслатди. «Сўнгги қатағон», «Домла», «Қуёши ботмайдиган юрт» видеофилмлари эса кўпсерияли телеасарларни бунёд этиш учун ҳаётимиз, ўтмишимиз, қолаверса, адабий меросимиз битмас-туганмас манба бўла олишини яна бир карра намойиш этди.

Масаланинг бир мураккаб томони бор. У телеэстетика, телевидение маҳсулотини кўра билиш, мағзини чақа билиш, таҳлил қилиш, баҳолаш билан боғлиқ. Томошабинлар, аввало, ёшлар санъат асарларини, жумладан, ТВ дастурини баҳолашлари учун зарур эстетик асослар билан қуролланган бўлишлари керак. Бадиий дидни тарбиялаш эса оилада, болалар боғчасида бошланиб, олий ўқув даргоҳларида шаклланади. Ҳозирча ўқув юртлари дастурида бундай назарий-амалий машғулотлар йўқлиги ҳамда талабалар ва ТВ мутахассислари ўртасида доимий мулоқот бўлмаслиги туфайли ТВнинг синтетик табиатини ҳамда унинг миллий қадриятлардан озиқ олиш йўлларини, телевизион тасвирнинг ўзига хослиги ҳамда теледраматургия, телережиссура асарнинг экрандаги тақдирини ҳал этишини билишлари зарур бўлиб қолди. Она тили ва хорижий тиллар қандай ўрганилса, тасвир тили, монтаж турлари ва имкониятлари, катта ва кичик экран композициялари, сўз ва ранг, сўз ва ҳаракат, сўз ва ҳолат, контрапункт, ракурс, турли йирикликдаги планлар тўқнашуви сирлари шунчалик ўрганилиши керак.

Айниқса, педагогика олий ўқув юртларининг барча факултетларида телеэстетика дастури киритилиши, бўлажак муаллимлар ТВ ва кино назарияси, тарихи, табиати, имкониятлари ва чегаралари ҳақида чуқур тушунчага эга бўлишларини таъминлаш зарур, деб биламиз. Акс ҳолда «Бойлар ҳам йиғлайди» каби заиф асарлар томошабин психологиясига салбий таъсир кўрсатади, уни жўн сюжетга, ҳаётийликдан узоқ бўлган ечимларга ўргатиб қўяди. Бундай асарлардан кейин бадиий тили мураккаброқ, ҳаёт диалектикасини таърифловчи бақувват видео, теле, кинофилмлар, ҳақиқий телеспектаклларни ўша томошабин қабул қилиши оғир кечади. Яна бир гап: Президентимиз И. А. Каримов «шафқатсизликни тарғиб қиладиган» материаллардан фойдаланишга йўл қўймасликка даъват этдилар. Ана шундай ғоя телеасарда тарғиб этиляптими ёки унга қарши фикр уйғотиши, курашга отлантириши мақсад қилиб қўйилганми? Ана шуни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик психологиясини ўрганиш, асарнинг бош ғоясини очишда синтетик санъатнинг турли воситалари қандай «юк» ташийди-ю, пировардида, қандай ечимни таъминлайди — буларнинг барчасини фақат теле, кино мутахассисларигина эмас, кўпчилик, айниқса, таълим-тарбия билан шуғулланаётганлар ҳам ўзлаштиришини замон талаб этмоқда. Компютерни ўзлаштириш илмий, ижодий, ташкилий фаолиятимизда кўпроқ ўзимизга, бир-икки ташкилотга наф келтираётган бўлса, теле-киноэстетикани олим, муаллим, талаба ўзлаштириши миллионлар аудиториясига фойда келтиради.

ТВ ёшларни санъат, илм-фан оламига бошлайди. Ижод этишга ундайди. Ижод ғунчасини ўз вақтида сезиб, кўра билиб, парвариш қилсак, у самара беришини, жамиятга фойда келтиришини ёдда сақлайлик. Л. Толстойнинг кузатишларини, хулосаларини эсланг: ўқувчи мактабда бирор нарсани бунёд этишни ўрганмаган бўлса, кейинчалик — бутун умри давомида кимгадир тақлид қилиб, кимдандир нусха олиб юради... ТВ эса ёшларга ижод нашидасига тўлиб-тошган дамларни ҳадя этиши мумкин.

ТВ муайян шахсни, жумладан, йигит ва қизни жамият билан чамбарчас боғлаши мумкин. Бу ўринда экрандаги ёшларни ҳам, экран ортидаги — хонадонларимиздаги ёш авлодни ҳам назарда тутмоқдамиз. Экранда буюк Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти, мусулмон маданиятининг ривожи ва тарқалишидаги хизматлари ҳақида янги маълумотлар келтираётган ва уларни шарҳлаётган (телевизион услубда!) олим — у ким бўлишидан қатъий назар, мустақиллик шароитида пайдо бўлган соғлом муҳитда етилган фикрни кўпчиликка етказаётган ҳур Ўзбекистон вакили сифатида қабул этилади. Шу шахс экран ортидаги қанчадан-қанча кишиларни бирлаштириши, илҳомлантириши, уларда миллий ғурур жўш уриб ижод этишга, ақлни чархлашга, ўтмишни чуқурроқ ўрганишга ундаши мумкин. Экранда ҳаяжон билан ҳикоя қилаётган шахс бирор кашфиётни, янги ҳужжатни бир йўла кўпчиликка етказаётган дамда янгитдан ўзи учун ҳам ихтиро қилаётгандек бўлади, буюк аждодлари билан фахрланаётгани эса сўзида, қиёфасида, мантиқий далилларида, ҳаяжонида ҳам кўзга ташланади қолади. Яъни телеэкран оз фурсатда шахсни жамият билан, унинг турли ёшдаги вакиллари билан бирлаштиради. Ёки, аксинча, хонадонлардаги уй бекалари, талабалар, олим ва ижодкорлар ҳузурига биз тилга олган фан заҳматкашини «бошлаб келади». Бу ўринда яна аввалги мулоҳазамизни эслатиб ўтамиз: гап ҳақиқий телевизион шаклга эга бўлган дастур ҳамда телеэстетикадан бохабар томошабин ҳақида кетяпти.

«Ёшлар ва аудиовизуал санъатлар» мавзуининг биргина — торроқ маънодаги қисмини ёритишга уриниб кўрдик. Бу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, йигит ва қизларимизнинг миллий маданиятимиз таркибидаги телевидениега муносабати, ёшларга аталган кўрсатувлар рейтинги, мутолаа қилиш тажрибаси ва кўриш психологияси, кўра олиш қобилияти каби мураккаб муаммоларни ҳам изчил ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш зарурлигини қайд этамиз. Президентимизнинг «Ўзбеккино» ҳамда «Ўзтелерадио» ҳақидаги фармонлари ижодий, молиявий, ташкилий ишлар билан бир қаторда телевидениешунослик ва киношунослиқдаги илмий-тадқиқот ишларини жонлантириб юборади, деб ўйлаймиз. Бинобарин, Олий ўқув юртларида телевидение санъат ва оммавий ахборот воситаси сифатида ўрганилиши учун қулай шароит вужудга келади.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
профессор, ТошДУ
телевидение ва радио
кафедраси мудири

Эзгулик инсонни мудом комилликка ундайди, яхшилик ҳамиша жамият тараққиётига хизмат қилади. Шу жиҳатдан қараганда, жумҳуриятимизда мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловини ўтказиш борасидаги ташаббус ҳам ниҳоятда хайрли тадбир бўлди. Унинг туман-шаҳарлар ва вилоятлар миқёсида бўлиб ўтган дастлабки босқичлари халқимиз орасида ижодга — санъатга ошно истеъдодлар жуда кўплигини кўрсатди. Бу ўзига хос маҳорат кўриги бе-

УМИДЛИ ДУНЁ

Илк қадам

кободлик ёш хонанда Умиджон Халиловни ҳам элга танитди, таъбир жоиз бўлса, уни «кашф» этди...

Умиджон асли қардош Тожикистоннинг жумҳуриятимизга туташ Нов шаҳрида — зиёли оиласида туғилиб ўсган. Отаси Мақсудхон ака журналист эди. Узоқ йиллар туман газетасига муҳаррирлик қилган, республика газетасининг вилоят мухбири бўлиб ишлаганди. Эл-юртга нафақат журналист, балки дилкаш шоир, маҳоратли таржимон ва мунаққид сифатида ҳам танилганди. Афсус, умри қисқа экан... Ундан хотира бўлиб 300 дан ортиқ шеър, иккита тўплам, биттадан қисса ва драма, 7 та таржима асар... ва яна санъатга ихлос қўйган 6 фарзанд қолди.

...Умиджон болалигиданоқ қашқар рубобини яхши чаларди. Новдаги мусиқа мактабининг умидли ёшларидан ҳисобланарди. Шу боис 15 ёшида Душанбеда ўтказилган ёш мақомчиларнинг жумҳурият кўригида биринчи ўринни олди. Вилоят миқёсидаги «Бўстон», «Ганжина» танловлари ғолиби бўлди. Илк муваффақиятлар унинг қалбида мусиқа сирларини янада чуқурроқ ўрганиш иштиёқини туғдирди. Ана шу мақсадда мактабни битиргач, аввал Хўжанддаги Ҳофиз Содирхон номидаги мусиқа билим юртида ўқиди, сўнгра Тошкент Давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси факултетида таҳсил кўрди. Пировардида, қашқар рубоби бўйича мутахассис бўлиб етишди. Эндиликда, тўрт йилдирки, Бекобод мусиқа билим юртида ўқитувчилик қилмоқда, ёшларга анъанавий ижрочилик усулларини ўргатмоқда. Устозлари Абдураҳмон Бобоев, Исмоил Қурбонбоев, Кенжавой Норматов, Рифатилла Қосимовлар йўлидан бормоқда.

Умиджоннинг ютуғи шундаки, у ўқитувчилик қилиш билан бир қаторда, ўз истеъдодини шакллантириб боришга ҳам интилди. Натижада 1993 йилги «Истеъдод» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашди. Алишер Навоийнинг «Назора қил» ғазали билан айтилувчи қўшиқни маромида куйлаб, фахрли иккинчи ўринни олди. Кейинги йили Юнус Ражабий ва Ҳожи Абдулазиз асарлари ижроси кўрик-танловида яна бир ютуқни қўлга киритди. Ҳожи Абдулазиз мусиқаси, Фазлий ғазалига Вола мухаммаси билан айтиладиган «Бозирғоний» қўшиғи ижроси учун совринли ўринга сазовор бўлди. Булардан ташқари, шаҳар доирасида ўтказилган «Камолот—95» беллашувида ҳам ғолиб чиқди.

Албатта, устоз санъаткорларга эргашиш, асрлар оша сайқал топган мумтоз куй-қўшиқларни юракдан куйлаб, ижро этиш хайрли иш. Бироқ санъаткорнинг ўз қўшиқлари, ўз овози бўлмаса, у узоққа боролмайди, аксинча, шунчаки тақлидчига айланиб қолади. Тақлидчилик эса санъат оламида иллат ҳисобланади. Буни Умиджон ҳам вақтида англаб етди. Шунга кўра, Шашмақом йўлларини ўзлаштириш билан бир қаторда ўз қўшиқларини яратишга ҳаракат қилди. Ҳарқалай, интилишлари зое кетмади. Унинг Навоий, Фурқат, Чақирий, Садоий, Дилафкор, Тўра Сулаймон, Назармат, Сулаймон Раҳмон, Хушнуд, Олимжон Холдор, Мақсуд Халилов, Тўлқин Сулаймонов, Розия Холхўжаева каби шоирларнинг шеър ва ғазаллари асосида яратган ўттизга яқин лирик қўшиғи томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Умиджон «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида иккита қўшиқ билан қатнашди. Бу ўринда баъзи санъаткорлар ёки ҳаваскорларга ўхшаб, фақат таниқли ижодкорлар билан ҳамкорлик қилишга шошилмади. Аввало, ўз ҳамюртлари бўлмиш шоир ва мусиқачилар билан биргаликда иш тутди. Бекободлик шоир Малик Эгамовнинг «Юртим», новлик шоир Дилмурод Ҳожимуродовнинг «Ўзбекистон — онажоним» шеърини қўшиқ қилишга жазм этдим. Улардан бирига Бекобод туманидаги «Зафар» тароналари» ансамбли бадиий раҳбари Азимжон Муминов, иккинчисига Умиджон билан бир жамоада ишлаётган мусиқа ўқитувчиси Комил Бобожонов куй басталади. Ижодий ҳамкорлик ўз самарасини берди. Умиджон шаҳар кўрик-танловида ҳар иккала қўшиғини ижро этиб, биринчи ўринга, вилоят кўригида эса «Ўзбекистон — онажоним»ни айтиб, фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

— Турли мавзуларга бағишлаб ўтказилаётган маҳорат кўриклари, шубҳасиз, истеъдоднинг шаклланишида катта аҳамият касб этади, — дейди Умиджон мамнуният билан. — Бундай тадбирларда, албатта, омади чопган киши ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олади. Лекин, менимча, санъаткор учун яна битта чўнг бахт бор. У ҳам бўлса, эл эътирофи, мухлислар олқиши. Агар, омадим чопиб мен ҳам келгусида ана шундай шарафга муяссар бўлолсам, ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳисоблардим.

Ҳақ гап. Шу ҳақ гап Умиджоннинг умидлари рўёбга чиқишида ҳамиша йўлдош бўлсин, унинг ҳаёт йўлини ёритиб турсин.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Қутлаймиз!

МЎЪЖИЗАЛАР МАСКАНИДАГИ ЗАҲМАТКАШЛАР

Боғча ва мактаб болаларининг театрга боришларини кузатганмисиз: худди байрамга ўхшайди. Улар саҳнадан, актёрлардан ҳар сафар мўъжиза кутадилар. Ва албатта, ҳар гал бирор мўъжизанинг гувоҳи бўладилар: ё шаҳзода барча ёвуз кучларни енгиб, маликани қутқаради, ё бўлмаса бўри бир ўгирилиб кампирга айланиб қолади. Жажжи инсонларни ғаройиботларга ишонтириш, уларни эртакларнинг сирли оламига етаклаш ҳам осон, ҳам қийин. Осони шундаки, бола кўнгли беғубор ва ишонувчан. Қийин томони шундаки, бола билан мулоқотда сохталик, ёлғон кетмайди. Бундай вазифани уддалаш болалар театри актёри учун осон кечмайди. Айниқса, ярим асрлик пиллапояга қадам қўйган актёрларнинг бундай мураккаб ижод жараёнини оғишмай ўтаётганлари таҳсинга сазовордир.

Бугун Йўлдош Охунбобоев номидаги ўзбек Ёш томошабинлар театрининг бирданига уч актёри — икки баҳодири ва бир маликаси юқорида айтганимиз мураккаб ижод йўлини муваффақиятли босиб ўтиб, ярим асрлик қутлуғ ёшларини нишонламоқдалар.

Улардан бири актриса Муҳаббат Муҳиддиновадир. Сиз уни бир вақтлар «Этик кийган мушук», «Уз уйингдасан», «Бургут», «Ревизор» каби спектаклларда кўргансиз. Ҳозир эса бу актриса ҳар янги йил томошаларида Қор момо образида чиқиб, фарзандларингизга

зи — ақлнинг кўзи», «Телевизион миниатюралар театри» кўрсатувлари, «Табассум» радиоэшиттириши ва радиопостановкалар орқали ҳам яхши танийдилар. Театрда «Қовоқвой ва Чаноқвой», «Думбулбойвачча», «Зафар ва Зуфар», «Бургут», «Ревизор» ва бошқа кўплаб спектаклларда ролларижро этган. Лекин бу актёрнинг бошқалардан фарқли яна бир фазилати бор: у яхшигина карикатуралар чизиб, кичик ҳажвий асарлар ёзади. Актёрнинг бу ижод фаолиятига кўзингиз тушган бўлса ажаб эмас.

Худоёр Тошпўлатов ҳам «Бургут», «Кел, дуст бўлайлик», «Ревизор», «От кишнаган оқшом» ва бошқа ўнлаб спектаклларда эсда қоларли образлар яратган. Ҳа айтганча, у Ҳ. Низомиддиновнинг ҳамқишлоғи. Агар М. Муҳиддинова Тошкентда туғилиб ўсган бўлса, ҳар икки баҳодир Жиззах вилоятидаги Қўйтош кончилар шаҳарчасида бирга ўсиб-улғайдилар. Тақдир шарофати билан бугун бирга ижод қилмоқдалар.

Агар таъбир жоиз бўлса, бу актёрлар фаолиятини заргар ишига қиёслаган бўлардик. Чунки улар ўзлари ижро этаётган ҳар бир ролга шунчалик усталик билан сайқал берадиларки, болаларга уларнинг ёшлари ҳам, кўринишлари ҳам сезилмай кетади. Бу айтишгагина осон. Чунки саҳнада шодлик улашмоқда. Шунинг учун бугун театр саҳнасида қўйилаётган кўпгина спектаклларни ютуғида Муҳаббат Муҳиддинованинг ҳиссаси бор. У болалар театри актёри худди уларнинг ўзларидек юмшоқ, соддадил бўлиши лозимлигини, шундагина роллари самимий чиқиши мумкинлигини яхши ҳис этади.

Ҳайитали Низомиддиновни эса томошабинлар «Оталар сўзларига қандай келган бўлсалар, бугун ҳам шундай келяптилар. Фақат бугун уларнинг талаблари бошқачароқ. Илгари, ўзимиздан ҳам қиёс, улар соддароқ, ишонувчанроқ эдилар. Ҳозир эса фан-техника ниҳоятда юксалиб, ҳамма ишлар компютерлашиб бораётган бир даврда болаларни шунчаки нарсалар билан қаноатлантириб бўлмайди. Энди янада ҳушёрроқ, билағонроқ бўлиш талаб этилади.

Бизнинг уч хил характерли, ўзига хос ижод йўлига эга бўлган қаҳрамонларимизни бир нарса анчадан буён ташвишга солиб келади. Очиғи, бу нарса бизни ҳам кўпдан ўйлантирали. Қани энди барча нарсага ҳайрат кўзи билан боқувчи, дунёни фақат гўзаллик ойнаси остидан кўрувчи кичкинтойлар томоша кўрадиган даргоҳ уларнинг ҳайратларига мос бўлса! Театр остонасига қадам қўйишлари билан уларни эртаклар қаҳрамонлари қиёфалари, ажойиб фавворалар, гўзал манзаралар қарши олса! Ёпёруғ фойеларда жаннатмакон юртимиз келажагидан ҳикоя қилувчи суратлар турса, турли ўйинлар ўтказилса... Булар фақат орзу эмас, ҳақиқат бўлишини қаҳрамонларимиз қатори ҳаммамиз ҳам истаймиз. Эришса бўладиган ва амалга ошадиган истак бу.

Бугун эса Муҳаббат опа, Ҳайитали ва Худоёр акаларнинг ўша эзгу орзуларидан ташқари, фақат ўзларига тегишли бўлган кичик ниятлари ҳам бор. Айтайлик, М. Муҳиддинова бирор яхши асарни режиссёр сифатида саҳналаштиришни, Ҳ. Низомиддинова ҳажвий асарларини китоб ҳолида чоп эттиришни ўйлайди. Ҳ. Тошпўлатовнинг юрагида ҳам шунга ўхшаш бир ният сирлигича турибди...

Болалар хизматида бўлиб, умр дафтарининг ярим асрини босиб ўтганларини сезмай қолганларининг сабаби шуки, актёрларнинг кўнгиллари ҳали ёш, қалбларида ҳали болаларни хурсанд қилиш иштиёқи сўнмаган. Биз ана шу иштиёқ ҳамиша алангаланиб, унинг чўғидан фақат болалар эмас, санъат бўстонига қадам қўяётган ёш актёрлар ҳам баҳра олиб туришларини тилаб қоламиз.

Гулчеҳра УМАРОВА,
Саида СОТИМХОН қизи

ЯНГИ ТОМОШАЛАР

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят давлат театрининг Ҳасан Убайдуллаев қаламига мансуб «Мангулик йўлдоши» деб номланган янги саҳна асарини ёш томошабинлар хушнуд қарши олдилар. Спектаклни ижтидорли режиссёр Илҳом Норматов саҳнага олиб чиққан. Асосий ролларни Г. Уринова, С. Алиева, Р. Абдуллаева, А. Лапасов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

* * *

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон давлат театри ижодий жамоаси Ёркин қаламига мансуб «Йиртқич бури панд еди» спектакли билан ёш томошабинларни хурсанд этди. Эртак руҳига мос саҳна безакларини рассом Ноила Қораева ишлаган. Спектаклни Равшан Ёриев саҳнага олиб чиққан. Қ. Иброҳимов, Ф. Тошов, М. Аминова, Г. Ризаева, С. Жалилова каби актёрлар билан бирга, театрда ташкил этилган болалар студиясининг бир гуруҳ қатнашчилари ҳам спектаклда ролларни ижро этишмоқда.

* * *

Навоий вилояти Фарҳод маданият саройининг халқ театри ижодий жамоаси жажжи мухлисларга «Эртаклар оламига саёҳат» деб номланган янги дастурни тақдим этди. Худойназар Аҳадов саҳнага олиб чиққан томошада болалар ўзбек, рус халқ эртаклари қаҳрамонлари билан учрашадилар. Томошадаги асосий ролларни С. Азимова, С. Ҳасанов, Ф. Давронов, К. Қаршиева ижро этмоқдалар.

С. СИРОЖИДДИНОВ

Таниқли суратқаш Равил Албеков—60 ёшда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ
МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Шу йил 26-28 июн кунлари
Марғилон шаҳар маданият ва истироҳат боғида
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб
АЛЛА ИЖРОЧИЛАРИНИНГ УЧИНЧИ АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ
Кўрик-танлов 26 июн куни соат 10.00 да бошланади.
ГОЛИБЛАРНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ 28 июн куни соат 18.00 да бўлиб ўтади.
Кўрик-танловимизга марҳамат, азизлар!

САМАРҚАНДДА ЗИЁ БАЙРАМИ

Яқинда Самарқандда китоб байрами бўлиб ўтди. Келгусида барча вилоятларда давом эттирилажак бу байрамнинг Самарқанддан бошланиши бежиз эмас, албатта. Бу шаҳар минг йиллардан буён илм-маърифат, маънавият ўчоғи сифатида тилга олиниб келади. Байрам соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланди.

Байрамга Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси муовини, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон бошлиқ бир гуруҳ адиблар, ноширлар ташриф буюрдилар.

Ҳар қандай муқаддас кунда аждодларни хотирламоқ қарзу фарз саналади. Шу боис ижодкорлар ҳазрат Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилдилар. Зиёратгоҳнинг рангли буклетини тайёрлаш, «Ҳадис»ларнинг янги жилдларини келтириб бериш ҳақида ноширлар ва Челак тумани ҳокимлиги мутахассислари узаро келишиб олдилар. Шу куни Самарқанд Давлат дорилфунунида истеъдодли олим, журналист, шоир Нуриддин Шукуров таваллудининг 65 йиллиги муносабати билан «Хотира ва шеърият» кечаси бўлиб ўтди.

Зиёратлардан сўнг ижодкорлар Тойлоқ тумани томон йўл олдилар. Бу ерда Амир Темур бобомизнинг қадрдон боғларидан саналмиш — Боғизоғонда мушоара кечаси бўлди. Кечани очар экан, туман ҳокими Абдураҳмон Искандаров шундай деди:

— Туманимизда юздан ортиқ қишлоқ бўлиб, 130 минг аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқларимиз юз фоиз газлаштирилган, саксон фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланган. Бултур ғалладан 42 центнердан ҳосил олган эдик. Бу йил 50 ни мўлжаллаяпмиз. Ғалла ўрими энди бошланди. Адабиётшунос Наримон Ҳотамов даврабоши бўлиб, мушоирани бошлаб берди. Омон Матжон, Раъно Раҳмон қизи, Шавкат Ҳасан ва бошқалар бирин-кетин шеър ўқидилар. Қалблардан тўкилган самимий сўзлар юракларга етиб борди. Ҳофизлар қўшиқ куйладилар. Кеча узоқ давом этди. Бу муқаддас боғда ашъор ўқиш бахтига барча ижодкорлар мушарраф бўлди.

Эртаси куни Ота Турк кўчаси одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда китоблар кўргазмаси ва савдоси ташкил этилди.

Байрам бутун самарқандликларга катта қувонч бағишлади.

Истардикки, бундай байрамлар ҳар йили ўтказиб турилса.

Кўргазма халқ китоб байрамларини согиниб қолганини, одамлар китоб ўқимай қўйди, деган гап ёлғон эканлигини исботлади. Бир соатда бир неча минг сўмлик савдо қилингани бунинг далилидир.

Кўргазмадан сўнг китобхонлар билан дилкаш суҳбатлар бўлди.

Узининг 75 йиллик тўйини нишонлаган Самарқанд тиббиёт билим юртидаги учрашувлар барчада катта таассурот қолдирди. «Камалак» нашриёти директори, шоир Нормурод Нарзуллаев, Қомуслар бош таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари Даврон Шораҳмедов, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бўлими мудири Ҳамид Султоновлар ҳамкасбларининг хайрли ишлари ва келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

«Уқитувчи», «Чўлпон» нашриётлари, «Ғунча» журнали, «Солнишко» ва «Кўзгу» газеталарининг ходимлари Самарқанд шаҳар халқ таълими бошқармасида муаллимлар билан учрашдилар. Бошқарма бошлиғи Майя Раҳимбердиева меҳмонларни мулоқотга таклиф этди.

Суҳбатни Давлат матбуот қўмитаси масъул ходими Раъно Раҳмон қизи олиб борди. У ўз сўзида мустақил мамлакатимизнинг келажаги, фарзандларимизни тарбиялашда дарсликлар, болалар нашрларининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади.

Самарқандда байрам икки кун давом этди. Турли мушоиралар, давра суҳбатларига бой булган бу байрам самарқандликларда катта таассурот қолдирди. Маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган китобни ардоқлаш, ёшлар орасида унга муҳаббат уйғотиш бугуннинг энг долзарб вазифаларидандир. Шу маънода китоб байрамининг яна анъанага айлана бошлагани қутлуғ иш.

Муҳаббат НОРБОЙ қизи.

Дунёнинг ишлари

Руслан КИРЕЕВ

АЙСЕДОРА

У рус тилини билмаса-да, Есенин шеърларини тушунар эди.

Уларнинг тақдири фожиали кечди: севишганларнинг иккаласи ҳам бемаврид ажал топди. Шоир ўзини осиб ўлдирди. Аёл эса буйнидаги оловранг шарфнинг бир учини автомобил ғилдираги тортиб кетгани сабабли бўғилиб вафот этди.

Улар Москва шаҳрида таниқли театр рассоми Якуловнинг ижодхонасида танишиб қолишди. Устахона Боғ кўча (Садовая кольцо) даги кўп қаватли уйнинг энг юқорисида, булутларга бўй чўзган бинода жойлашган эди. Рус болаларига рақс санъатидан бепул сабоқ бергани келган америкалик машҳур раққосани пойтахтда кўчоқ очиб кутиб олишганди. Рассом ҳадеб қистайверганидан кейин янги ташкил этилган рақс мактабининг маъмури Илья Ильич Шнейдер бу ерга аёлни бошлаб келганди.

Шнейдер Есенин ҳамда Айседора Дунканларнинг вафотидан сўнг қарийб ярим асрдан кўпроқ умр кўрди. У 1960 йилда нашрдан чиққан хотираларида уларнинг илк учрашувлари ҳақида шундай ёзган эди: «Оч кулранг костюм-шим кийган йигит менга беҳосдан тўқнашиб кетди, йиқитиб юборишига бир баҳя қолди. У якка: «Дункан қани? Дункан қани?» — деб қичқирар эди.

Бу одам Есенин эди. Илгари Илья Ильич машҳур шоирни бир-икки кўрган эди холос. Ҳозир эса унга тузукроқ разм солди. У Есенин устахонага ҳаллослаб югуриб кирганида эмас, балки шоирни раққосага таништираётганларида унга зимдан тикилди. Деярли ҳамма мусаввирлар Айседора Дунканни ё енбошлаган қўйи, ёинки рақсга тушаётганини тасвирлаганларидек. Гўёки машҳур раққоса қалбини ё бутқул ором, ёхуд жўшқин рақс пуртаналари чулғаб олганки, кишида у доимо илоҳий бир қудрат комида яшаган экан деган таассурот қолдирарди. Эҳтимол, у ўзининг, афсуски, тугатишга улгуролмай қолган китобида: « Менинг ҳаётим ҳам, санъатим ҳам денгиз соҳилида ва денгиз туфайли яралган», — деб ёзганлари бежиз эмасдир.

«Денгиз соҳилида» — деганда Тинч океани қирғоғидаги Сан-Франциско шаҳрини тушунмоқ лозим. Аммо айни шу шаҳар Дункан тилида гамнок хотиралар қолдирган. Бунга сабаб унинг болалиги қашшоқликда утгани туфайли эмас, асло «уйимиздаги ночорликдан бир дамгина бўлсин азият чекканимни эслай олмайман», — деб ёзган булажак раққоса. Унинг қалби кўпроқ мактабдаги диққинафас муҳитдан, алмисоқдан қолган қонун-қоидаларга бўйсуниш мажбуриятидан озор топарди. Шунда у расмий, умумтаълим мактабига қарама-қарши уларок, ўзининг хусусий мактабини очди. Яна қачон денг? — Бор-йўғи ун ёшида! Яна қанақа мактаб — рақс мактабини-я! Ҳа, ҳа, рақс мактабини. Унга кириб ўқишни истовчиларнинг эса сонсаноғи йўқ эди.

Айседоранинг ўзи қаерда, кимдан сабоқ олган?

Неча ёшдан бошлаб? Шу каби илмоқли саволларга Айседора, «Онамнинг қорнидан рақсга тушиб тугилган бўлсам керак, дея жавоб беради. Ҳали тетапоя гудакни, яъни мени стол ўртасига қўйганларида, мен тўғри келган мусиқа жўрлигида турли-туман қилиқларим билан бутун оиламиз аъзоларини ва дустларимизни роса кулдирар эканман».

Аммо бу хонадонда тўғри келган ҳар қанақанги мусиқани ҳам тинглайверишмасди. Раққосанинг онаси фарзандларига Моцарт, Шопен, Бетховен ва Шуман асарларини пианинода чалиб берарди. У анчайин иқтидорли муганний бўлса-да, эри таплаб кетгани туфайли шарф тўқиб рўзғор тебратишга мажбур эди. Болаларига Шиллер, Шекспир, Китс ва Бёрнс каби шоирларнинг шеърларини ёддан ўқиб берарди. «Мактабда' утказилган қандайдир байрамда онамга тақлид қилиб Антоний монологини ёддан ўқиб берганимни эслайман. Барча йиғилганларнинг бу чиқишимдан донг қолганлари ҳамон ёдимда. Ўшанда бор-йўғи олти ёшда эдим».

Горкий, «бу аёл рус тилини билмайди-ю қандай қилиб Есенининг шеърларини тушунади? — дея қочирим қилган эди. Ҳа, у рус тилини билмасди, «(Есенин Дункан билан имо-ишоралар орқали, тирсак ва тиззалари билан туртиб сўзлашарди— ичиқоралик билан тасвирлайди Алексей Максимович. Аммо шеъриятнинг сеҳрли оҳангини «Уитменнинг маънавий қизи» бўлмиш Дункан (у гурур ва фахр билан ўзини шундай аташни севарди), жуда теран англарди. Бу хусусда унинг кўпгина замондошлари ўз хотираларида гувоҳлик берганлар.

У шеъриятнигина эмас, балки инсон қалбини ҳам теран идрок этарди.

«Айседоранинг фаҳм-фаросати ҳайратланарли эди, — деб ёзади Есенинни ўша пайтлари яқиндан билган шоир Рюрик Ивнев. — У суҳбатдошининг барча изтиробларини, севинчларини тула-тукис, бехато англай билар, ҳаттоки юрак тубида яшириниган заррадек бир ўзгаришни ҳам илгай оларди».

Шу ўринда Ивнев Есенининг ҳайрат ва гурур тула сўзларини келтиради: « У ҳаммасини тушунади, ҳаммасини. Уни алдаб бупсан!»

Сўзсиз англаш... Ҳа, агар инсон ҳамма нарсани вужуди билан англата олар экан, сўзнинг, тилнинг не ҳожати бор? «Айседора Дункан ўзгалар сўзлаб, куйлаб, ёзиб, чалиб, тасвирлаб ифодалайдиган ҳамма туйғуларни ўз рақсларида ҳаракатлар воситасида англатади», — деб ёзган эди асримиз бошида шоир ва рассом Максимилиан Волошин унинг концертини кўргач.

Ҳаттоки одамлар орасида шундай ривоят юради. Унинг икки фарзанди тушган автомобил Сена дарёсига чўкиб кетиб, гудаклар жасадини сувдан чиқариб олишгач, раққоса норасидаларнинг пажмурда жуссалари атрофида чарх уриб, айланиб-айланиб гамбода қалби қулфатини рақс орқали изҳор этган экан.

Бу шунчаки ривоят холос. Ахир, машҳур одам ҳақида қанақа ривоятлар тўқилмайди, дейсиз!

Орадан кўп йиллар ўтгач, Дунканнинг ўзи ўша вақтдаги аҳволи ҳақида қуйидагиларни эътироф этади: «Ҳаётда икки бор она юраги қаъридан отилиб чиқувчи фарёдни эшитиш мумкин. Бири туғаётганида бўлса, иккинчиси жигаргушасидан айрилганида. Кафтларимга болаларимнинг совуб қолган, жонсиз қўлларини олганимда лабларимдан беихтиёр аламли нола учди, уларни туғаётганимда ҳам худди ана шундай фарёд чеккандим.

Айседора Есенинга она янглиг меҳрибон эди. Буни Есенин ўзи ҳам эътироф этганди: «У менга туққан онамдек меҳрибон эди. У нобуд бўлган уғлига ўхшашимни айтарди: «Аммо, Дунканнинг юрагида ҳеч қандай эркакни лоқайд қолдирмайдиган кучли аёллик эҳтироси ҳам яшарди.

Мен билмадим: муҳаббат — вафо
Ва ёки у юқумли бир дард?
Келди навозиш-ла ул зебо
Безорининг ақлин олиб шарт.

Горкий хатларининг бирида шоирнинг ушбу шеърини Айседора Дункан билан Есенин ўртасидаги муносабатларга тўғридан-тўғри боглаб, уларни фожиавий ва тамоман беадаб сатрлар деб атайди. Нега? Фожиавий эканику, кундай равшан. Зеро, Есенин уларда ўз умри заволини башорат қилганди: «Бу аёлдан бахт изладиму ва ле бехос ҳалокат топдим».

Балки аёлга багишланган ушбу мисраларда ва бошқа шеърларда ҳам илоҳий туйғу, илоҳий қудрат билан намоён этилганлиги туфайлидир. Айседора буни рақсда ифода этди, Есенин эса шеърларида. Шу боисдан ҳам кўнгил — кўнгилдан сув ичганмикан... зеро, эҳтиросларга тилга кирганда таржимонга ҳожат қолмайди. Худди шу каби асл туйғуларни асослаш учун турли расмий ҳужжатлар, жумладан, никоҳ гувоҳномасининг ҳам кераги йўқ, деб уйларди Айседора. Ухшатмасдан учратмас деганларидек, бу аъмол Есенининг ҳам дилидаги гап эди.

Унда нима учун уларнинг никови никоҳдан ўтишдай «расмиятчиликка» рози бўлишдийкин?

Шунинг учун ҳамки, улар бормоқчи бўлган хорижда, айниқса, Америкада судиз кўпгина дилхираликлар содир бўлур эди.

Эски танишимиз Илья Ильич зиммасига гувоҳ бўлиш вазифаси юклатилди.

«ЗАГС» бўлими жойлашган бино файзсиз ва қутсиз эди, — деб эслайди у. Улардан қайси фамилияни танлашларини сураганларида, келин-куёв қўшалоқ — Дункан-Есенин фамилиясини танлашни ихтиёр этганликларини билдиришди. Никоҳ гувоҳномаси ва паспортларига худди улар истаганларидек ёзиб қўйишди.

Айтгандек, Айседоранинг паспорти йўқ эди. Бунинг ўрнига, у Илья Ильич иборaси билан айтганда «ҳужжатнамо алланарса»ни, ЗАГСга боришдан бир кун илгари «Шнейдерга узатиб, ибо аралаш «шу ерига озгина тузатиш киритиш»ни илтимос қилди.

«Аввалига унинг сўзларига тушунмадим. Шунда у тугилган санасини ифодаловчи рақамларни бармоги билан нуқиб курсатди, кулиб юбордим. Чунки, қаршимда гузал, сарвқомат, бироз озганлигидан янада очилиб кетган Айседора турарди. Бир сўз билан айтганда, муҳаббат уйи гулгул яшнатиб юборганди».

Гувоҳ буни аёлга айтди. Яна у рақамларни ўзгартиришга тайёр эканини, бунинг учун туш ҳам борлигини билдирди. «Лекин бунга кимга кераги бор? — дея сураги у. — Ахир Айседора узининг ҳусну жамоли билан ҳар қандай рақамларни инкор этмоқдаку?!»

«Бу Есенин учун, — жавоб қилди аёл. — Уртамиздаги 15 ёш фарқни биз сезмаймиз ҳам, аммо бу ерда ўша фарқ ёзиб қўйилган... Эртага эса паспортларимизга бегоналарнинг назари тушади ... Эҳтимол у уялар...»

Хушфеъл Илья Ильич Айседора истагини бажо келтирди. Эртасига лимон ва шампан шаробларибилан лиқ тўла саватни келин-куёвларга туҳфа этиб, Берлинга учаётган, жажжилигидан ўйинчоққа ўхшаб кетадиган енгил қанот самолётга кузатиб қўйди.

Европа шоирнинг дарров кунглига урди. «Қандай жирканч, қандай зерикарли... Шунақанги руҳий қашшоқликни кўриб қайт қилгинг келади, азбаройи худо!— деб ёзади у Париж шаҳридан. — Қаҳр-газабдан юрак кинидан чиқай дейди».

Орадан икки ой ўтгач келин-куёвлар Айседоранинг она ватани— Америкага етиб келдилар. Шунда Есенин: «Россияда эканлигимизда, барча банклару қасрлар ҳақидаги Айседоранинг бўлбулигуё бўлиб айтган қасидаларининг бари— уч пул, сариқ чақага зор бўлиб ўтирибмиз», — деб ёзди.

Бу ўринда Сергей Иванович янглишган эди: банклару қасрлар хусусидаги гап маҳобат эмасди. Огоҳ оламнинг шоҳидлик беришича, бир вақтлар Айседора ҳақиқатан ҳам Европадаги 12 та қўхна қасрнинг, Венеция, Кипр, Мадриддаги ажойиб, муҳташам саройларнинг соҳибаси бўлган эди. Заводчи бой Зингер (тикув машиналари туфайли номи жаҳонга ёйилган Зингер Айседоранинг иккинчи фарзанди отаси эди) беҳисоб олтину ёқутларини ушбу аёл пойига нисор этган эди. Аммо бу бойлик Айседоранинг қулига елдек келиб,елдек кетди. Молпараст бўлмагани сабабли, у умуман давлатини асрашни, пул йиғишни билмасди. Мабодо пулга зориққудек бўлса, охирини ўйлаб кетадиган болага юраги эзилиб узоқ қараб қолди. Сўнг шундоққина йўлкага, бола қаршисига тиз чўкди. Бошига шляпа ва ёқасига хризантема гули қистирилган смокинг кийган Есенин рафиқасини шошиб тургазмоқчи бўлди. Толстая ҳам ёрдам берди. Улар атрофига одамлар йиғила бошлади.

«Айседора ўрнидан туриб, мени нари сурди, ҳеч қаёққа қарамай ва ҳеч нарсани кўрмай боши оққан тарафга қараб кетди, худди Софокл фожиалари қаҳрамонларидек...»

Пировардида ҳам худди Софокл фожиаларида тасвирланганидек якун топди, Есенин Айседоранинг сўнгги маҳбуби эмасди: охиргиси ёш бир рус муҳожири эди. Йигит энди адойи тамом бўлган раққоса билан Ницца яқинидаги пушти ранг гиштдан қурилган шинамгина уйда танишганди. Бу вақтга келиб бадавлат хотиннинг бойлигидан ному нишон ҳам қолмаганди. Айседоранинг шу йигитга ёзган мактуби сақланиб қолган: «Қаердасан жондан ортиқ севгилим? Нега мени тарк этдинг?..»

Бу сўзларни буюк раққоса вафотидан уч ҳафта илгари ёзганди. Яна бироз яшаганида у эллик ёшга тўлган бўларди. Аммо қирмизи гулли ҳаво ранг шарф унинг учун ажал ситмоғи бўлди.

Орадан бир ой ўтгач, номига ўшал мактуб ёзилган йигитнинг ўзи ҳам сафар чоғида автомобил ҳалокатига учраб, бу дунёдан кўз юмди.

Рус тилидан
Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА
таржимаси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Тулапберган Қаипбергановга синглиси **БИБИЗАУРАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Шариф ЮСУПОВ

МУҚИМИЙ ВА МУҲЙИ

Муқимийнинг ўлимига Муҳйи сабабчи бўлганми? Икки адиб оромини бузган ул маҳлиқо ким эди?

Яқинда матбуотда ғоят қизиқарли бир мақола ўқидим. Гап шундаки, Қўқон тарихи ва адабий муҳитининг билимдони Пулатжон Қаюмов эллигинчи йилларнинг ўрталарида адабиётшунослик фанимизда анча узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган чигал муаммо — Муқимий ва Муҳйи муносабатлари хусусида ўзи кўрган ва билган воқеаларга асосланиб атрофлича фикр юритган ва бу фикрларни «Тазкираи Қайюмий»сида келгуси авлодлар учун нақшлаб қолдирган экан.

Маълумки, «Қизил империя» даврида ўтмиш маданий меросимиз коммунистик мафкура тазйиқи туфайли қингир кўзгуда кўрсатилар, бунга оз бўлса-да қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилган ҳар қандай тадқиқотчи тазйиқларга дуч этилар, ҳатто қатағон қилинар эди.

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек мумтоз адабиётининг икки йирик намояндаси — Муҳйи ва Муқимий муносабатлари ҳам асримизнинг 30-йиллари охирига келиб ана шундай қийшиқ кўзгусида кўрсатила бошлаган ва замон ўтиши билан бу ҳақда тарихий ҳақиқатга хилоф фикрлар тобора кўпроқ баён этилиб, қонун тусига кириб қолган эди.

Шундай ўта мураккаб вазиятда тузилган «Тазкираи Қайюмий» га Муҳйи ва Муқимий муносабатларига алоқадор, айни вақтда ўша даврдаги ҳукмрон мафкурага зид келадиган мулоҳазаларини битар экан, муаллиф имон-эътиқод тақозосига кўра шу йўлни танлаганини ҳам айтиб ўтади: «Қўлимизда қалам бўлиб, келажак авлодга тарихий воқеаларни ёзиб қолдирар эканмиз, — дейди у, — ҳақиқатни ёзишимиз керакдур».

Пўлатжон Қаюмовнинг «Тазкира» даги мулоҳазалари Муҳйи ва Муқимийнинг ижодкор сифатидаги умумий ҳамда тирик инсонлар сифатидаги бир-биридан фарқ қилган, баъзи ҳолларда бири иккинчисини инкор этган жиҳатларни ҳам илмий ҳалоллик билан, холисона кўрсатади, булар ўрганилаётган масаланинг нозик нуқталарини аниқлашга кўмаклашади. Муҳйи ҳам, Муқимий ҳам Бухоро мадрасасида таҳсил кўрганликлари, кейинчалик Қўқонда бир мадрасада умрлари охирига қадар яшаб ўтганликлари, Муҳйи фақирликда Муқимийдан ҳам ўтиб тушганлиги хусусидаги муаллиф фикрлари қизиқарлидир. Айни вақтда Пулатжон Қаюмов Муҳйи ва Муқимий ўртасида маълум вақтларда мавжуд бўлган келишмовчиликлар сабабларини ҳам ўз кузатишларидан келиб чиқиб кўрсатади: «Фақир Муҳйини кўрган кишидурмен. Суюкли шоиримиз Муқимий билан оралари бироз совуқлиги маълумдир. Лекин... душмани жон ва мол, обрў даражасида эмасди. Келишмовчилик шундадурки, Муқимий базм, тараннум, завқ-сафога мойил табиатдаги кишидур. Муҳйи эса бунинг бутунлай аксида бўлган характерга эгадур. Бир мадрасада яшадилар, бир даврнинг кўзга кўринган шоирларидур. Муҳйининг характерида Муқимийга мос тушмайдиган бир неча ёмон қилиқлар мавжуд эди. Тўғри сўз эди. Мулозамат қилмас эди». Шу тариқа икки йирик санъаткор ҳаётининг муайян даврида рўй берган совуқ муносабатларни уларнинг шахсий табиати билан боғлиқ деб ҳисоблаган муаллиф: « Муқимийга душманлик Муҳйининг ҳаётида бўлмаган ишлардур. Тўғриси, туҳматдур», деган хулосага келади ва ўз фикрини: «мадори ифтихоримиз бўлган суюкли шоиримиз Муқимийга Муҳйини ... кўрсатилган даражада душман деб танитишга виждонимиз йўл қўймаётир», дея якунлайди.

«Тазкираи Қайюмий»да Муҳйининг шахсий табиатидаги баъзи нуқсонлар унинг шеърларидан олинган мисоллар орқали кўрсатиб ўтилади. Унинг Худоёрхоннинг валиаҳд фарзанди Насриддинбекка шеърият соҳасида устозлик қилганлиги, кейинчалик отаси тахтини эгаллаган шаҳзоданинг оғир кунларида Хўжанд қалъасида бирга бўлганлиги хусусидаги ва бошқа кўпгина маълумотлар масаланинг моҳиятини англашга хизмат қилиши жиҳатидан муҳимдир.

Айни вақтда ўта ҳалоллик билан ёзилган бу қизиқарли материалда, бир томондан, айрим ўринларда зиддиятли фикрлар ҳам учраб қолади (чунончи, бир ўринда Муҳйи «ўзига биноси улуғ» эди дейилса, бошқа ўринда унинг «мулойим сўз ва хушсуҳбат одам» бўлганлиги қайд этилади), иккинчи томондан, Муҳйининг Қўқон адабий муҳитидаги энг забардаст шоирлардан экани масаласига етарлича эътибор берилмагандек туюлади (зотан, Муҳйининг ўзига замондош йирик қалам соҳибларини уни «тожиушшуаро», «шоҳи шоирон», яъни «шоирлар тожи», «шоирлар шоҳи» деб эътироф этганлар ва давр вақтли матбуоти шу юксак баҳони ўз ўқувчиларга ҳалоллик билан маълум қилган). Лекин қўлёзма тазкира учун мўлжалланган хомаки материалда масаланинг барча муҳим жиҳатларига узил-кесил нуқта қўйишимни талаб қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ. «Тазкираи Қайюмий» даги бу материал яна неча-неча авлодларни қизиқтирса, Муҳйи ва Муқимий муносабатлари ҳақидаги масаланинг янги-янги қирралари очилишига маълум даражада кўмаклашса ажаб эмас. Зотан, материални «Миллий тикланиш» да тўлалигича эълон қилдирган Урганч Давлат дорилфунунининг ўқитувчиси Сайёра Самандарованинг : «Муҳйи ҳақида уни яхши билган Қаюмийнинг ўз тазкирасида берган мазкур маълумотлари Муҳйининг адабиётда тутган ўрнини белгилашга хизмат қилади, деган умиддамиз, таҳлитида фикрлаши ҳам асло бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам Муҳйи ва Муқимий муносабатларидаги зиддият қай тариқа вужудга келган бўлиши эҳтимолини улар ижодига, ҳаёт тарзига янада чуқурроқ нигоҳ ташлаш орқали ойдинлаштириш, янгича таҳмин ва хулосаларга келиш эҳтиёжи сезилади.

Аввало шуни қатъий таъкидлаш лозимки, Муҳйи ва Муқимий муносабатлари ҳамиша ҳам зиддиятли бўлавермаган, улар бир-бирини ижодкор ва инсон сифатида юксак қадрлаб, эҳтиром кўрсатган вақтлар кўп бўлган. Бу гап ҳақ эканини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳар икки шоирнинг бой меросидан кўплаб топиш мумкин. Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик: Буюк Абдураҳмон Жомийнинг «Ҳафт авранг»и шарқ ҳамсачилигида қанчалар салмоқли ўрин эгаллаганлиги, унинг мағзини чақиб ўқиган ижодкорларнинг янги юксакликка кўтарилишига кўмаклашганлиги кўпчиликка маълум. Муҳйи эса бир неча ўн минг байтдан ташкил топган бу ноёб асарни ўқиб ўрганиш билангина чекланмай, ўта оғир меҳнатга бел боғлаб, уни бошдан-оёқ кўчириб, кўркам китоб тартиб беради. Узоқ муддат кўз нурини тўкиб бунёд қилган ана шу меҳнат маҳсулини ўзининг ҳаммадраса дўсти Муқимий назаридан ўтказишни лозим билади. Замонасининг нозиктаъб улкан хаттоти бўлмиш Муқимий ўз ҳамкасб дўсти меҳнатини шунчалар юксак қадрлайдики, уни камоли ихлос билан ўқиб чиқишдан ташқари бир неча дилсўз ғазаллар ижод қилиб, бу ғазаллар билан Муҳйи кўчирган «Ҳафт авранг» саҳифаларидаги ҳошияларни безайди. Бугина эмас. Улар кўп марталаб бир-бирларининг ғазалларига татаббулар битганлар, айрим ғазалларига эса тахмислар, мураббалар боғлаганлар.

Муҳйи ҳам бу соҳада ўзи ҳурмат қилган ижодкор дўстидан қарздор бўлиб қолмади, бунга ўз навбатида Муқимийнинг шеърий кашфиётларидан мамнун бўлганлиги, унинг истеъдодига тан берганлиги сабаб эди. Муқимийнинг 1960 йили чоп этилган икки жилдлик «Асарлар тўплами»нинг «Лирика» қисмида шоир камолот босқичига кўтарилган 80-90 йилларда яратган «Қуйдурур» радифли етти байтлик ғазал ҳам берилган. Шу жилднинг «Мураббалар» қисмида ўша ғазалга боғланган мурабба ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган. Мурабба матнига синчиклаб назар ташланса, унинг бу шаклга солиниши Муҳйининг хизмати туфайли рўй берганини фаҳмлаб олиш қийин эмас.

Асарнинг мурабба шаклига берилган изоҳда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: « Мураббанинг бу охирги бандида Муқимий-Муҳйи муносабатлари акс этади. Байтнинг мазмунидан кўринишича, бу мурабба Муқимий—Муҳйи муносабатлари ҳали кескин тус олмаган даврда ёзилган, шунинг учун ҳам шоир унинг номини хайрхоҳлик билан тилга олади». Ана шу изоҳ муносабати билан алоҳида эътибор талаб қиладиган бир нуқта бор деб ўйлаймиз. Гап шундаки, Муқимийнинг мумтоз шеъриятимизни бойитган йигирма чоғли мураббаларининг бирортаси ҳам олдинги ғазал шаклида битилиб, кейинчалик мураббага айлантирилганлиги маълум эмас. Иккинчидан, Муқимийга замондош шоирлар ўз асарларида бошқа бир дўстнинг номини ҳурмат юзасидан келтириш лозим деб ҳисобласалар, уни албатта охирги мисра ёки байтда ўз тахаллуслари билан ёнма-ён келтирганлар. Масалан, Зокиржон Фурқат «пажолиста» радифли ҳазил шеърида ўзига Тошкентда катта илтифот кўрсатган дўсти Ҳожи Аъзам номини келтирар экан, мақтаъни қуйидагича битади:

Агарда бўлса мумкин, фориғ ўлсанг ҳар юмушедин,
Ҳамиша Фурқатию Ҳожи Аъзамлаш пажолиста.

Муқимийнинг ўзи ҳам сал юқорироқда фикр юритилган татаббуда Муҳйи тахаллусини, «этди мени» радифли ғазалида эса Фурқат тахаллусини мақтаъ-байтда ўз тахаллуси билан ёнма-ён келтиради.

Муҳйи ва Муқимий меросига чуқурроқ нигоҳ ташласак, бундай ижодий ҳамкорлик, ижодий мусобақа намуналарини кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, Муҳйи вафотидан бир неча ой кейин, Тошкентда Пурцев матбаасида чоп этилган «Девони Муҳйи «даги:

Мунча ҳам, эй гулузорим, қопқорадур кўзларинг,
Эл гумон айлар муқаррар сурмасодур кўзларинг,

матлаъли ёки:

Қайси гулшанни санингдек бир гули раъноси бор?
Қайси бир гулни манингдек булбули шайдоси бор?

матлаъли ғазаллари Муқимийдаги:

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно, қародур кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдиға боққан балодур кўзларинг

матлаъли ёки:

Нозпарвар ёр агарчи табъи зулм осои бор,
Ошиқ ўлдурмоқда қон тўкмакка истиғноси бор —

матлаъли ғазалларга муқояса қилинса, улардан бирининг татаббу экани маълум бўлади. Бироқ ғазалларнинг қайсиси татаббуга асос бўлганини аниқлаш учун ҳали анча ишлар қилиши керак.

Муҳйи ва Муқимий муносабатлари кўнгилдагидек бўлган даврларда икки йирик санъаткорнинг ўзаро эҳтиромини, бошқаларга ўрнак бўлувчи ижобий ҳамкорлигини тасдиқловчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зотан, Муҳйининг ҳам, Муқимийнинг ҳам ижодини юксак қадрлаган Зокиржон Фурқат Қўқон адабий муҳитида кечган масрур дамларни эслаб: «Ул вақт Хўқанд вилоятидаги фозил ва расо табъ кишилар бирла иттиҳод айлаб, аларнинг суҳбатидин кўп баҳралар топдим ва аср шуароларикимчунончи, мавлоно Муҳйи ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи табъларимиздин мушоира қилур эрдук ва бир ғазалда татаббуъ кўргузиб бир мазмун ҳар навъ ифода топар эрди», деган сўзларни ёзганида қанчалар ҳақ бўлганини ҳам юқоридаги мисоллар яққол кўрсатиб турибди.

Лекин икки дўст ижодкор бир-бирларининг гуноҳларини кечирмаганликлари оқибатида улар орасидаги муносабат торлари таранг аҳволга тушиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келган вақтлар ҳам бўлган. Муҳйи ва Муқимий адабий меросидаги айрим намуналарга қараганда ҳар икки шоир феъл-атворидаги айрим жиҳатлар бир-бирларига хуш келмай қолган. Маълумки, кўп ҳолларда бир лаҳзадаёқ шоир одам қалбини жароҳатлаш ҳам, унинг бошини кўкларга етказиб қўйиш ҳам мумкин. Олам бахтсизликларидан кўнгли чилпарчин бўлган бу икки азамат шоир ўрталарида нималардир ўтади-ю Муқимийга Муҳйи ортиқча кибр-ҳаволи, Муҳйига эса Муқимий бўлар-бўлмас нарсаларни шеърга солаверадиган енгил табиат киши бўлиб кўрина бошлайди.

Шоирнинг асосий қуроли қоғоз-қалам бўлганидан у қалбидан кечган анвойи туйғуларни мисраларга жо қилиши, бу мисралар шеърият ишқибозлари қўлига тушиб, даврадан-даврага, юртдан-юртга ўтиши, халқ орасида кенг ёйилиши одатий бир гапдир.

80-йилларда андижонлик дўстларига ёзган бир шеърий мактубида Муқимий ўша вақтда Бўтақарода турган Муҳйига салом айтади-ю шу салом-байтнинг ўзида унинг кибр-ҳавосига ишора қилади:

Ҳожи Муҳиддин тўрам ҳам олсалар шояд алик
Ким, қилурмен ёд этиб Бўтақароларга салом.

Тез орада муносабат янада кескинлашиб кетади шекилли, энди Муқимий Муҳйининг ўзига биноси, кибр-ҳавоси ҳақида гапиришдан ташқари йиғинларда кишиларга малол келадиган даражада кўп шеър ўқиши ҳақида ҳам асабий байтлар битади:

Шеърингизга халқ толиб бўлсалар, сўнгра ўқунг,
Ё келиб аҳбоб кар бўлмоққа меҳмон бўлдиму?

Муҳйи ҳам ўз навбатида Муқимий томонидан илгарироқ битилган баъзи ғазалларни, у дўстларига ёзган шеърий мактубларни кавлаштириб, улардаги ўзига номақбул ва ноқис кўринган ўринларга алоҳида урғу бериб, ҳамкасб дўсти зарбасига зарба билан жавоб беради.

Чунончи, Муқимий кўнгли яқин савдогар дўстларидан бирига гуппи чопон учун керакли мато ва пахта сўраб ёзган шеърий мактубини кишилардан закот сўраш билан баробар номақбул иш деб ҳисоблаган Муҳйи қуйидаги байтни битади:

Муҳйи эмас Муқимий, деса закот учунким:
«Ёраб тижоратингиз қилсун ҳаён-афандим».

Муқимий ижодининг йирик тадқиқотчиси профессор Ғулом Каримов шоирнинг:

Эй яхшилар келайлук, бир жойга йиғилайлик,
Ўйнайлик, қулайлик, омон бўлайлик

матлаъли ғазалини ўтган асрнинг 60—70-йилларида, яъни Муқимий ҳали шогирдлик йилларини бошдан кечираётган даврда битган, ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш асарлардан деб ҳисоблайди. Зотан, ғазалнинг атиги биргина манбада (1882 йили китоб қилинган баёзда) учраши, кейин унутиб юборилгани ҳам юқоридаги фикрнинг тўғрилигидан далолат беради.

1886 йили Муҳйи форс тилида «Қасидааст дар шикояти ҳамоқати аҳли замон» («Замон аҳли аҳмоқликларидан шикоят қасидаси») номли каттагина дидактик асар ёзиб, унда Муқимийнинг юқоридаги ғазалида ҳар бир байтда (10 марта) такрорланиб ғашга тегадиган «ўйнайлик, кулайлик» сўзларини масхаралашдан ташқари муаллифни худо ҳукмини, пайғамбар амрини халққа етказиш ўрнига уни ўйин-кулгига даъват этишда айблайди, ҳамкасб дўсти шаънига ҳақоратли гапларни ҳам айтади.

Муҳйи Муқимийнинг шеърлари базм аҳлига маъқул эканидан ранжимайди, уни ашулапараст шоир деб ёқтирмайди. Лекин шуниси ҳам борки, шоирнинг асарлари халқ тўпланадиган базм ва сайилларда, гап-гаштакларда ашула қилиб айтилишини айб деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Бордию шу иш айб деб ҳисобланадиган бўлса, Муҳйининг ўзи ҳам бу айбдан ҳоли эмасди. Гап шундаки, Муҳйи ҳам базм аҳли томонидан севиб айтилаётган бир неча ғазал ва мухаммаслар битган. Улар ўз даврининг базмлар гули бўлган санъаткорлар репертуаридан жой олган.

Муҳйи—Муқимий орасидаги низоларни мулоҳаза қилиб, Муқимий хайрхоҳлик билдирган пири комил шоир Авазмуҳаммад Писандий Муҳйининг Ушда кечирган кунлари ҳақида ёзар экан:

Кундузи извошда сайру кечаси базми дутор —

мисрасини ҳам қистириб кетадики, дунёвий лаззатлардан, инсон ҳаётда сурини мумкин бўлган нашъу намолардан Муҳйи ҳам ҳазар қилмаган, деган хулоса чиқаришга асос беради.

Муҳйи ва Муқимий ўртасида рўй берган нохушликлар ўша даврдаги ижод аҳлининг ҳам диққатини тортган, бу икки шоирни яхши биладиган қалам соҳиблари баъзан бу хусусда ошкора муносабат билдирганлар. Чунончи, Рожий Марғиноний, Анбар Отин, Авазмуҳаммад Писандий кўпроқ Муқимийни, Фурқат, Тажаллий, Камий, Шавкат Искандарий, Фансуруллобек Хусрав, Абдуллажон Насимий эса кўпроқ Муҳйини ёқлаганлар, эъзозлаганлар. Адабиёт аҳлининг Муқимий ва Муҳйига муносабатлари турли шаклларда намоён бўлган. Баъзилар ўз муносабатларини шеърий асарларида ошкора билдирган бўлса, баъзилар икки шоирдан бирига кўпроқ эҳтиром билдириб, иккинчисига камроқ эътибор кўрсатиш билан чекланади. Масалан, Анбар Отиннинг Муқимийга ва Камийга мурожаат тарзида битилган алоҳида-алоҳида ғазаллари бор. Бу ғазалларда шоира Муқимийни ва унинг тарафдорлари бўлмиш Завқий, Шавқийни ростгўйлиги, аёллар қалбига ором берадиган мисралар битганлиги учун улуғлайди, Камийни ва унинг ҳамфикрлари ҳисобланган Муҳйи, Ҳазинийни лоф-қоф ва мақтов сўзлари битувчилар дея камситади. Муқимийга хайрхоҳ қаламкашлар асосан Муҳйини ва унга яқин турган шоирларни ҳажв қилиш йўлини танлаган бўлсалар, Муҳйига хайрхоҳ ижодкорлар унинг истеъдодини улуғлаш, мумтоз шеъриятдаги катта хизматларини таъкидлаш йўлидан борганлар. Бу ҳол Муҳйи қизғин ижод қилиб турган даврлардан бошланиб, унинг вафотидан сўнг ҳам давом этди.

Аввало шуни айтиш керакки, Фансуруллобек Хусравнинг кейинчалик «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да қўқонлик синчков адабиётшунос Аҳмаджон Мадаминов томонидан эълон қилинган қасида ва ғазалида Муҳйини маснавийда буюк Фирдавсий билан бир сафга қўйса, ғазалда замон Шайх Саъдийси, дея тенгсиз эҳтиром кўрсатади:

Ба тарзи маснавий монандин Фирдавсийи Тусий,
Ғазал бобида гўё Саъдийи ушбу замон Муҳйи.

Фақат Фансуруллобек Хусравгина эмас, балки ўша даврнинг Фурқат, Тажаллий, Камий Тошкандий, Шавкат Искандарий, Абдуллажон Насимий каби забардаст ижодкорлари ҳам Муҳйининг шоирлик истеъдодига ғоят юқори баҳо берганлар, уни асрларда бир келадиган ноёб қалам соҳиби деб ҳисоблаганлар.

Туркистоннинг даврий ва нодаврий матбуотида ҳам Муҳйи асарларини ўқувчиларга зўр эҳтиром билан тақдим этиш таомил тусига кирган эди. Чунончи, Андижон зилзиласи муносабати билан Муҳйи мухаммасини эълон қилган «Туркистон вилоятининг газет»и муаллифнинг алоҳида иқтидор соҳиби эканини кириш сўзида таъкидлаган бўлса, орадан бир неча йил ўтгач Муҳйи вафотига бағишланган Камий Тошкандий марсия-таърихини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этаркан, кириш сўзида уни «жаноби тожиушшуаро ва афсаҳул фусаҳо, адиби комил ва фозили айн» (яъни «шоирлар тожи ва сўз усталари устаси, комил адиб ҳамда тенгсиз фозил») деб таърифлайди. Бундай илтифотни газета Муҳйига замондош йирик ижодкорлардан бўлмиш Муқимий, Фурқат, Комил ва бошқаларга кўрсатган эмас. Муҳйига бу қадар эҳтиром кўрсатилганлиги тасодифий бўлмаган. Зотан, у ўзига замондош ўзбек ижодкорлари орасида бадиий кашфиётларининг кўплиги, шеърий парвозининг юксаклиги, ўқувчини лол қолдирадиган мислсиз тимсоллари билан ажралиб турар эди. Одатда забардаст истеъдод соҳиблари ўтмиш мумтоз шеъриятдаги анъанавий тимсоллар руҳида тарбияланадилар, бадиият пиллапояларидан кўтарилиш жараёнида ўша анъанавий тимсолларнинг янги қирраларини очиб, ўқувчи қалбини тобора кўпроқ ром этадилар. Муҳйи шеъриятида шу жиҳат айниқса яққол кўринади. Шоир у тимсолларнинг янги жиҳатларини очиш билангина чекланмай, уларни инкор этиш, моҳият-эътибори билан уларга зид тимсоллар яратишдек юксакликка кўтарилади. Масалан, мумтоз шоирлар ғунчани маҳбубанинг оғзига, гул қизиллигини маҳбуба чеҳраси рангига ўхшатиш орқали таъсирчан анъанавий тимсоллар яратганлар. Муҳйини эса бундай ташбеҳлар сира-сира қаноатлантирмайди. У:

Ғунча оғзин қилма нисбат ногаҳон ёр олдида,
Эй сабо ёрим учун оғзини ур-ёр олдида.
Айла авроқин паришон гулни ҳам гулшан аро,
Айласа ҳамранглиғ лофини дилдор олдида —

деб ёзаркан, шоирнинг буюк кашфиётига тан бермай илож йўқ.

Шеърларидаги ана шундай фазилатлари туфайли Муҳйи оддий халқ орасида ҳам, замон ҳукмдорлари орасида ҳам ҳавас қилса арзигулик шуҳрат қозонган; Қўқон хонлиги тахти атрофида масъулиятли лавозимларга таклиф этилган эди. Масалан, Маллахон ҳукмфармонлиги йилларида Муҳйи бир неча шарқ давлатларига элчи сифатида юборилганлиги, бирмунча вақт Ҳиндистон ва Афғонистонда яшаганлиги маълум. Қўқон хонлари Муҳйининг улкан шоирлик истеъдодидан ҳам кенг фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Сайид Муҳаммад Худоёрхон ўзининг валиаҳд фарзанди Насриддинбекнинг шеъриятда, умуман, бадиий ижодда Муҳйи қўлида таълим олишини орзу қилган. Насриддинбек Андижон ҳокими қилиб тайинлангач, унга илгари шу соҳада таълим берган исфаралик шоир Мир Худоёрни ишдан четлатиб, ўрнига 26 ёшли оташқалб шоир мавлоно Муҳйини тайинлайди. Шу тариқа бир неча йил мобайнида Муҳйи бадиият соҳасидагина эмас, балки давлат ишларини бошқаришда ҳам бўлғуси хонга раҳнамолик қилади. Муҳйи муқаддас Ҳаж сафарини адо этиб, Қўқонга қайтган 1876 йилнинг январида хонлик ҳудуди даҳшатли алғов-далғовларни бошдан кечирар, Сайид Муҳаммад Худоёрхон Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман томонидан ҳийла билан Тошкентга чақирилиб, худди шундай ҳийла билан Оренбург сургунига жўнатилган, мамлакатда сохта Пулатхоннинг каллакесарлари мислсиз ваҳшийликлар қилаётган, янгигина тахтга чиққан Насриддинхон Хўжанд қалъасида улардан жон сақлаётган фожиали вақт эди. Жасур устоз Муҳйи барча қўрқинчли ғовлардан ўтиб, ўз шогирди ҳузурига боради. Насриддинхонга далда бериб, уни Қўқон хонлиги ҳудудини сохта тахт даъвогари қўлидан қутқаришга қатъий даъват этади, шаҳзодага ўз насиҳатларини чўнг қасидасида баён қилиб, уни жасоратга руҳлантиради. Форсий қасиданинг матни Муҳйининг қўлёзма девони орқали бизгача етиб келган бўлиб, унга битилган кириш сўзида жумладан бундай дейилган: «Бу маснавийни қузғолон вақтида жаннатмакон Сайид Муҳаммад Насриддинбек Хўқанддан бир неча муддат кетиб, Хўжанд қалъасида яшириниб турганида ёзилди... Фақир Муҳйи бул вақтда Байтуллоҳни зиёрат қилиб саодат сафаридан қайтган эдим. Қайтганимда хонни қалъада маҳфий ҳолда кўрдим». Устози маслаҳатига унаб, шунингдек, Қўқон аҳолисининг илтимосларини ҳисобга олган ёш хон 1876 йилнинг 30 январида ўз пойтахтини қайта эгаллайди. Енгилиб қочган сохта Пулатхонни маҳаллий қасосчилар ёрдамида қўлга олган генерал Скобелев уни Марғилон яқинида қатл эттиради. Насриддинхон ўзининг ички душманидан қутулиб, юртга ҳукмфармонлик қилиши учун имкон туғилиши биланоқ, Александр II нинг 1876 йил 19 февралдаги фармони билан Қўқон хонлиги ўрнида Фарғона губернаторлиги ташкил этилиб, уни Россия ўз комига тортиб юборади. Насриддинбек Владимир сургунига ҳайдалади, унинг устози Муҳйи Қўқоннинг «Ҳазрат Соҳибзода» мадрасасидаги бир парча ҳужрадан макон топиб, умрининг охиригача шу ерда ғарибона ҳаёт кечиради.

Тахминан шу вақтларда Муқимий Бухорода мадраса таълимини тугаллаб, Қўқонга қайтган, орадан бироз муддат ўтгач у ҳам шу мадрасанинг бошқа бир ҳужрасига умр бўйи яшаш учун кўчиб кирган эди. Икковлари Бухорои шарифда таҳсил кўрган, бир шаҳарда, бир адабий муҳитда ижод қилган Муҳйи ва Муқимий шахсий муносабатлари яхши бўлмай қолганлигининг баъзи сабаблари хусусида мавжуд фикрлар газетхонларга маълум бўлди, деб ўйлаймиз.

Лекин Муқимий меросида бир ғазал борки, унинг яратилиши тарихига, жанр хусусиятларига, унда ифодаланган айрим фикрлар, қилинган имо-ишораларга чуқурроқ назар ташланса, икки йирик шоир муносабатларига улардан ҳар бирининг ўзига хос феъл-атвори, шеъриятнинг мақсад ва вазифаларига қарашларнинг турличалигидан ташқари ҳамма кишиларга хос интим туйғулар ҳам сабаб бўлганмикан, деб ўйлаб қоласан киши. Гап:

Ақлу ҳуш учди бошимдин эй пари, девонаман,
Бир иложе қил эл ичра бўлмайин афсонаман, —

матлаъли ғазал ҳақида бормоқда. Муқимий «Танланган асарлар»ининг барча нашрларига киритилган бу ғазал шоирнинг алоҳида шуҳрат топган асарларидан ҳисобланади.

Муқимийнинг бу ғазалида шоир шеъриятида кам учрайдиган бошқа бир жиҳат ҳам кўзга ташланади.

Гап шундаки, Муқимий ўз замондошлари орасида энг кўп мувашшаҳ ёзган шоирлардан ҳисобланади. Мувашшаҳ ғазални (ёки камдан-кам ҳолатларда мухаммасни) бирор кишининг исми билан безамоқ, зийнатламоқ демакдир. Киши исмини асарга тўғридан-тўғри киритишнинг ўзи мувашшаҳ ҳисобланмайди. Одатда ғазалдаги ҳар бир байтнинг биринчи мисраси (баъзи ҳолларда эса иккинчи мисраси) бош ҳарфларини аниқ тартиб асосида кетма-кет териб чиқилганида асарга зийнат бериладиган кишининг тўла исми чиқади. Шарқона ахлоқ-одоб тақозосига кўра шоирлар аёл киши номига мувашшаҳ битишдан ўзларини тийганлар. Биз фикр юритаётган «Ақлу ҳуш» ғазали эса аёл киши номига мувашшаҳ қилинган.

Келинг, ғазалнинг тўла матнига кўз ташлайлик:

Ақлу ҳуш учди бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин афсонаман.

Дарду сўзу ашку оҳимни қиёс эт шамъдин,
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Ул замоники йироқ васлингдин ўлдум то бу дам,
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.

Лаҳзаи заҳри ғаминг ютмоққа тоқат қолмади,
Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман.

Хома мужгон кўз қаросидин ёзиб рози дилим,
Арзаи қилдим эшит, маъюсу муштоқонаман.

Оҳким сенсиз қарору сабру оромим кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Навбати жомим тўла қуйғил, карамдин, соқиё,
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастонаман.

Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

Ғазалдаги ҳар бир байтнинг илк ҳарфларини араб алифбоси қоидаларига амал қилиб, кетма-кет тартибда териб чиқсак, «Адолхоним» исмини ўқиш мумкин. Шуни ҳам албатта ҳисобга олиш керакки, арабча ёзув қоидасига кўра «ул» сўзи «алиф» ҳарфи билан бошланади ва у ҳарф сўз орасида «о» тарзида ўқилади. Мақтаъдан олдинги байт нун ҳарфи билан, мақтаънинг ўзи «мим» ҳарфи билан бошланиб, улар орасида «и» ҳарфи йўқлиги эса, араб алифбосига кўра, қисқа унлилар ёзилмай ташлаб кетилиши билан изоҳланади.

Масаланинг яна бир нозик жиҳати ҳам бор. Муқимийнинг ўз қўлёзма кичик баёзи асосида устоз Ғафур Ғулом томонидан нашрга тайёрланиб, 1943 йили чоп этилган «Танланган асарлар»да бу ғазалда атайлаб байтлар ўрни ўзгартирилганлиги, бу ҳам етмагандек, унинг мувашшаҳ эканини яшириш учун тўртинчи байт бошидаги «Лаҳзаи» сўзи «бир нафас» бирикмаси билан алмаштирилганлиги маълум. Ғазалнинг бундай «ижодий» ўзгартиришлар билан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилиши Ғафур Ғуломнинг «хизмати» бўлмай, Муқимийнинг чуқур андешакорлиги маҳсули деб ҳисобланишини мантиқ кўпроқ тақозо этади. Чунки орадан етти-саккиз йил ўтгач, Муқимий асарларини нашрга тайёрлаш билан жиддий шуғулланган синчков адабиётшунос Ғулом Каримов ғазалнинг ҳақиқий нусхасини тиклаган ҳолда чоп эттирди ва бу даврда гуркираб фаолият кўрсатган Ғафур Ғулом ўз ҳамкасбига хоҳ расмий, хоҳ норасмий тарзда бирор эътироз билдиргани йўқ. Аксинча, ғазал Адолхонимга мувашшаҳ экани аниқланганидан кейин Ғафур ака унинг яратилиш тарихини ўрганиб, ўз ҳамкасб дўстлари, шогирдлари даврасида мақтаъдаги: «мулки Ҳинду Марвдин...» сўзларидан муаммо жанри қоидасига кўра Муҳйининг ҳақиқий исми Муҳиддин чиқишини, Адолхонимнинг мураккаб ҳаёт йўли хусусида эса «Қизи халқидан узр сўрайди» сарлавҳали мақола ёзаётганини айтган эди. Шу тариқа ғазал Адолхонимга мувашшаҳ ва шоир Муҳйига пичинг тарзида адабиётимиз тарихига кирди.

Хўш, Муқимий ўзининг эътибордан четда эканини, бахтсизлигини ва бунга ҳамкасби Муҳйи сабаб эканини нега ижтимоий мавзудаги бирор шеърида эмас, балки ҳижронзода ошиқ кўз қорасини сиёҳ қилиб битган дилхун ғазалида баён этади? Улар орасига совуқчилик тушиб, бу муносабатларга кўплаб ҳамкасб дўстлар ҳам жалб этилиб, кўнгилсиз воқеалар келиб чиққанлигига Адолхоним билан боғлиқ муҳаббат можароси ҳам сабаб бўлмадими экан? Адолхоннинг ўзи ким? Уни кўрган, шахсан таниган замондоши машҳур санъаткор Лутфихон ая Саримсоқованинг бизга берган маълумотига қараганда, у хўжандлик бир оддий ҳунарманднинг ўта кўҳлик, ўта истеъдодли қизи бўлган. Тақдирнинг аччиқ тақозоси билан Адолхоним Янги Марғилонда байтул тушиб қолган. Шу даҳшатли масканда у ўзининг мислсиз дард-аламларини шеър мисраларига жойлаб, уларга эҳтиросли куйлар басталаган, бир умрлик ҳамроҳи бўлмиш дутор жўрлигида уларни тенгсиз маҳорат билан ижро этган. Қўшиқ санъатимизнинг завол билмас обидалари бўлмиш «Адолча тановори» туркумидаги сеҳрли хонишлар шу тариқа вужудга келган.

Қаро сочим ўсиб қошимга тушди,
На савдолар мани бошимга тушди —

матлаъи билан бошланадиган «Тановор», шунингдек, туркумнинг «Сунбула» номи билан юритилаётган шўъбаси ҳануз энг муборак давраларнинг сеҳрли безаги вазифасини бажармоқда. Адолхоним, асримиз бошларида жасур ўзбек аёллари орасида биринчи бўлиб, граммофон пластинкаларига ёздирган қўшиқлар унинг тенгсиз санъатига қўйилган нурли ҳайкал бўлиб қолди. Буюк истеъдод эгаларини таъқиб этадиган фожиавий бахтсизликлар Адолхонимни ҳам умр бўйи тарк этмаган. Унинг ҳаётигина эмас, ўлими ҳам фожиали бўлган. Туркистон мухторияти «қизил империя» томонидан қонга ботирилган ойларда Адолхоним ҳам мухторият хайрихоҳларидан бири сифатида уйидан олиб чиқиб кетиб, гум қилиб юборилган.

Мавлоно Муҳйи ҳам Адолхонимга бирор махсус ғазал битганми ёки катта шов-шувга сабаб бўладиган бу қалтис ҳаракатдан ўзини тийганми — бу масала ҳали аниқланганича йўқ.

Ҳарқалай, Муҳйи билан Муқимий орасида кўнгилсиз воқеалар рўй беришининг сабабларини аниқлашда Адолхоним номига қилинган мувашшаҳ ва мувашшаҳ мақтаъида Муқимий ўзининг бахтсизлиги, эътибордан четдалигини Муҳйи номи билан боғлаганлиги ҳисобга олиниши керак, деб ўйлаймиз.

Лекин нима бўлганида ҳам Муҳйи ва Муқимий ўзбек мумтоз адабиётининг ҳар бири ўзига хос азамат намояндалари эди. Шу важдан ҳам уларнинг бирини деб иккинчисидан воз кечиш ғоят кўркам ва бой маданий меросимизни қашшоқлаштириш бўлур эди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Мукаррама МУРОД қизи

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0309. Ҳажми — 4 босма табоқ. Тиражи—10843. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6